

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ



ЮЛДАШОВ СОДИҚ ОҚБАЕВИЧ

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР
МУРОЖААТИ ИНСТИТУТИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ**



УЎК 347.19 (575.1)

КБК 67.400.6

Юлдашов С.О. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаати институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари. Монография. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, Тошкент: 2022. – 182 б.

Монография Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган. 2022 йил 7 май кунидаги 8-сонли баённомаси ва Олий таълим, Фан ва инновациялар вазирлигининг 29.05.2023 йилдаги 232-сон буйруғи.

Мазкур монографияда мурожаатлар институтининг ривожланиш босқичлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг таснифи ва ўзига хос жиҳатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш механизми, мурожаатларни кўриб чиқувчи институционал тузилмалар фаолияти, ривожланган хорижий мамлакатларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш каби каби муҳим масалалар ўзининг назарий ҳамда амалий ифодасини топган.

Ушбу монография давлат хизматчилари, амалиётчи мутахассислар, юридик олий ўқув юртлари ўқитувчилари, бакалавр ҳамда магистратура йўналишида таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган.

Такризчилар:

Нариманов Б.

Тошкент давлат юридик университети «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD);

Усмонов М.Б.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети «Давлат ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор.

© Юлдашов С.О., 2022

© Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2022

КИРИШ

Дунёда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг энг мақбул воситаларидан бири сифатида мурожаатлар билан ишлаш амалиётининг самарали механизмини татбиқ этиш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда ривожланган демократик мамлакатлардаги жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш, мурожаатларни маъмурий адлия доирасида кўриб чиқиш институтлари ваколатларини кенгайтириш, электрон мурожаат (петиция) қилишнинг турли йўллари ривожланганлиги, шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқишда суддан ташқари бўлган институционал тузилмаларнинг миллий қонунчилигимиз ва давлат бошқаруви амалиётига жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш соҳасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича давлат хизматлари турларидан келиб чиқиб маъмурий регламентларни белгилаш, давлат хизматлари кўрсатишда мансабдор шахсларга мурожаат қилиш институтидан воз кечиш, давлат органларининг битта мурожаат битта инстанция тартибига ўтиши, мурожаатларни фақатгина давлатга юбориш тартибини қўллаш ҳамда бир марта мурожаат принципи жорий қилиш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таҳлил қилиш устувор вазифа ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашнинг барча йўналишларида кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган.

Бу эса, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар орқали давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор шахсларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги электрон веб-сайтлари ва саҳифаларига мурожаат қилиш амалиётини кенгайтириш, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ёки биометрик белгилар (бармоқ излари) орқали давлат идораларига мурожаат қилиш тартибини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиял эшитиш институтини миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш ҳамда мурожаатларни кўриб чиқишда блокчейн (тарқоқ реестрлар тизими) технологиясини жорий этишни илмий тадқиқ этиш зарурлигидан далолат беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

I БОБ. ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

1.1. Мурोजаатлар институтининг шаклланиши, тушунчаси ва ривожланиши

Мурोजаатлар институтининг шаклланиши ибтидоий жамоа тузуми ёки инсоният пайдо бўлган даврга бориб тақалади. Чунки, бу даврда кишилар жамиятда амал қиладиган хулқ-атвор ва юриш-туриш қоидаларига сўзсиз риоя қилганлар. Улар ҳақ-ҳуқуқини рўёбга чиқариш, камситилиши ёки хўрланиши сабаб уруғ оқсоқоли ёки қабила бошлиғига оғзаки равишда арз-шикоят қилган ва бунинг натижасида маълум бир ечими топилган.

Худди шу каби, уруғ оқсоқоли ёки қабила бошлиқлари бошқарувни амалга оширишда ақлли кишилар, қари, оқсоқол ва кайвониларнинг таклифларидан самарали фойдаланган. Бироқ бу ариза, шикоят ва таклифлар мазмун жиҳатдан оғзаки кўринишда намоён бўлган.

Мурोजаатлар институтининг ёзма шакли ёзув кашф этилган даврда, яъни «милоддан аввалги IV минг йиллик ўртасида Шумер (ҳозирги Ироқнинг жанубий қисми) давлати»²да пайдо бўлгани ҳолда, кишилиқ жамияти тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий формацияларида босқичма-босқич ривожланиб ва такомиллашиб борган.

Тарихий тараққиёт жараёнида бу институтнинг доираси янада кенгайиб, унинг турлари (ариза, шикоят, таклиф) ҳокимият бошқарувида қўлланила бошланган. Электрон шакли эса, XXI асрда, яъни ахборот-коммуникация технологияларининг амалиётга қўлланилиши натижасида пайдо бўлди.

Мурोजаатлар институтининг ривожланиши ва тараққиёт йўналишлари давлатчилигимиз тарихида ўзига хос усулларда

² Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. 1-китоб. –Т.: «Ўзбекистон», 2015. –Б. 20

намоён бўлган. Масалан, манбаларда келтирилишича, «Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида салтанатда «Қиссадор» лавозими жорий этилган бўлиб, у ҳафта давомида султонга тушган арзлар, шикоятларни йиғиб, жума кун кечаси ҳукмдорга топширган. Мурожаатни кўриб чиқиш натижаси ҳақида ҳар бир арзчи ё шикоятчига тегишли жавоб берилган»³.

Давлат мулозимлари томонидан мунтазам равишда жойларга чиқиб, аҳоли билан мулоқотлар ташкил этилган, бу усулдан фуқаролар аҳволдан бохабар бўлишда фойдаланилган. Масалан, «Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги остида бўлган Хўжанд вилояти ҳокими Темур Малик шу вилоят ҳудудидаги Куркат қишлоғи аҳолиси билан мулоқот ўтказиб, халқнинг аҳволи, яшаш шароити ва турмуш тарзи билан шахсан танишганлиги манбаларда ёзилган»⁴.

Марказлашган қудратли давлат барпо этган Амир Темур салтанатида мурожаатлар институтининг бир мунча такомиллашган механизми намоён бўлган. Хусусан, мамлакатнинг Бош қонуни ҳисобланган «Темур тузуклари»да мурожаатлар билан ишлашга боғлиқ бўлган ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган бўлиб, унда «мурожаат этувчиларни қабул қилиш, мурожаатларни расмийлаштириш ва кўриб чиқишнинг алоҳида тартиби кўрсатилган. Мурожаатлар билан шуғулланадиган махсус тузилма, яъни «арзбеги» лавозими таъсис этилган бўлиб, бу – сипоҳ, раият ва арз-дод қилиб келувчиларнинг аҳволини, мамлакатнинг обод-хароблигини, муҳим ишлардан қайси бири битган-битмаганлиги ҳақида ҳукмдорни хабардор этиш»⁵ масалаларига масъул шахс ҳисобланган.

Амир Темур бошқаруви даврида ҳар бир шаҳар ва ҳар бир қасрда мурожаат билан келганларни қабул қилиш учун

³ Зиёев Х. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). –Т.: «Шарқ», 2000. –Б. 145

⁴ Мирмуҳсин. Темур Малик. –Т.: «Шарқ», 1996. –Б. 90-91

⁵ Темур тузуклари. –Т.: «Ўзбекистон», 2011. –Б. 24

ҳукмдорнинг алоҳида қабулхоналари ташкил этилган бўлиб, булар «боргоҳ»⁶ ёки «Арз ва шикоятлар маҳкамаси»⁷ деб номланган.

Бу давлат қонунчилигида мурожаат қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича хатога йўл қўйган мулозимларга нисбатан жазо муқарраллиги таъминланган. Хусусан, «жойлардаги ҳақиқий аҳвол, шу жумладан, маҳаллий ҳокимият ва давлат хизматчиларининг халққа бўлган муносабати ва хатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳукмдорни хабардор этиб туриш мақсадида ҳар бир ҳудудда алоҳида «хабарнавс» лавозимлари жорий этилган бўлиб, булар ёлғон ёки нотўғри хабар етказган тақдирда «ёзган бармоқлари кесилсин», деган махсус фармон чиқарилган»⁸.

Бухоро амирлигида мурожаатлар билан бевосита шуғулланувчи «додхоҳ» лавозими жорий этилган бўлиб, у «мурожаат қилувчиларни арзини амирга етказиш ва жавобини олиб беришга масъул, баъзан олий ҳукмдор рухсати билан ўзи ҳам мурожаатларни мустақил ҳал қилиш ваколатига эга бўлган»⁹. Шунингдек, мурожаатлар билан ишлаш борасида «удайчилар (амирга ахборот бериб турувчилар) ва Мирзо-мунший (амирнинг шахсий қабулхонаси бошлиғи) каби алоҳида мансабдорлар фаолият кўрсатишган»¹⁰.

Рус тарихчиси Н.А.Маевнинг «Бухоро хонлиги очерклари» асарида Бухоро амири томонидан мурожаат қилувчиларни қабул қилиш тартиби ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Хусусан, у «...шахсан хоннинг ўзи томонидан ҳафтада бир маротаба мурожаат билан келганлар учун қабул ўтказилади, бу тўғрисида қабулдан бир-икки соат олдин халққа хабар берилади, мурожаат қилувчилар хон саройига таклиф этилиб, қабул учун мўлжалланган махсус хонага киритилади, Амир арз қилувчиларнинг илтимосини ёхуд

⁶ Низомиддин Шомий. Зафарнома. –Т.: «Ўзбекистон», 1996. –Б. 507

⁷ Муиниддин Натанзий. «Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний». –Т.: «Ўзбекистон», 2011. –Б. 48

⁸ Зиёев Х. Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири. –Т.: «Маънавият», 2008. –Б. 53

⁹ Зиёев Х. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). –Тошкент: «Шарқ», 2000. –Б. 294

¹⁰ Тошқулов Ж. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий фикрлари тарихидан (XVII-XIX асрлар). –Т.: «Ўзбекистон», 1996. –Б. 7

шикоятини эшитади ва муносабат билдиради. Қабул куни графиги мавжуд бўлмаса-да, қабул маросими қоида тариқасида 15-30 дақиқа давом этган»¹¹, дея таъкидлайди.

Демак, мазкур давлатлар бу институтдан, биринчидан, фуқароларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида олий ҳокимият органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятини бериш, иккинчидан, аҳолига маълум даражада давлат бошқарувида иштирок этиши учун шароитлар яратиш, учинчидан, жойлардаги ижтимоий вазият, яъни фуқароларни яшаш тарзи, масъул шахсларнинг оддий аҳолига бўлган муносабатларини аниқлаш, мамлакатда амалда бўлган қонун-қоидаларнинг амалий ижроси таъминланганлиги каби ҳолатларни аниқлашда фойдаланган. Бу шунини белгилайдики, кишилик жамиятидаги давлат ҳукмдорлари томонидан мулозимлар ёки давлат хизматчисининг хатти-ҳаракатлари устидан қилинган шикоятга ҳеч қандай таҳдидсиз чора кўрилган.

Бироқ халқнинг фикри инобатга олиниши ва бунга оид ижтимоий муносабатлар давлат томонидан тартибга солиниши мурожаатлар институтининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

Қонунчилик тарихига назар ташласак, халқнинг фикри муҳимлиги дастлаб Англиянинг «Эркинликларнинг буюк хартияси»¹²да (1215) белгилангани ҳолда, кейинчалик «Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль» ва «Ҳуқуқлар тўғрисидаги петиция» ҳужжатлари (1628), Англия парламентининг «Буюк реформация»¹³ (1641) ҳамда «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида билль»¹⁴ (1689) каби ҳужжатларида баён этилган.

Шунга қарамай, «инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари» тушунчаси XVIII асрдагина қонун йўли билан

¹¹ Маев Н. Бухоро хонлиги очерклари. –Т., 2012. –Б. 9

¹² Мўминов А.Р., Тиллабаев М.А. Инсон ҳуқуқлари //Дарслик. –Т.: «Адолат», 2013. –Б. 6

¹³ Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. 1-китоб. –Т.:«Ўзбекистон»,2015.–Б. 249-250

¹⁴ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ //Дарслик. –Т., 2006. –Б. 55

мустаҳкамланди. У илк бор 1789 йилги «Франция Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида янгради»¹⁵. Шунингдек, «АҚШ Конституцияси»¹⁶ (1789), «Франция Конституцияси»¹⁷ (1791) ва бошқа ҳужжатларда ўз аксини топган. Бу эса, мурожаат қилиш ҳуқуқини шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, кишилик жамиятининг турли босқичларида фаолият кўрсатган давлатларда мурожаатлар институти ўзига хос кўринишда ривожланиб ва такомиллашиб борган, бироқ ХХ асрнинг иккинчи ярмига қадар ижтимоий муносабатларнинг бу соҳага оид қоидалари устунлиги барча давлатлар томонидан умумий ҳолда тан олинмаган.

Бу борада, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил топиши ва унинг ташаббуси билан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устунлигини тан олишга доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ўз самарасини берган.

Шу сабаб, 1977 йилда СССР Конституцияси қабул қилингандан кейин ариза, таклиф ва шикоят бериш ҳуқуқи конституциявий характерга эга бўлди. Хусусан, Конституциянинг 58-моддасида «СССР граждaнлари мансабдор шахсларнинг, давлат ва жамоат органларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилиши лозим»¹⁸, деб белгиланган.

Мустабид тузум конституциясида «инсон ҳуқуқларининг чекланганлик моҳияти сиёсий соҳада: давлат ва шахс ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий муносабатларда давлат ҳуқуқи юқори бўлиб, инсон ҳуқуқлари иккинчи даражага қўйилган. Бу эса, сиёсий

¹⁵ Исломов З., Аббосхўжаев С. Конституция – ҳуқуқ устунлиги асоси. –Т.: «Ўзбекистон», 2012. –Б. 201

¹⁶ Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. 1-китоб. –Т.: «Ўзбекистон», 2015. –Б. 282

¹⁷ Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. 1-китоб. –Т.: «Ўзбекистон», 2015. –Б. 283

¹⁸ Хусанов А.Т. Деятельность исполнительных комитетов местных советов народных депутатов по рассмотрению и разрешению предложений, заявлений и жалоб граждан (по материалам Узбекской ССР): Дис. ...канд. юрид. наук. –Т., 1982. –С. 34

ҳуқуқлар чекланганлигини билдиради. Давлат жамият ҳаётидаги муҳим масалаларни ўзи ҳал қилган. Инсоннинг давлат бошқаруви ишларида иштирок этиш, ўз фикрини билдиришга эътибор берилса-да, асосий ҳал қилувчи ҳукми давлат чиқарган. Бунинг натижаси халқнинг ўрни ва ролини камситишга олиб келди. Конституция ягона ҳукмрон партиянинг сиёсий дастурлари ва мафкурасига бўйсундирилган эди»¹⁹.

Аслида, «мурожаат қилиш ҳуқуқи» тушунчаси ҳуқуқшунос олимлар томонидан турлича эътироф этилади. Масалан, ҳуқуқшунос олим Н.С.Миньконинг фикрича, «Мурожаат ўз мазмунига кўра, фуқаро (фуқаролар), яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, қонунчиликда кўрсатилган ҳолларда эса, ўзга шахсларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тиклаш, амалга ошириш ва уларга эга бўлишга қаратилган давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар (мансабдор шахслар) билан ўзаро алоқа шаклини ифода қилади»²⁰.

М.В.Баглай «Фуқароларнинг мурожаатлари шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишнинг, давлат аппаратининг аҳоли билан алоқасини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаларидан биридир. Мурожаат қилиш ҳуқуқи фуқароларнинг давлат қарорларини қабул қилишдаги таъсири давлат ҳокимияти органларини сайлаш ҳуқуқи билан чегараланиб қолинмаганлигини билдиради. Таклиф, ариза ва шикоятлар орқали фуқаролар ҳокимиятга босим ўтказиб, уни назорат остида ушлаб туради. Давлат органларига мурожаат қилиш ва уларга жавоб беришнинг мажбурийлиги кўпгина ижтимоий зиддиятларни ҳал қилиш, оммавий норозиликни олдини олиш ва алоҳида шахсларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради, агар, бюрократик

¹⁹ Ҳусанов О., Каримова О., Азизов Ҳ., Тўйчиева Ҳ., Каримов З. Инсон ҳуқуқлари.—Т.: «Шарқ», 1997.—Б.30-31

²⁰ Минько Н.С. Некоторые аспекты работы с обращениями граждан и юридических лиц в системе исполнительной власти //Вестник Полоцкого государственного университета. Серия D, 2012, № 5. —С. 168

сансалорлик ва расмиятчилик бўлмаса албатта»²¹, деб таъкидлайди.

А.Н.Нифанов мурожаат қилиш ҳуқуқининг мазмунини қуйидагиларда ифода этади: «1) халқ ҳокимиятчилигининг шаклларида бири бўлиб, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг мажбурийлиги шаклида амалга ошириладиган, ижтимоий муҳим масалалар юзасидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки қарор қабул қилишга қаратилган бўлади; 2) ариза ва шикоятларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юбориш орқали фуқаролар томонидан оммавий-ҳуқуқий шаклда амалга ошириладиган, уларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонун билан ўрнатилган тартиби. Мазкур халқ ҳокимиятчилиги шаклининг реал кафолати сифатида мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш учун жавобгарликнинг юридик регламентацияси бўлиши лозим»²².

Д.Н.Бахрах, Б.В.Российский ва Ю.Н.Стариловлар «Фуқароларнинг оммавий ҳокимият субъектларига мурожаатлари – ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг асосий воситасидир, улар қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳокимият органлари ишларининг самарадорлигини ошириш ва уларнинг хатоларини бартараф этиш имконини беради»²³.

Е.И.Козлова ва О.Е.Кутафинлар таърифича, «Мурожаат қилиш ҳуқуқи мурожаат билан исталган орган ёки мансабдор шахсга, ҳатто, президентга ҳам илтимос, шикоят ва таклиф билан мурожаат қилиш имкониятини беради ҳамда мансабдор шахснинг бундай мурожаатга жавоб бериш мажбуриятини мустаҳкамлаб

²¹ Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. Издательство НОРМА. –М., 2007. –С. 260

²² Нифанов А.Н. Правовые формы реализации непосредственной демократии в системе местного самоуправления: Автореф.дис. ... канд.юрид. наук. –Ростов-на-Дону, 2003.–С. 25-26

²³ Бахрах Д.Н., Российский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право / Учеб. для вузов. -М.: «НОРМА», 2005. –С. 60

қўйган. Мурожаат шахсий ва ижтимоий масалаларни қамраб олади»²⁴.

И.Лапина ва С.Соусларнинг фикрича, «мурожаат қилиш ҳуқуқи – универсал ҳуқуқий категория бўлиб, унга асосий функцияни бажаради. Биринчидан, мурожаатлар фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситасидир; иккинчидан, давлат бошқарувида иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, халқ ҳокимиятчилиги ва демократияни ифода этиш шаклларида биридир, учинчидан, мурожаатлар, бу – алоқа воситаси, давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган қарорларга нисбатан халқ ва аҳолининг муносабати ифодасидир»²⁵.

Мамлакатимиз олимларидан О. Ҳусановнинг фикрича, «фуқароларнинг турли орган ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқи янги нарса бўлиб қолмай, у узоқ тарихга бориб тақалади. Баъзи даврларда мурожаатлар фақат шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаси деб қаралган. Демократиянинг давлат ҳаётига кенг ўрин олиши натижасида мурожаатлар янги хусусият касб этди, яъни улар фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирок этиш воситаси даражасига кўтарилди. Мурожаатларнинг аҳамияти айниқса ҳуқуқий демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйган мамлакатларда кучайди»²⁶.

Тадқиқотчи С.Юсупов фикрича, «мурожаат қилиш ҳуқуқи – жисмоний ва юридик шахснинг муайян эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида юридик нормалар билан тартибга солинган, муайян тартиб ва шаклда амалга оширадиган ҳаракат ва

²⁴ Козлова Е.И. Конституционное право России //Учебник. –М.: ТК Велби, -М.: «Проспект», 2006. –С. 608

²⁵ Лапина И., Соусь С. Как сделать работу с обращениями граждан более эффективной? Новые решения для государственного управления //www.biport.sympa.belarus.

²⁶ Ҳусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ва «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунларига шарҳлар. –Т.: «Адолат», 1997. –Б. 13

операциялар кўринишида объектив намоён бўладиган онгли, иродали фаоллигидир»²⁷.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг фикрларини умумлаштириб, ушбу масала юзасидан муаллифлик ёндашувни қўллаган ҳолда ўз нуқтаи назаримизни билдирмоқчимиз, мурожаат қилиш ҳуқуқи – ўз мазмунига кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаатларини ифода этишидир.

Худди шу каби, мурожаат қилиш ҳуқуқининг табиати борасида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, ҳуқуқшунос олим С.А.Широбоков бу ҳуқуқнинг табиати қуйидагиларда кўринишини таъкидлайди:

«1) оммавий ҳокимият органлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ҳуқуқи;

2) давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар бериш ҳуқуқи;

3) оммавий ҳокимият органлари ва уларнинг шахслари чиқарган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа қарорларни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқи;

4) давлат органларидан муайян ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда ёрдам беришини талаб қилиш ҳуқуқи;

5) ўзининг ҳамда бошқа шахсларнинг бузилган ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни (тиклашни) сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқи;

6) ўзларига маълум бўлиб қолган давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятидаги қонунийликни бузиш ҳоллари тўғрисида хабар бериш ҳуқуқи»²⁸.

²⁷ Юсупов С.Б. Давлат органларининг юридик ва жисмоний шахс мурожаатлари билан ишлашнинг ташкилиб-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Дис....Фал. фан. док. (PhD). –Т.: ТДҲОИ, 2019. –Б. 31
²⁸ Широбоков С.А. Конституционное право человека и гражданина на обращение: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. –Екатеринбург, 1999. –С. 8

Тадқиқотчи С.Юсуповнинг фикрича, «мурожаат қилиш ҳуқуқининг табиати унинг қуйидаги белгилари (аломатлари)да намоён бўлади: у конституцияда белгиланган мурожаат қилиш ҳуқуқининг амалга оширилиш шакли ҳисобланади; жисмоний ва юридик шахсларнинг ижтимоий муҳим масалаларни ҳал қилиш, давлат ҳокимияти органлари чиқарадиган қарорларга таъсир кўрсатиш, уларнинг ҳаракатларини назорат қилиш ва уларнинг ишига тузатишлар киритиш мақсадида расмий-оммавий равишда ўз хоҳиш-истагини билдиришидир; у, албатта, давлат ҳокимияти органлари томонидан чора кўрилиши, ўзаро алоқа ўрнатилишига сабаб бўлади ҳамда муайян юридик оқибатларни юзага келтиради - кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади ёки ҳаракат амалга оширилади»²⁹.

Номлари зикр этилган олимларнинг фикрини умумлаштирган ҳолда мурожаат қилиш ҳуқуқи табиатида жисмоний ва юридик шахсларнинг субъектив ҳуқуқларини давлат органлари, муассасалари ва халқ вакилларига мурожаат қилиш орқали рўёбга чиқаришда, мурожаатлар махсус қонунларда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилишида, ваколатли давлат органларининг мурожаатларни кўриб чиқишда юридик мажбуриятларига масъул эканлигида ҳам намоён бўлади, дейишимиз мумкин.

Ўзбекистонда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтини тадқиқ этишда бу институтнинг ривожланиб бориши жараёни босқичларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, юридик фанда турли ёндашувлар мавжуд.

Жумладан, тадқиқотчилар А.А.Отажонов ва С.Б.Хўжакуловлар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг ривожланишини шартли равишда

²⁹ Юсупов С.Б. Давлат органларининг юридик ва жисмоний шахс мурожаатлари билан ишлашнинг ташкилиб-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Дис....Фал. фан. док. (PhD). –Т.: ТДЮИ, 2019. –Б. 32

уч босқичда ифодалайди. Уларнинг фикрича, «биринчи босқич 1992-2002 йилларни, иккинчи босқич 2002-2014 йилларни ва учинчи босқич 2014 йилдан кейинги даврни ўз ичига олган»³⁰. Улар, ўз қарашларида фақат истиқлол даврида мурожаатлар соҳасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнига доир амалга оширилган ишлар ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таянган.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, ушбу фикрга қўшилиб бўлмайди. Бунга қуйидагиларни асос қилиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг асоси бўлган мурожаатлар институтининг шаклланиши ибтидоий жамоа тузумига бориб тақалади, иккинчидан, мурожаатлар институти давлатчилик тарихида ривожланиб ва такомиллашиб борган, учинчидан, мустақиллик даврида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35 ва 44-моддаларида белгиланган мурожаатлар институтини мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон ССР Конституциясида ҳам ўз аксини топганлиги эътиборга олинмаган.

Бизнинг фикримизча, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг тарихий асосларидан келиб чиқиб, уни ривожланиб боришини қуйидаги уч босқичга ажратиш тўғри бўлади. Яъни, биринчи босқич ибтидоий жамоа тузумидан то 1917 йилга қадар, иккинчи босқич 1917-1991 йилларни (совет давлати даври) ва учинчи босқич 1991 йилдан кейинги даврни ўз ичига олади.

Биринчи босқич. Инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб мурожаатлар институтининг элементлари шаклланиб, кишилик жамияти тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий формацияларида босқичма-босқич ривожланиб ва такомиллашиб борган.

³⁰ Отажонов А.А., Хўжақулов С.Б. Ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти //Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси, 2017. №1. –Б. 3-8

Хусусан, мурожаатлар институтининг ривожланиб боришига, милоддан аввалги 1793—1750 йилларда фаолият кўрсатган Хаммурапи ҳукмронлик қилган Бобил давлати³¹, милоддан аввалги 356-323 йилларда фаолият кўрсатган Александр Македонский ҳокимияти³², милоддан аввалги 49-44 йилларда фаолият кўрсатган Гай Юлий Цезарь империяси³³ ва бошқа бир мунча мустаҳкам ва қудратли империяларда қабул қилинган қонунлар тўпламлари муносиб ҳисса кўшган.

Чунки, бу давлатларда ўз даврида кучли ва интизомли ҳокимият ўрнатилган бўлиб, давлат билан маълум бир ижтимоий қатлам ўртасида вужудга келган муносабатларни тартибга солиш борасида ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга мажбур бўлганлар, шунингдек давлат мулозимларининг ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилишига эҳтиёж бўлган.

Масалан, Навоий «Садди Искандарий» асарининг 26-бобида подшоҳ (Александр Македонский) Арастудан «ҳар қандай низоларни хирад-ақл, донолик рад этади, бирор ноёб жойда—йўл топилгаймуки, анди низолар келиб чиқмаса?»-деб сўрайди. Арасту бу саволга шундай жавоб беради: «Ақл низоларни рад этиши тўғри, аммо баъзида ақл низони ҳам зарур, деб билади. Биров (подшоҳ ёки вазир) нодилпазир—ҳалқ кўнглига ёқмайдиган иш қилади. Бундан норози томон дарҳол низо чиқармай, ўз норозилигини одоб, маданият билан айтиши зарур»³⁴, дея иқтибос келтирган.

Шунингдек, Салжуқийлар салтанатида Бош вазирлик лавозимида фаолият кўрсатган Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида мурожаатларни қабул қилиш, уларни адолатли ҳал этиш, ўз вақтида жавоб йўллаш, мурожаат билан келувчиларни қабул

³¹ Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. 1-китоб. —Т.: "Ўзбекистон", 2015. —Б. 23

³² Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. 1-китоб. —Т.: "Ўзбекистон", 2015. —Б. 69

³³ Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. 1-китоб. —Т.: "Ўзбекистон", 2015. —Б. 77

³⁴ Арасту. Поэтика, Ахлоқи кабир, Риторика. —Т.: "Янги аср авлоди", 2012. —Б. 13

қилишни максимал даражада кўпайтириш, уларни қабулини юқори савияда ташкил этиш мамлакатни мустаҳкамлаш, интизомли ва барқарор давлат барпо қилиш, аҳоли билан давлат ўртасидаги муносабатни яқинлаштириш, суиистеъмолликларга қарши курашиш ва адолатли ҳокимиятни шакллантиришда ниҳоятда катта ўрин эгаллашини назарий ва амалий йўлаklarини ёритган³⁵.

Иккинчи босқич. «Яқин ўтмишимизнинг собиқ совет ҳокимияти ҳукмронлик қилган даври (1917-1991 йй.) мамлакатимиз тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу давр, гарчи тарихан қисқа бўлса-да, лекин ўзининг мураккаблиги ва зиддиятлилиги билан ажралиб туради»³⁶.

Барча давлатчилик каби, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти собиқ совет давлатида ҳам ҳокимиятни амалга ошириш, шахс-жамият-давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида хизмат қилди.

Бу ҳуқуқ 1978 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясининг 47-модасида «Ўзбекистон ССРнинг ҳар бир граждани давлат органларининг ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида уларга таклифлар киритиш, ишдаги камчиликларни танқид қилиш ҳуқуқига эгадир. Мансабдор шахслар граждaнларнинг таклифларини ва аризаларини белгиланган муддатларда кўриб чиқишга, уларга жавоб бериш ва зарур чоралар кўришга мажбурдирлар. Танқид учун таъқиб қилиш таъқиқланади. Танқид учун таъқиб этувчи шахслар жавобгарликка тортилади»³⁷, деган норма билан мустаҳкамлаб қўйилган.

³⁵ Низомулмулк. Сиёсатнома, ёки Сияр ул-мулк. –Т.: Адолат, 1997. –Б. 122-230

³⁶ Жўраев М., Нуруллин Р., Камолов С., Ражапова Р., Голованов А., Ражабов Қ., Маврулов А., Абдуллаев Р., Аъзамхўжаев С., Алимова Д., Каримов Н., Кошонов Б., Оқилов К., Орифхонова З., Тетенева Л., Турдиев Ш. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. –Т.: «Шарқ», 2000. –Б. 3

³⁷ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (Асосий қонуни). –Т.: «Ўзбекистон», 1990

Шунингдек, мазкур Конституциянинг 56-моддасида «Ўзбекистон ССР граждандари мансабдор шахсларнинг, давлат ва жамоат органларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилиши лозим. Мансабдор шахсларнинг қонунни бузувчи, ўз ваколатларини суиистеъмол қилувчи, граждандарнинг ҳуқуқларини камситувчи хатти-ҳаракатлари устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин»³⁸, деб белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ССР Конституциясининг 35-моддасида «Ўзбекистон ССРда чет эл граждандарига ва граждандлиги бўлмаган шахсларга қонунда назарда тутилган ҳуқуқлар ва эркинликлар, шу жумладан ўзларига тегишли шахсий, мулкӣ, оилавий ва бошқа ҳуқуқларни ҳимоя қилмоқ учун судга ва давлатнинг бошқа органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланади»³⁹, деб кўрсатилган.

Ушбу давлат Конституциясида кўрсатилган мурожаатлар институтига доир ҳуқуқӣ нормаларни амалиётга татбиқ этиш борасида махсус қонун қабул қилинмаган. Бироқ бу ҳуқуқӣ нормалар КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг хатларини кўриб чиқиш ва меҳнаткашларни қабул қилишни ташкил этиш ишларини янада яхшилаш тўғрисида»⁴⁰ги Махсус Қарори (1967), СССР Олий Совети Президумининг «Граждандларнинг таклифлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»⁴¹ги Фармони (1980) ва СССР Олий Суди Пленумининг «Граждандларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартибини бузганлик ва танқид учун таъқиб этганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги

³⁸ Ўша манба.

³⁹ Ўша манба.

⁴⁰ Справочник по законодательству для работников органов прокуратуры, суда и министерства внутренних дел. Том I. –М.: «Юридическая литература», 1971. –С. 370

⁴¹ СССР Олий Совети Президиумининг «Граждандларнинг таклифлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Фармони //Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Ведомостлари. –М.: СССР Олий Совети нашри, 1980. № 11, 192-модда. –Б. 5-10

ҳақида қонунларни судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»⁴²ги Қарорида (1986) амалиётга жорий этилиши белгиланган.

Учинчи босқичда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг конституциявий асослари яратилди. Конституциявий ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида мурожаат этиш ҳуқуқи яхлит тизимга келтирилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси II бўлимнинг «Сиёсий ҳуқуқлар» деб номланган VIII бобини 35-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт»⁴³, деган алоҳида ҳуқуқий норма белгиланди.

Шунингдек, бу ҳуқуқни таъминлаш кафолати сифатида Конституциянинг 44-моддасида «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади»⁴⁴, деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Худди шу даврда, Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга доир халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган барча қоидалари устунлиги тан олинди ва уни амалда татбиқ этиш механизми миллий қонунчилигимизда тўлиқ ифодасини топди.

Бу босқичнинг мазкур соҳага доир ҳуқуқий негизини ташкил қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида Маъмурий суд

⁴² Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. –Т.: «Ўзбекистон», 1988. –Б. 326

⁴³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси⁴⁵, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбусман) тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ва янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»⁴⁶ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Мening fikrim» веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаатлар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»⁴⁷ги Қўшма қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тузиш тўғрисида», «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»⁴⁸ ва «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»⁴⁹ги Фармонлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ этилиши баробарида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти янада ривожланиб ва такомиллашиб бориши жараёни тезлашди.

Дарҳақиқат, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти ҳамма вақт бир ҳолатда турмайди, давлатчилик тараққиётининг ҳар бир босқичида у ҳам ривожланиб боради.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Mening fikrim» веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаатлар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қўшма қарори//<http://parliament.gov.uz/uz/>

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4904-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

1.2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтини таснифи ва ўзига хос жиҳатлари

Бугунги кунда юридик фанда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг аниқ таснифи мавжуд эмас. Бу борада, ҳуқуқшунос олимларнинг ёндашувлари турлича.

Масалан, Н.В.Морозовнинг фикрича, ривожланган хорижий давлатларда «Фуқароларнинг мурожаатлари» таснифлари икки маънода ишлатилади. «Моддий маънода, бу - бузилган ҳуқуқ, эркинлик ёки қонуний манфаатларни амалий тиклаш ёхуд уларни амалга оширишда қўмаклашиш, шунингдек, уларни бузилиши таҳдидини олдини олиш. Бунда ифода шакли оғзаки ва ёзма шаклда бўлган шикоят, ариза, таклиф ва илтимослар бўлиши мумкин. Процессуал маънода, бу - бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқ ёки манфаатни тиклашга қаратилган суд органларининг фаолиятидир. Мазкур ҳолатда, шахснинг суд органларига берган даъвоси алоҳида жиҳат бўлиб хизмат қилади. Суд органлари ҳуқуқларни амалга ошириш учун тўсиқлар пайдо бўлса, фуқаронинг бузилган ҳуқуқининг кафолати бўлиб хизмат қилади ва процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда руёбга чиқаради»⁵⁰.

М.В.Скрябина эса, қуйидагича таснифлайди «1) ифода шаклига кўра, оғзаки ва ёзма; 2) мурожаат қилиш ҳуқуқи субъектининг иштироки усулига қараб, бевосита ва билвосита; 3) мурожаат қилиш ҳуқуқининг мазмунига қараб ариза, шикоят, таклиф, жамоавий мурожаат, петиция; 4) мурожаат қилиш ҳуқуқининг субъектига қараб, РФ фуқаролари ёки хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мурожаатлари; 5) мурожаатларнинг манзилига қараб, давлат ҳокимияти органларига, маҳаллий ҳокимиятга, мансабдор шахсларга йўлланган мурожаатлар; 6) мурожаатлардаги ахборотнинг

⁵⁰ Морозов Н.В. Содержание института обращения граждан РФ и его место в конституционно-правовой доктрине / Морозов Н.В. // Право и политика. –М., 2012. № 6. –С. 1040-1044

муҳимлилик даражасига қараб, қонунчиликни бузганлик ҳақида хабар мавжуд бўлган мурожаатлар ҳамда оммавий ҳокимият органлари фаолиятининг такомиллаштириш юзасидан берилган тавсиялар»⁵¹.

Тадқиқотчи С.Кенжаев қуйидаги таснифни илгари сўради «а) давлат, жамоат, тижорат, кооператив ва хусусий тузилмаларга йўлланадиган ҳамда аризачиларга берилган ҳуқуқларни рўёбга чиқариш ва уларнинг қонуний манфаатларини қаноатлантириш ҳақидаги илтимослар баён этилган аризалар; б) маълум бўлиб қолган жиноий хусусиятга эга бўлган ва эга бўлмаган ҳуқуқбузарликлар баён этилган мурожаатлар; в) шахс, шунингдек давлат, жамоат, тижорат, кооператив, хусусий тузилмалар вакиллари суд идораларига мурожаат этадиган даъво аризалари ва бошқа аризалар»⁵².

Фикримизча, ушбу ёндашувларга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Шу боис, тадқиқот натижасидан келиб чиқиб, таснифлашнинг қўйидаги усулларини тавсия қиламиз. Яъни, 1) ифода этиш шакли бўйича оғзаки, ёзма ва электрон; 2) мурожаат қилиш ҳуқуқи субъектининг иштироки усулига қараб бевосита ва билвосита; 3) мурожаат ҳуқуқининг мазмуни бўйича ариза, шикоят ва таклифлар;

4) мурожаатларни бериш тартиби бўйича якка тартибда ёки жамоа бўлиб; 5) мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қараб ихтиёрий ёки розилигига кўра; 6) мурожаат қилиш ҳуқуқининг субъектига қараб жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар;

7) мурожаатлар бериладиган манзили бўйича давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари; 8)

⁵¹ Скрябина М.В. Реализация конституционного права граждан на обращения в органы публичной власти: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. –Санкт-Петербург. 2007. –С. 14

⁵² Кенжаев С. Обращения как важнейший фактор деятельности прокуроров по борьбе с нарушениями законности в сфере управления: Автореф. дис. ...д.ю.н. –М., 1998. –С. 20

мурожаатлардаги ахборотнинг муҳимлилик даражасига қараб, ҳуқуқни талаб қилиш, ҳуқуқни тиклаш ва давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан берилган тавсиялар.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти мурожатлар институтининг муҳим элементлари-дан биридир. Бу тоифадаги мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган бўлиб, кўриб чиқиш тартибига кўра, буни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи гуруҳга фуқаролар томонидан Конституция-нинг 35-моддасида назарда тутилган ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини киритиш мумкин. Бу соҳадаги ижтимоий муносабатлар янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

Иккинчи гуруҳга маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия ва иқтисодий-процессуал ҳужжатлари билан тартибга солинадиган мурожаатларни қайд этиш ўринлидир.

Биринчи гуруҳда қайд этилган шахсларнинг мурожаатлари муҳим аҳамият касб этиб, аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланади. Бу тоифадаги мурожаатлар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда бўлиши мумкин. Бироқ мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади. Бу янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»⁵³ги Қонуннинг 5-моддасида белгиланган.

Дарвоқе, «айрим мурожаатлар (ташаккурнома, табрикнома, таклифнома, фикр-мулоҳазалар) қайд этилаётган мурожаат тури

⁵³ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

сифатида намоён бўлса-да, улар бу мурожаатлар тури ҳисобланмайди. Чунки, мазкур мурожаатларни кўриб чиқиш давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан уларнинг ўз ихтиёрига кўра амалга оширилади. Бу миннатдорлик билдирувчи, табрикловчи хатларда муаллиф давлат органидан, ташкилотдан, одатда, у ёки бу ҳаракатни (қарорни) қабул қилишни сўрамайди»⁵⁴.

Ҳар қайси мурожаат тури муайян хусусиятига, алоҳида кўриб чиқиш тартибига ва турли ҳуқуқий оқибатга эга бўлади. Масалан, аризалар қоида тариқасида илтимос тарзида баён этилади (масалан, ўқишга топшириш, ишга кириш, ишдан бўшаш, таътил олиш, ижтимоий таъминот олиш ва ҳоказолар). Унинг ўзига хос томони шундаки, ариза баёни жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши билан боғлиқ бўлмайди.

Таклифлар орқали жисмоний ва юридик шахслар кўпроқ давлат ва жамият ишлари бошқарувини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва бошқа соҳалар бўйича ўз маслаҳатлари, тавсиялари ва фикр-мулоҳазаларини билдиради. Бу ҳуқуқни мурожаатнинг бошқа турларидан фарқли жиҳати шуки, таклифларни кўриб чиқишга ваколатли орган ёки мансабдор шахсларга ҳеч қандай мажбурият юкланмайди ёки уларга жавобгарлик белгиланмайди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол иштирокини ифодалайди. Масалан, қонун лойиҳалари юзасидан таклиф бериш, ижтимоий ва сиёсий тадбирлар борасида фикр-мулоҳазалар билдириш, илм-фан соҳасида тавсиялар кўрсатиш ва ҳоказолар.

Шикоятлар орқали бузилган ҳуқуқларини тиклаш, меҳнат жамоаси ва давлат идораларида содир бўлаётган суиистеъмолликлар, давлат ва жамият ҳаётида муҳим бўлган ижтимоий ва маиший соҳалардаги қонунбузилишларни бартараф

⁵⁴ Мирақулов М. Бирорта мурожаат эътиборсиз қолмайди // Ҳуқуқ ва бурч, 2017. № 9. –Б. 10-15

этиш ва айбдорларга чора кўриш, моддий ва маънавий зарарларни ундириш каби масалалар тўғрисида хабар берилади ва талаб этилади.

Масалан, «2020 йил 15 март куни мамлакатимизда коронавирус андемияси натижасида карантин эълон қилиниши муносабати билан озиқ-овқат ва шахсий гигиеник маҳсулотлар нархларининг асоссиз оширилиши бўйича Давлат солиқ кўмитасининг «Ишонч телефони»га 17-18 март кунлари жами 1592 та шикоят келиб тушган»⁵⁵.

Бу ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳати шуки, шикоятнинг асосини талаб ташкил этади. Бир вақтда, шикоятни кўриб чиқишга ваколатли шахсларга тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш шартлиги ҳамда натижаси бўйича шу қонун ҳужжатлари талабига кўра қайд этилган муддатда муаллифни ёзма хабардор этиш мажбурияти юкланади.

Жисмоний ва юридик шахслар ариза ва таклифни бевосита ушбу масала билан шуғулланадиган давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор шахсларига беради. Шикоят эса, тегишли органлар раҳбарлари, юқори турувчи, назорат қилиш ва текширишга ваколатли идораларга ҳамда судга берилади.

Мурожаатларнинг турларини таснифлашда юридик фанда турли қарашлар мавжуд. Масалан, И.Лапина ва С.Соусларнинг фикрича, «ариза – аризачининг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва (ёки) қонуний манфаатларини бузилиши билан боғлиқ бўлмаган тарзда амалга оширишда амалий ёрдам ҳақидаги илтимосномаси, шунингдек, қонун ҳужжатларининг бузилиши, давлат органлари, бошқа ташкилотлар (мансабдор шахслар), якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги камчиликлар ҳақидаги хабардир»⁵⁶.

⁵⁵ Қаранг: <https://soliq.uz/press-services/news/show/nazorat-natizhasi-murozhaatlar-sonida-aks-etmoqda-19/03/2020>

⁵⁶ Лапина И., Соусь С. Как сделать работу с обращениями граждан более эффективной? Новые решения для государственного управления // www.biport.sympra.belarus.

М.В.Скрябинанинг фикрича, «ариза – мурожаат қилиш ҳуқуқи субъектларининг аниқ ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган, шунингдек, уларни амалга оширишнинг умумий тўсқинликларини бартараф қилиш билан боғлиқ мурожаатдир»⁵⁷. В.И. Ремневнинг фикрича, «ариза – фуқаронинг одатий ҳолатда, давлат органи ва жамоат ташкилотининг нормал фаолиятида ҳуқуқни руёбга чиқариш бўйича мурожаатидир»⁵⁸. Л.Н.Верещагиннинг фикрига кўра, «аризанинг мазмуни икки хил маънода кўринади: одатий ариза (мурожаат субъектларининг ҳуқуқларини амалга ошириш) ва маълум бўлган ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш мурожаати»⁵⁹. Мазкур олимларнинг аризанинг таърифи тўғрисидаги фикрларига кўшилиб бўлмайди. Чунки, янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунини 3-моддасида «**ариза** – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат»⁶⁰ деб асосли равишда тушунча берилган.

Ҳуқуқшунос олим О.Хусановнинг фикрича, «ариза – фуқароларнинг уларга қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан берилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишини илтимос, талаб қилувчи мурожаатдир. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, ташкилот ва муассасаларга тушадиган аризаларнинг характериға қараб уларни тегишли гуруҳларга бўлиш мумкин. Булар: ариза-талаблар, ариза-илтимослар ва ариза-хабарлар»⁶¹ тарзида бўлади.

⁵⁷ Скрябина М.В. Реализация конституционного права граждан на обращения в органы публичной власти: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. –Санкт-Петербург. 2007. –С. 14.

⁵⁸ Саидов И.Х. Конституционное право граждан на обращение и его реализация в Республике Таджикистан: дис. ...канд. юрид. наук. –Москва, 2014. –С. 29-30.

⁵⁹ Верещагина Л.Н. Практика отстаивания интересов граждан через обращения в органы государственной власти как форма социального контроля: дис. ...канд. соц. наук. М., 2011. URL:<http://dlib.rsl.ru/rs>.

⁶⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

⁶¹ Хусанов А.Т. Деятельность исполнительных комитетов местных советов народных депутатов по рассмотрению и разрешению предложений, заявлений и жалоб граждан (по материалам Узбекской ССР): Дис. ...канд. юрид. наук. –Т., 1982. –С. 33-34

Жумладан, «Ариза-талабларда мурожаат қилувчи ўз ҳуқуқини талаб қилади, чунки тегишли давлат идоралари, корхона, муассаса, ташкилотлар шу ҳуқуқни амалга оширишга мажбур. Масалан, ҳар бир фуқаро маълум ёшга етгач нафақа олиш ҳуқуқига эга, шу ёшга етгач, нафақани расмийлаштиришни тегишли идоралардан талаб қилади.

Ариза-илтимослар орқали ҳам фуқаролар ўзларининг ҳуқуқларини амалга оширишни сўрайдилар, лекин бундай сўраш илтимос шаклида бўлади. Чунки, сўровларни қондириш идораларнинг ҳуқуқи, улар бунда ўз имконияти, келишилган шартлар нуктаи назаридан келиб чиқиб мурожаатларни қондиришни ёки рад этиши мумкин. Масалан, фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқига эга, шу тўғрисида бирор муассасага ишга қабул қилиш ҳақида мурожаат қилади. Агар ходимнинг малакаси, ихтисоси тўғрисида келса ва шундай хизмат жойи бўлса у ишга қабул қилиниши, яъни илтимоси қондирилиши мумкин. Агар фуқаро муассаса талабларига жавоб бермаса ёки хизмат жойи йўқ бўлса унинг мурожаати рад этилиши мумкин.

Ариза-хабарларда фуқаролар баъзи қонунсиз хатти-ҳаракатлар, камчиликлар ҳақида мурожаат қилади. Масалан, корхона, ташкилотлардаги талон-торожлик ёки айрим фуқароларнинг қонун билан таъқиқланган ҳаракатларни содир этаётганлиги, қонунсиз даромад асосида яшаётганлиги ва бошқалар»⁶². Ушбу тавсия тадқиқот нуктаи назаридан фикримизга тўлиқ мос келади.

Таклифлар жисмоний ва юридик шахслар мурожаатининг алоҳида ўзига хос тури бўлиб, ўз моҳияти, мазмуни ва мақсади бўйича мурожаатларнинг бошқа турларидан тубдан фарқ қилади. Чунки, таклифларда нафақат жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатлари, балки жамият ва давлат ҳаётига боғлиқ бўлган

⁶² Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ва «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунларига шарҳлар. –Тошкент: «Адолат», 1997. –Б. 31-32

ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, суд-ҳуқуқ, маънавий, тарихий, диний, маърифий соҳадаги ижтимоий муносабатларни ривожланишига муҳим таъсир қилувчи омиллар ҳам ифодаланган бўлиши мумкин. Шунинг учун мурожаатларни кўриб чиқадиган давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор шахслари ҳар қандай таклифни батафсил ўрганиб чиқиши, унда қайд этилган ҳар бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратиши талаб этилади. Чунки, ушбу йўл орқали жисмоний ва юридик шахслар давлат ва жамият ишларида бевосита иштирок этиш ҳуқуқини намоён этадилар.

И.Лапина ва С.Соусларнинг фикрича, «таклиф – ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини яхшилаш, давлат ва жамият ҳаётидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, давлат ва жамият фаолиятидаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги фаолиятни яхшилашга йўналтирилган тавсиялардир»⁶³. М.В.Скрябинанинг фикрича, «таклиф – оммавий ҳокимият органлари фаолиятини яхшилашга йўналтирилган мурожаатдир»⁶⁴. Чан Минь Хыонг фикрига кўра, «таклиф–инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузилишига боғлиқ бўлмаган, халқ хўжалиги, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий соҳадаги давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг фаолиятини такомил-лаштиришга йўналтирилган мурожаат туридир»⁶⁵.

Ҳуқуқшунос олим О.Ҳусановнинг фикрича, «Таклифлар фуқаролар мурожаатларининг алоҳида ва мустақил тури бўлиб, у ўз моҳияти, мазмуни ва мақсади бўйича мурожаатларнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Таклиф фуқароларнинг асосан ижтимоий характериға эға мурожаатлари бўлиб, унда биринчидан, қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни у ёки бу давлат органлари,

⁶³ Лапина И., Соусь С. Как сделать работу с обращениями граждан более эффективной? Новые решения для государственного управления // [www. biport. sympra.belarus](http://www.biport.sympra.belarus).

⁶⁴ Скрябина М.В. Реализация конституционного права граждан на обращения в органы публичной власти: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. –Санк-Петербург. 2007. –С. 14

⁶⁵ Чан Минь Хыонг. Рассмотрение и разрешение предложений, заявлений и жалоб граждан в Социалистической Республике Вьетнам: Дис. ...канд. юрид. наук. –Т., 1991. –С. 13

корхона, ташкилот, муассаса, жамоат бирлашмаларининг фаолиятини, таркибий тузилишини такомиллаштириш зарурлиги ҳақида мулоҳазалар баён қилиниб, иккинчидан, бу борада аниқ таклиф ва тавсиялар берилади»⁶⁶.

Номлари зикр этилган олимларнинг фикрини умумлаштириб, таклиф давлат органлари, муассасалари, давлат иштирокидаги ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мурожаат туридир. Бу ҳақида янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»⁶⁷ги Қонунининг 3-моддасида батафсил таъриф берилган.

Қоида тариқасида, «мурожаатлар умумий миқдorigа нисбатан таклифларнинг фоизини кўпайганлиги жисмоний ва юридик шахсларнинг сиёсий фаоллиги ортганидан ёки жамият ва давлат ишларини бошқаришга бефарқ эмаслигидан далолат бериб, бу ижобий ҳолат деб қаралади. Бироқ шикоятлар сонининг ортгани, айниқса, такрорий шикоятларнинг кўпайиши салбий ҳодиса бўлиб, муайян давлат органи фаолиятида ёки маълум бир соҳада қонунбузарлик ҳолатлари мавжудлигидан дарак беради.

Шу нарса аёнки, ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилиши шикоятга сабаб бўлади. Масалан, аризаларни холисона, тўлиқ, ўз вақтида кўриб чиқилмаслиги, натижаси бўйича муаллифни хабардор этмаслик ёки сифатсиз жавоб берилиши мурожаатнинг бошқа тури бўлган шикоятни келтириб чиқаради»⁶⁸.

Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушадиган шикоятлар давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор ва масъул шахслари ёхуд хизматчиларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабар ҳисобланади. Шу билан бир

⁶⁶ Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ва «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунларига шарҳлар. –Т.: «Адолат», 1997. –Б. 27

⁶⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида» ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

⁶⁸ Жўрабоев О.А. Ички ишлар идоралари ходими–инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси. Ўзбекистон ИИВ.–Т., 2010. –Б. 70

вақтда, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳақ-хуқуқларини тиклаш, етказилган моддий зарар ва компенсация тўловларини ундириш, давлат бошқаруви фаолиятида содир бўлаётган қонунбузарлик ва бошқа хато-камчиликларни бартараф этишга асос бўлиб хизмат қилади.

Масалан, «Германияда маъмурий адлия тизими жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат бошқаруви органларининг ҳужжат ва ҳаракатлари устидан берган шикоятларини, шунингдек, агар бошқа ваколатларига тегишли бўлмаса, ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органлари ўртасидаги низоларга доир шикоят ва аризаларни ҳам кўриб чиқиш учун тузилган. Одатда бошқарув органи ёки мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан уларга норозилик билдирилади, кейин ариза уларнинг юқори турувчи органларига берилиб, бу шикоят қониқтирилмаган тақдирда, маъмурий суд органларига мурожаат қилинади»⁶⁹.

Рус ҳуқуқшунос олими А.В.Косолапов фикрича, «Ҳуқуқий тартибга солиш даражасига кўра, шикоятларни давлатнинг ички ва халқаро ҳуқуқий турларига бўлиш мумкин. Халқаро ҳуқуқий хусусиятдаги шикоят бериш имконияти халқаро норматив тизимнинг сон ва сифат жиҳатдан ривожланганига, шунингдек, индивиднинг халқаро ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида тан олинishiга боғлиқ»⁷⁰.

Д.Н.Бахрах, Б.В.Российский ва Ю.Н.Стариловлар «Ҳокимият субъектининг акти устидан фуқаронинг шикоят қилиш ҳуқуқи – давлат, жамиятни демократик ташкил қилинишининг атрибути»⁷¹ деб таърифлайди. Йорк Пуделько «Шикоят қилиш – ҳуқуқларнинг самарали ишлаб чиқилган ҳимояси, яъни давлат органларининг

⁶⁹ Саидов А.Х. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари. Қомусий луғат. –Тошкент., 2006. –Б. 163

⁷⁰ Косолапов А.В. ISSN 2078-8495 // Вестн.Волгогр. Гос. Ун-та. Сер. 5, Юриспруд. 2011. № 2 (15). –С. 225

⁷¹ Бахрах Д.Н., Российский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право / Учеб. для вузов. «НОРМА» –М.: 2005. –С. 160-161

ҳаракатларига қарши ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятидир»⁷², дея эътироф этади.

И.Лапина ва С.Соуснинг фикрича, «шикоят – фуқаролар, ташкилотлар, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан мурожаатчининг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш ҳақидаги талабидир»⁷³. Чан Минь Хыонг фикрига кўра, «шикоят – субъектив ҳуқуқ ва фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузилиши тўғрисидаги мурожаати туридир»⁷⁴.

М.В.Скрябинанинг фикрича, «шикоят – ҳар доим инсон ва фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузиш билан боғлиқ мурожаатлардир»⁷⁵. С.В.Калининанинг таъкидлашича, «Шикоят – талабдан ўзга нарса эмас, ахир фуқаро асосли равишда унинг ҳуқуқи бузилган деб ҳисоблайди, бундай ҳолатда эса, у сўрашга эмас, уларни тиклашни ва ҳимоя қилишни талаб қилишга ҳақлидир»⁷⁶.

И.Х.Саидовнинг фикрича, «шикоят – бу инсон (фуқаро)нинг давлат ва нодавлат органларга ўзининг шахс ёки давлат органи, жамоат бирлашмаси, тадбиркорлар, мауассаса, мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тиклаш ҳақидаги талабидир»⁷⁷.

Ҳуқуқшунос олим О.Ҳусановнинг фикрича, «шикоят – фуқароларнинг субъектив ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида

⁷² Йорк Пуделька. Административно-процессуальный кодекс концепция, моделный закон и комментирование //BWV BERLINER WISSENSCHAFTS-VERLAG GmbH, Германия, 2014. –С. 118

⁷³ Лапина И., Соусь С. Как сделать работу с обращениями граждан более эффективной? Новые решения для государственного управления // www. b1port. sumra. belarus.

⁷⁴ Чан Минь Хыонг. Рассмотрение и разрешение предложений, заявлений и жалоб граждан в Социалистической Республике Вьетнам: Дис. ...канд. юрид. наук. –Т., 1991. –С. 21

⁷⁵ Скрябина М.В. Реализация конституционного права граждан на обращения в органы публичной власти: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. –Санкт-Петербург. 2007. –С. 14

⁷⁶ Калинина С.В. Административно-правовая защита права граждан Российской Федерации на обращение в органы государственной власти и органы местного самоуправления (Электронный Ресурс): дис. ...канд. соц. наук. –М., 2004. URL:<http://dlib.rsl.ru/rs>.

⁷⁷ Саидов И.Х. Конституционное право граждан на обращение и его реализация в Республике Таджикистан: Дис. ... канд. юрид. наук. –М., 2014. –С. 31

бериладиган мурожаат туридир. Қонунга асосан, шикоятда субъектив ҳуқуқларнинг бузилиши ва уни тиклаш ҳақидаги маълумотдан ташқари давлат органи, корхона, ташкилот, муассасалар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахс ёки алоҳида фуқаронинг хатти-ҳаракатлари танқид ҳам қилинади. Шунинг учун шикоятга бир томондан, субъектив ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни тиклаш воситаси, иккинчи томондан, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, ташкилот, мансабдор шахслар, фуқаролар фаолиятидаги айрим нуқсонларни, ҳуқуқ-тартибот соҳаси-даги камчиликларни танқид деб қаралиши мумкин»⁷⁸. Бу ҳуқуқ «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»⁷⁹ги Қонуннинг 20-моддасида танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилиши кафолатланиб қўйилган.

Мазкур муаллифларнинг фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки, янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида шикоят тушунчаси аниқ белгиланган. Унга кўра, «**шикоят** – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаатдир»⁸⁰.

Шикоятда назарда тутилган масалаларни жойида ва бевосита ҳал қиладиган давлат органларининг мансабдор шахслари бўла туриб, тўғридан-тўғри юқори турувчи ва марказий идораларга, текшириш ёки назорат қилишга ваколатли органларга берилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, бунинг оқибатида марказий идораларнинг асосий ишидан чалғитиб, меҳнат жамоасининг кайфиятига, муҳитга ва иш унумдорлигига салбий таъсир

⁷⁸ Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ва «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунларига шарҳлар. –Т.: «Адолат», 1997. –Б. 35

⁷⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

кўрсатиши мумкин. Агар берилган шикоят давлат органларининг дастлабки бўғинида ҳал этилмаса, бўйсунув тартибида юқори турувчи органга шикоят қилишга тўғри келади.

Мурожаатларнинг турлари каби, шакллари (оғзаки, ёзма, электрон) ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти асосини ташкил этади ва ҳал этилиши бир хил аҳамиятга эга бўлади.

Бу борада ҳам юридик фанда турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, ҳуқуқшунос олим С.Г.Березовский «хат» мурожаатнинг алоҳида шакли сифатида тушуниш фикрини илгари сўради. Л.И.Ратнер «хат– фуқароларнинг ҳуқуқи ва аниқ қонунбузарликка боғлиқ бўлмаган муаллифга маълум бўлган ҳолат бўйича хабар беришдир» деб таърифлайди. Чан Минь Хыонг фикрига кўра, «ҳар қандай мурожаат хат шаклида бўлиши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам ариза, таклиф, шикоят ва бошқа хабарлар хат тарзида юборилади. Шунинг учун «хат» тушунчасини мурожаатни жўнатишнинг техник сифати дейиш мумкин, фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларида ўзининг ижтимоий йўналиши бўйича бир хил маънога эга бўлмаган, ижтимоий резонанс, ҳуқуқий хусусияти ва оқибатига эга бўлган ахборот мавжуд. Мурожаатлар йиғма ва умумлашма хусусиятга эга. Мурожаатларнинг учта асосий кўриниши бор: таклиф, ариза ва шикоят. Амалиётда хат атамаси тез-тез учраб туради, бироқ бу мустақил маънога эга бўлмай ёзма мурожаат иборасининг синонимидир»⁸¹.

Тадқиқот нуқтаи назаридан С.Г. Березовский ва Л.И.Ратнерларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Чан Минь Хыонгнинг фикрини тўлдирган ҳолда хатни мурожаатлар шакли эмас, балки «мурожаатлар институти доирасидаги мурожаатларни тақдим этиш техник воситасидир» деб таърифлаш мумкин.

⁸¹ Чан Минь Хыонг. Рассмотрение и разрешение предложений, заявлений и жалоб граждан в Социалистической Республике Вьетнам: Дис. ...канд. юрид. наук. –Т., 1991. –С. 11-12

Бироқ янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда муурожаатларнинг оғзаки шакли бўйича таъриф берилмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижаси ўлароқ, оғзаки муурожаатларни ҳал этиш ваколатли давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлар билан ишлашга йўналтирилган функциялари-ни энг самарали усулига айланмоқда. Айни вақтда, муурожаатнинг бу шакли муурожаат этувчиларга ҳам ўз талабларини қисқа вақт давомида ва сансалорликка йўл қўйилмасдан ҳал этишга имконият яратмоқда.

Буни аҳамияти шундаки, биринчидан, ваколатли шахслардан жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки муурожаатларига ўта масъулият билан ёндашиш, хушмуомалада бўлиш, соҳавий қонунларни мукамал билиш, маълум даражада амалий тажрибага эга бўлиш кабилар талаб этилади, иккинчидан, мутасадди ходимга, зарур ҳолларда, муурожаат этувчига бевосита мулоқот жараёнининг ўзида тўғри ва асосли жавоб бера олиш масъулиятини юклайди.

Оғзаки муурожаатлар давлат органлари, ташкилотлар раҳбарлари ва ваколатли шахслари томонидан қуйидаги шаклда амалга оширилади: «а) давлат функциясини амалга оширишда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш; б) сайёр шахсий қабул; в) оммавий қабул ташкил этиш; г) видеоконференцалоқа;»⁸² д) «ишонч телефони»; е) «тезкор алоқа телефонлари»⁸³; ё) уйма-уй юриб аҳоли билан мулоқот ўтказиш. Шу боис, янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида улар бўйича асосий тушунчалар бериш тавсия этилади.

⁸² Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

⁸³ Қаранг: <https://www.facebook.com/UZDBQ/>

Мурожаат этиш ҳуқуқини амалга ошишида энг муҳим масала – мурожаат қандай ҳал этилишидан қатъи назар, ўз вақтида, холисона ва тўла кўриб чиқилиши ҳамда тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган вақт давомида ишончли ва асослангилган жавоб олиш ҳисобланади. Акс ҳолда, мурожаатлар сони ортиши, такрорий мурожаат кўпайиши, юқори турувчи органларга қайта юборилиши, оқибатда, мурожаатни кўриб чиқаётган органларга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлиб, обрўйига путур етказилиши эҳтимоли мавжуд. Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек, «Энг ачинарлиси шундаки, мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги оқибатида такрорий мурожаатлар сони ортиб бормоқда»⁸⁴.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мурожаат берилди дегани, мурожаатчининг мурожаатида назарда тутилган ҳолатларни тўлиқ унинг фойдасига ҳал қилинишини аниқлатмайди. Қуйидаги: биринчидан, мурожаатларга қўйиладиган талаблар («Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси) бажарилмаган, иккинчидан, мурожаатда унинг моҳияти баён этилмаган, учинчидан, мурожаат тақдим этилган органнинг шу мурожаат талабларини кўришга ваколати бўлмаган, тўртинчидан, мурожаатда назарда тутилган талабни бажариш учун катта маблағ талаб этилган, бешинчидан, мурожаатда кўрсатилган талабларни бажаришда юқори турувчи ёки тенг ваколатли бошқа органлар розилиги олиниши лозим бўлган, олтинчидан, мурожаат этувчига муқаддам асосли жавоб берилган, еттинчидан, мурожаат тухматдан иборат бўлган, саккизинчидан, мурожаатда назарда тутилган ҳолатлар ўз тасдиғини топмаган, тўққизинчидан, мурожаатдаги талабдан учинчи шахслар ҳам манфаатдор бўлган, ўнинчидан, мурожаат этувчи шахс томонидан керакли ҳужжатлар илова қилинмаган, ўн

⁸⁴ Мирзиёев Ш.М., Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-китоб. –Т.: «Ўзбекистон», 2017. –Б. 49

биринчидан, муаллиф томонидан мурожаатни кўрмай қолдиришликни билдирган, ўн иккинчидан, талаб асосиз бўлган, ўн учинчидан, бир мазмундаги мурожаатлар тенг ваколатли турли органлар иш юритувида кўриб чиқиладиган ва бошқа ҳолатлар бўлиши мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам мурожаатни кўриб чиқиш натижаси тўғрисида қонунда белгиланган муддатда муаллифга асосли жавоб йўлланиши зарурдир.

Шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқ ҳисобланса-да, моҳиятан, у нафақат сиёсий, балки ижтимоий ва иқтисодий хусусиятга ҳам эгадир. Шахсларнинг мазкур ҳуқуқдан фойдаланиши бир вақтда унинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ёки шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган бўлиши ҳам мумкин.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор шахсларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат этиши – бу уларнинг сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишнинг амалий шаклидир. Бу ҳуқуқнинг моҳияти шундаки, амалдаги қонунчилик ваколатли давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза, таклиф ва шикоятларини кўриб чиқишни рад этилишига йўл қўймайди.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

2.1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида

Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг муҳим элементлари таркибига кирувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти доираси босқичма-босқич ривожланиб, кенгайиб ва такомиллашиб бормоқда.

Мурожаат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида назарда тутилган ҳуқуқий нормада: «биринчидан, шахсларга муайян ҳаракатларни содир этиш мумкинлигини кўрсатувчи ҳуқуқ нормалари назарда тутилган (масалан, шахснинг давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқи), иккинчидан, мурожаатларни кўриб чиқадиган давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига муайян ҳаракатларни содир этиш шартлигини кўрсатувчи ёки маълум бир мажбурият юқловчи нормалар сифатида акс эттирилган.

Худди шу каби, Конституциянинг 44-моддасида кўрсатилган кафолатлар икки асосий қоида билан белгиланади: биринчиси – ҳуқуқлар давлат органлари ёки айрим шахслар томонидан бузилган ҳар бир ҳолатда судга арз қилиш ҳуқуқи; иккинчиси – қонунда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар мажбурий таъминланишини сўраб судга мурожаат этиш ҳуқуқи, яъни субъектив ҳуқуқни амалга ошириш»⁸⁵.

Шуни таъкидлаш лозимки, конституциявий нормалар махсус қонунларда аниқлаштирилган ёки аниқлаштирил-маганлигидан қатъи назар амал қилиш аҳамиятини йўқотмайди. Шунингдек, Конституцияда назарда тутилган айрим нормаларнинг амал қилиши махсус қонунларда аниқлаштирилиши ёки тўла очиб

⁸⁵ Исломов З., Аббосхўжаев С. Конституция – ҳуқуқ устунлиги асоси. –Т.: «Ўзбекистон», 2012.–Б. 216

берилишини истисно этмайди, чунки тегишли қонун ҳужжатларида конституциявий нормаларни татбиқ этишнинг тартиб-қоидалари белгилаб қўйилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида назарда тутилган ҳуқуқий нормада шахс, давлат органлари, муассасалари ва халқ вакиллари субъектлар сифатида қайд этилган бўлса, янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида субъектлар сони бир мунча ойдинлаштирилиб ва кенгайтирилиб берилган, яъни жисмоний ва юридик шахслар, давлат органлари, давлат муассасалари, давлат иштирокидаги ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари субъектлар таркибига киритилган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор шахсларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат этиши – бу, уларнинг сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланиши, ижтимоий фаол бўлишлари ҳамда жамият ва давлат бошқарувида қатнашишининг амалий шаклидир.

Жисмоний ва юридик шахслар ушбу ҳуқуқнинг моҳиятини очишда қуйидагиларни назарда тутиши керак: биринчидан, ариза, таклиф ва шикоятлар барча ваколатли давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор шахсларига берилиши мумкин. Уларнинг раҳбарлари ва масъул шахслари ушбу мурожаатларни қабул қилишни рад эта олмайдилар; иккинчидан, ариза, таклиф ва шикоятларда нафақат давлат органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифлар, балки улар фаолиятидаги камчилик, хато ва нуқсонларни кўрсатувчи, шунингдек, кенг доирадаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, жамият ва давлат ишларини бошқариш масалалари бўйича таклифлар ҳам бўлиши мумкин; учинчидан, ушбу ҳуқуқ жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ва жамоатчиликка оид манфаатлар учун курашишларининг самарали воситаси ҳисобланади; тўртинчидан,

жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари оғзаки, ёзма ва электрон шаклда берилиши мумкин.

Ҳар бир ҳуқуқ тармоғининг институти бўлгани каби, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти ҳам конституциявий ҳуқуқнинг таркиби қисми тарзида алоҳида институт ҳисобланади. Шунингдек, бу институт демократиянинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида, бир томондан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини етарли даражада англаб, уни амалга оширишга бўлган интилишлари, иккинчи томондан, давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор шахсларининг ушбу институтни ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳамда амалда рўёбга чиқаришга бўлган хоҳиш-истаклари мувозанати негизида юзага чиқади.

Бу борада, юридик фанда турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, ҳуқуқшунос олимлар О.И.Чуприс ва Е.А.Марчуклар «Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш «аниқ ташқи шаклда ифодаланган бошқарув фаолиятининг муҳим қисмини ташкил қилади», демак, мурожаатлар институти давлат бошқаруви институти билан боғлиқдир»⁸⁶, деб таъриф берадилар.

В.Г.Румянцева бу институтни «Мурожаат қилиш ҳуқуқи институти – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи миллий ва халқаро қонунчилик томонидан ўрнатилган мустақил комплекс ҳуқуқий институт бўлиб, унинг асосида инсон ва фуқаролар, уларнинг уюшмалари ҳамда вакилларининг ёзма ёки оғзаки шаклда, шахсан ёки жамоа билан давлат ва ўзини ўзи бошқариш органига ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, ҳимоя қилиш (тиклаш)ни сўраш, шунингдек давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқларидир»⁸⁷, деб таърифлайди.

⁸⁶ Чуприс О.И., Марчук Е.А. Место институтов административных процедур и работы с обращениями граждан и юридических лиц в системе административного права Республики Беларусь. О.И.Чуприс, Е.А.Марчук // Веснік Брэсцкага ўніверсітэта. Серыя 2. Гісторыя. Эканоміка. Права. 2012. №2. –С. 45

⁸⁷ Румянцева В.Г. Им В.В. институт обращения граждан в органы государственной и местной власти: понятие, сущность, содержание //История государства и права.–М, 2008. –№ 14. –С. 2

Тадқиқотчи А.Усмоновнинг фикрича, «жисмоний ва юридик шахслар мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар сифатида, давлат органлари, муассасалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса, мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш мажбуриятига эга бўлган субъектлар сифатида назарда тутилган барча ҳуқуқ тизими субъектлари каби мурожаатлар институтининг ҳам ўзига хос субъектларини қайд этади»⁸⁸.

Тадқиқотчи С.Юсуповнинг фикрича, «жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг мазмуни – жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда белгиланган тартиби бўлиб, улар ушбу ҳуқуқларни давлат ҳокимияти органларига ариза, шикоят ва таклифлар юбориш орқали амалга оширадилар»⁸⁹.

Тадқиқот нуқтаи назаридан мазкур олимларнинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. Шунинг учун бу институтга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти – бу, қонун билан тартибга солинган, жисмоний ва юридик шахсларнинг оммавий ҳокимият органларига мурожаат этиш, кўриб чиқиш, ҳал этиш, натижаси юзасидан шикоят қилиш ва жавобгар масалалари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир.

Мазкур институтни инсон ва фуқаронинг сиёсий ҳуқуқларининг бошқа институтларидан фарқловчи асосий белгилар қуйидагилардан иборат: биринчидан, Конституциянинг 35-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доираси; иккинчидан, бу

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига шарҳлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Т.: «Адолат», 2016. –Б. 8

⁸⁹ Юсупов С.Б. Давлат органларининг юридик ва жисмоний шахс мурожаатлари билан ишлашнинг ташкилиб-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Дис. ... фал. фан. док. (PhD). –Т.: ТДҶОУ, 2019. –Б. 26-27

институт ҳуқуқий нормаларининг ва шу нормалар таъсирида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг хусусияти; учинчидан, мазкур институт нормалари ифодаланган манбалар доираси.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг ривожланганлик даражаси шу институт субъектларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ бўлади. Зеро, уларнинг ҳуқуқий онги қанча юқори бўлса, мурожаат қилиш ҳуқуқининг бузилиши шунчалик кам бўлади.

Шунинг учун бу институт муносабатларини ижтимоий воқеликка татбиқ этишнинг зарур омилларидан бири ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада ривожланишидир. Бу биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширганда ёки қонуний манфаатларини рўёбга чиқарганда; иккинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокида; учинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда қатнашувида намоён бўлади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти ҳам бошқа конституциявий институтлар сингари тармоқлараро хусусиятга эга бўлгани ҳолда ҳуқуқнинг тегишли тармоқларидаги нормалар билан тартибга солинади. Масалан, «муурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, худди шунингдек, туҳмат ва ҳақоратдан иборат мурожаатга доир муносабатлар маъмурий ва жинойт ҳуқуқлари, ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш билан боғлиқ зарар, маънавий зиённи компенсация қилиш каби муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинади»⁹⁰.

⁹⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

Ҳар қандай демократик жамиятда «эркин фикр юритиш ва уни ифодалаш инсоннинг табиий ҳуқуқларидан бири бўлиб, уни чеклаш мумкин эмас, фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чеклаш мумкин»⁹¹. Шу боис, ҳар бир жисмоний ва юридик шахс қонунда назарда тутилган эркинликларини бузилиши юзасидан оғзаки равишда ошкора гапириши, ваколатли органларга шикоят қилиши ва Оммавий ахборот воситаларида эълон қилишлари мумкин.

Фикрлаш ва сўз эркинлиги каби ҳуқуқлар алоҳида конституциявий эркинликлар ҳисобланса-да, мазмун жиҳатдан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг алоҳида таркибий қисми бўлиб, мазкур институтни ҳар жиҳатдан сайқаллайди ва мустаҳкамлайди. Хусусан, фикр юритиш – инсоннинг кўриш, эшитиш ва ҳис этиш орқали идрок этаётган масалалар бўйича ўзига бўлган ишончи ва билими асосида, турли ижтимоий муносабатлар, яъни давлат ҳокимияти бошқаруви, иқтисодиёт, сиёсат, маънавият, экологик вазият, дин, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши жараёнини такомиллаштириш, йўл қўйилаётган камчиликлар, ечимини кутаётган муаммоларга доир мулоҳаза ва танқидий қарашларини эркин мулоҳаза қилиш ҳуқуқи бўлса, сўз эркинлиги эса, мазкур мулоҳазаларини оғзаки, ёзма ва электрон шаклда баён қилиш ҳуқуқидир. Жисмоний ва юридик шахслар сўз эркинлиги орқали ўзининг сиёсий ҳуқуқларидан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўладилар, яъни улар «жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, референдумлар ўтказиш, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ўз ижтимоий фаолликларини қонунларда белгиланган тартибда

⁹¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

митинглар, йиғилишлар ва намоёишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар»⁹².

Фикр юритиш ва сўз эркинлигининг Оммавий ахборот воситаларида ифодаланиши демократик жамиятнинг кенг қўлланиладиган муҳим воситасидир. Шунинг учун бу конституциявий норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддаси ва янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»⁹³ги Қонуннинг 5-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса, умум эътироф этилган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»⁹⁴нинг 19-моддасида назарда тутилган қондасига мос келади.

Президент Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ўтган 3 йил мобайнида Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши ва ижод қилишлари учун ҳуқуқий асослар ва кенг имкониятлар яратилди. Бундан кейин ҳам «тўртинчи ҳокимият» вакилларининг эркин ва холис фаолият юритишлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотларни халқимиз ва халқаро ҳамжамият учун очиқ-ойдин ёритишлари учун барча шарт-шароитларни яратамиз. Жойлардаги муаммо ва камчиликларни рўй-рост очиб бериш, уларни ҳаққоний ёритишларида мен профессионал журналистларни ҳамиша ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман»⁹⁵.

Қоида тариқасида, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, давлат

⁹² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

⁹³ Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

⁹⁴ Шарафутдинов А.О., Саттаров А.Х. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар. –Т.: «Адолат», 2004. –Б. 28

⁹⁵ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. 4-китоб. –Т.: «Ўзбекистон», 2020. –Б. 48-49

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаган бўлиши, иккинчидан, давлат халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиши, учинчидан, жамоатчилик иштироки асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси реал амалга ошиши, тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол бўлишлари даражаси, бешинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши, олтинчидан, ваколатли давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор шахслари ушбу соҳадаги функцияларига масъулият билан ёндашишлари каби ҳолатлар мазкур ҳуқуқни конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак.

Конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг мукамал механизмини яратмасдан туриб, ҳеч қандай демократик давлат барпо этиш тўғрисида ўйлаш мантиқан тўғри келмайди.

Шунинг учун бу институтнинг таъсирчан ва амалий механизмларини яратиш учун қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади: биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига доир қонунчиликни янада такомиллаштириш; иккинчидан, давлат органлари, шу жумладан мурожаатларни кўриб чиқувчи институционал тузилмаларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солувчи маъмурий процедураларни ривожлантириш; учинчидан, қонунлар ва қонуности ҳужжатлари лойиҳаси бўйича кенг жамоатчилик таклифларини ўрганиш амалиётини жорий этиш; тўртинчидан, ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш; бешинчидан, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини

ривожлантириш; олтинчидан, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш; еттинчидан, аҳолининг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ англаб олишга йўналтирилган тарғибот тадбирларини кенгайтириш; саккизинчидан, мурожаатларни холисона, тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқишда масъулиятсизликка йўл қўйган мутасаддиларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги кўрилган чора-тадбирларни тизимли равишда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиб бориш; тўққизинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётига оид жўяли таклифлари бўйича уларни рағбатлантириш чораларини кўриш; ўнинчидан, мурожаатларни кўриб чиқадиган тузилмалар фаолиятига ошкоралик бериш ва амалга оширган ишлари ҳақида аҳолини мунтазам хабардор қилиб бориш; ўн биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтига оид қонунчилик ижроси масалалари бўйича мутахассислар жалб этилган ҳолда ОАВда мунтазам мулоқотлар ташкил этишни ривожлантириш; ўн иккинчидан, давлат хизматлари кўрсатишда мансабдор шахсларга мурожаат қилиш институтидан воз кечиш; ўн учинчидан, давлат органларининг битта мурожаат битта инстанция тартибига ўтиши, яъни мурожаатларни фақатгина давлатга нисбатан қўллаш ҳамда бир марта мурожаат принципи жорий қилиш; ўн тўртинчидан, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги электрон веб-сайтлари ва саҳифаларига мурожаат қилиш амалиётини кенгайтириш; ўн бешинчидан, жисмоний шахснинг ягона идентификацион рақами ёки биометрик белгилар (бармоқ излари) орқали давлат идораларига мурожаат қилиш тартибини белгилаш; ўн олтинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда блокчейн (тарқоқ реестрлар тизими) технологиясини жорий этиш; ўн еттинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтига оид услубий-ўқув

қўлланмаларини чоп этиш, тегишли ўқув масканларида дарсликлар ҳажмини кўпайтириш.

Зеро, «жисмоний ва юридик шахслар қанчалик ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан кенг фойдалансалар, улар шунчалик жамиятдаги мавжуд бўлган иллатларга қарши кескин кураша оладилар. Ҳеч ким фуқаролар устидан тазйиқ ўтказа олмайди»⁹⁶.

Мурожаатларда давлат органлари фаолиятини яхшилаш билан бир қаторда, уларнинг фаолиятидаги қонунбузилишларни кўрсатувчи, коррупция иллатларини фoш этувчи, давлат ва жамият ҳаётига оид ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий характердаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш йўллари ҳам таклиф этилиши мумкин. Бу жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол қатнашишининг энг самарали усулидир.

Мамлакатимиз инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни асосий мақсад этиб белгилаган экан, биринчи навбатда жисмоний ва юридик шахслар жамият ва давлат ишларини бошқаришда ижтимоий фаолликларини намоён этишлари зарур. Бу қоида Конституциянинг 33-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Бу фаоллик нафақат жамият ва давлат ишларини бошқаришда, балки, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва бошқа соҳаларда амалга ошираётган ислохотлар жараёнини тезлаштириш ва самарадорлигини таъминлашда таъсир этувчи муҳим омиллардан биридир.

Масалан, «Буюк Британияда сиёсий фаоллик жараёнларида иштирок этиш расмий ва норасмий фаолиятга бўлинади. Расмий иштирок этиш – бу расмий форумлар ва жараёнлардир. Буларга сайлов ва сайланиш жараёнлари, референдумлар, сиёсий партиялар, оммавий митингларда қатнашиш киради. Норасмий

⁹⁶ Хусанов О.Т., Каримова О., Азизов Ҳ., Тўйчиева Ҳ., Каримов З. Инсон ҳуқуқлари. –Т.:«Шарқ», 1997.– Б. 44

иштирок этиш – бу расмий фаолиятдан ташқари бўлган турли пастдан юқорига қараб ҳаракатланадиган фаолият. Масалан, онлайн фаоллик, яъни петицияларни имзолаш, сиёсий жараён сабабли маҳсулотларни харид қилиш ёки бойкот қилиш кабилар. Глобал тармоқ бўлган интернет ижтимоий тармоқлари орқали фуқаролар ўзларининг ҳар қандай масала ва муаммоларини оммалаштирмақдалар, фаоллаштирмақдалар. Бу билан эса ҳар қандай қарор қабул қилиш, мавжуд қарорларни ўзгартириш учун ҳаракатлар расмий сиёсий жараёнга нисбатан фаол ва тез амалга ошмоқда»⁹⁷.

Шахсининг ижтимоий фаоллиги бўйича юридик фанда қуйидагича қарашлар мавжуд. Жумладан, А.Маслау «фуқаровий фаоллик – шахсининг маълум бир эҳтиёжлар ва манфаатларга қаратилган ички интилишлари, ҳаракатлари оқибатида ўзини ўзи фаоллаштириш»⁹⁸, деб изоҳ беради. Тадқиқотчи Д.Сагдуллаеванинг фикрича, «фуқаролик жамиятининг муҳим белгилари сифатида инсон ҳуқуқларининг устуворлиги ҳамда аҳолининг юқори ижтимоий фаоллигини кўрсатиш мумкин. Ушбу белгиларнинг узвий боғлиқлиги шунда намоён бўладики, фуқаро ўз мажбуриятлари, ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ англаган, амалда улардан фойдалана олган тақдирда қонун устувор бўлган маконда ўз манфаатлари рўёби йўлида фаоллик билан ҳаракат қилиб, ўзи ва атрофдагилар учун фойда келтира олади. Инсон амалдаги қонунларда, ҳукумат қарорларида белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзларини яхши билса, унда даъвогарлик ҳисси ўткирлашади»⁹⁹.

Тадқиқотчи Н.Шодиевнинг фикрича, «ижтимоий фаоллик инсонларнинг жамият олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур англашга ва бошқалар манфаати учун қайғуришга, жамоат

⁹⁷ Раҳимов Ш. Буюк Британия фуқаролик жамиятининг демократлашувида фуқароларнинг сиёсий фаоллиги //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2018. № 2. –Б. 24-27.

⁹⁸ Маслау А.Г. Мотивация и личность. –М: 1999. –С. 478.

⁹⁹ Сагдуллаева Д. Аҳоли ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2017. №1. –Б. 77

ишларида фаоллик кўрсатишга, кўпчилик манфаати учун курашишга, кўнгилли фаолият олиб боришга ундайди. Фуқаровий фаоллик ўз қизиқиш ва имкониятларини ифодалашга, шу асосда жамиятга наф келтиришга рағбат беради»¹⁰⁰.

Тадқиқотчи А.Раҳимов фикрича, «жамиятда фуқаролар ҳуқуқий фаол бўлиши шарт. Бу қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, миллий ва халқаро тажриба шундан далолат берадики, демократик ҳуқуқий давлатда фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги албатта зарур. Чунки, демократик ҳуқуқий давлатда унинг асосий функцияларидан бири ҳуқуқ ижодкорлиги бўлиб, давлатнинг ушбу функцияси халқ вакиллиги, парламент орқали амалга оширилади. Демак, давлат ўзининг ҳуқуқ ижодкорлиги функциясини халқ вакиллари орқали амалга ошириш орқали, унинг амалдаги самарадорлигини таъминлашда ҳам албатта фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигига таяниши шубҳасиз, иккинчидан, ҳар бир мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар фақат давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва унинг фаолияти асосларини белгилаб бериш билан чегараланмайди. Балки қонунлар давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги туфайлигина қабул қилинган қонунлар шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни самарали таъминлашга хизмат қилади ҳамда қонунлар ижросининг жамият ҳаётида кутилган самарасини таъминлаши мумкин»¹⁰¹.

Номлари зикр этилган олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда «ижтимоий фаоллик – жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини мукамал билиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда ташаббус кўрсатган ҳолда фаол иштирок этишларини англатади», дейишимиз мумкин. Чунки, жисмоний ва

¹⁰⁰ Шодиев Н. Фуқаролик жамиятида фуқаровий фаоллик: тарихий ва илмий хусусиятлари //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2016. № 4. –Б. 43

¹⁰¹ Раҳимов А. Фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг аҳамияти //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2016. № 4. –Б. 39

юримдик шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қанчалик чуқур билсалар, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол иштирок этишлари даражаси шунчалик юқори бўлади.

Умуман олганда, жисмоний ва юримдик шахсларнинг ижтимоий фаолликлари жамият ва давлат ишларини бошқаришга ҳуқуқий асос бўлган қонун ҳужжатларини мукамал, сифатли ва амалий бўлишига, жисмоний ва юримдик шахсларнинг мурожаатлари институтининг ривожланиши ва янада такомиллашувига хизмат қилади.

Шуни айтиш ўринлики, жисмоний ва юримдик шахслар давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаоллик кўрсатишлари учун қонун ҳужжатлари ҳамда давлат органларининг фаолиятидан яхши хабардор бўлишлари лозим. Бу эса, Конституциянинг 30-моддасида назарда тутилган «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим»¹⁰², деган қоидага мос келади.

Инсонлар аввало, жамият қонун-қоидаларини, қонун ҳужжатлари йўл қўйган ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларидан тўлиқ хабардор бўлмас экан, уни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилмайди ва фаоллик кўрсатмайди. Масалан, Франция Конституциясининг 15-моддасида «жамият ўз маъмуриятининг хоҳлаган мансабдор шахсидан ҳисобот талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган»¹⁰³.

Франция Президенти Эммануэл Макрон фикрича, «Деконвергенция» деб номланиши мумкин бўлган янги босқич талаб этилади. Бу ҳокимият ва масъулиятни марказий

¹⁰² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

¹⁰³ Франция Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2018. –Б. 74

бошқарувдан маҳаллий ҳокимиятга ўтказиш ва кенг жамоатчилик билан бевосита алоқада бўлишни англатади. Ҳар бир фуқаро ҳар қайси масаланинг ечими тўғрисида хабардор бўлади ва кўпинча бошқа манфаатдор томонлар билан амалий келишувларга эриша олади, марказий идора ва вазирликлар билан мулоқот қилиш кўпроқ вақт талаб этади, чунки улар мослашувчан эмас ва маҳаллий муаммолардан йироқдир»¹⁰⁴.

Ҳуқуқшунос олим А.Х.Саидовнинг фикрича, «Замо-навий электрон ҳукумат» тизим салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, бир томондан, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини, давлат хизматлари шаффофлигини таъминлаш ва сифатини яхшилаш имконини берса, иккинчи томондан, аҳолининг хабардорлигини оширишга, пировардида уларнинг фаоллигига замин яратади. Бу ўз навбатида, жамиятни боқимандалик кайфиятининг барҳам топиши, фуқароларнинг давлат ишларида бевосита ва фаол иштирок этиши борасида муҳим омил бўлади»¹⁰⁵.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, бизнингча, аҳолининг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари назарда тутилган ҳуқуқий нормалардан хабардорлиги ва барча даражадаги идоралар фаолияти билан яқиндан танишиб боришлари жамиятни демократлашувига олиб келади, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг жамият ва давлат ишларида фаол иштирок этишларига хизмат қилади.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланишида жамоатчилик назорати ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг муҳим элементи бўлиб, бунда нодавлат ва ноижорат ташкилотлар иштирок этади. Бу қоида, Конституциянинг 32-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Хусусан, демократик тараққиёт шароитида жамоатчилик назорати, бир томондан, давлат органлари билан аҳоли ўртасидаги

¹⁰⁴ Эммануэл М. Революция. –Т.: «Ўзбекистон», 2019. –Б. 190

¹⁰⁵ Саидов А.Х. Ҳаракатлар стратегияси: мамлакатимиз тараққиётининг беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлари белгилаб берилди //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2017. №1. –Б. 8

мавжуд фарқу масофани камайтириб, аҳолининг давлат органлари билан чамбарчас фаолиятини таъминлаб борса, иккинчи томондан, фуқароларнинг жамият манфаатини ифодаловчи барча фаолиятида қатнаша бориш масъулиятини ривожланти-ради.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»¹⁰⁶ги 5980-сон Фармони муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг асосий мазмунини жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ташкил этади. Бироқ миллий қонунчили-гимизда ҳуқуқ ва эркинликлар аниқ акс эттирилган бўлиб, қонуний манфаатлар ҳақида етарлича тушунтириш берилмаган. Масалан, Конституциянинг иккинчи бўлимида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари аниқ ва батафсил кўрсатилгани ҳолда, қонуний манфаатлар ҳақида ҳуқуқий нормалар мавжуд эмас.

Ўз навбатида, Президентимиз Шавкат Мирзиёев инсон манфаатларини юксак даражада ифода этиб, «Энг асосий устувор вазифа – «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга ошириш, «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун», деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборат»¹⁰⁷, деб таъкидлаган эди.

Қонуний манфаатлар тўғрисида юридик фанда турлича қарашлар мавжуд. Масалан, Н.В.Витрук фикрича, қонуний манфаатлар деганда «субъектнинг қонун йўл кўядиган асосда маълум неъматларга эга бўлишга интилиши»¹⁰⁸, А.В.Малько ва

¹⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

¹⁰⁷ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: «Ўзбекистон», 2017. –Б. 7

¹⁰⁸ Витрук Н.В. Обучающая теория правового положения личности. –М., 2008. –С. 245

В.В.Субочевлар қонуний манфаатни «қўлга киритилиши қонунчиликда рухсат этилган неъматга эга бўлиш учун юридик маъқул интилиши»¹⁰⁹, Н.И.Матузов бу манфаатни «булар шундай манфаатларки, улар мавжуд юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларда тўғридан-тўғри акс этмаган, лекин давлат томонидан ҳимоя қилинади»¹¹⁰, деб таърифлайдилар.

Мамлакатимиз олимларидан Й.Жўраев «қонуний манфаатни мазмунан иккита интилишда ифодалайди: биринчидан, аниқ ижтимоий неъматдан фойдаланиш, иккинчидан, зарур ҳолларда ҳимоя сўраб давлатнинг ваколатли органлари ёки жамоат ташкилотларига мурожаат қилишдан иборатдир»¹¹¹.

Номлари зикр этилган олимларнинг фикрига мантиқан қўшилган ҳолда шунини айтиш жоизки, қонуний манфаатлар давлат томонидан белгиланган ҳуқуқдан келиб чиқиб, шахснинг унга яратилган неъматидан етарлича фойдаланишидир. Масалан, бугунги кунда 150 дан ортиқ хизматлар Адлия вазирлиги Давлат хизматлари департаменти томонидан амалга оширилмоқда. Бу давлат ғамхурлигининг демократик кўринишидан биридир. Агар шу хизматлар аввалгидек, ваколатли органлар томонидан амалга оширилганда ҳам том маънода, ҳуқуқ бузилмасди, бироқ давлат томонидан қайд этилган хизматларни бир мунча оптималлаштириш натижасида инсонларга берилган енгилликлар деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳуқуқ соҳасига доир барча қонунлар сингари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти соҳасига тааллуқли Қонун ҳужжатлари ҳам ўз табиатига кўра муҳим аҳамият касб этади. Бу, биринчидан, мазкур Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқий нормалар барча шахслар учун мажбур эканлигида намоён бўлса, иккинчи-дан, жисмоний ва юридик

¹⁰⁹ Малько А.В., Субочев В.В. Законные интересы как правовая категория. -СПб, -М., 2004. -С. 28

¹¹⁰ Матузов Н.И. Правовая система и личность. -Саратов. 1987. -С. 87

¹¹¹ Жўраев Й. Инсон манфаатлари: юридик тушунчаси ва ташкилий-ҳуқуқий кафолатлари //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2017. №1. -Б. 24

шахсларнинг мурожаатлари институти субъектлари ўртасидаги вужудга келадиган турли ҳуқуқий ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг муваффақиятли амал қилаётгани даражаси жамиятда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг қай даражада ривожланишига боғлиқдир. Ривожланган фуқаролик жамияти бўлмаган жойда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти тараққий эттириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Қолаверса, ҳуқуқий давлатни ҳам ривожланган фуқаролик жамиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўз навбатида, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг предмети ҳам мавжуд бўлиб, у «жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва давлат муассасалари, давлат иштирокидаги ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига мурожаатлари жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар»¹¹² ташкил этади.

Дарҳақиқат, мазкур институтнинг вазифаси, моҳияти, хусусиятлари унинг принциплари орқали намоён бўлади. Бу институтнинг ўзига хос принциплари «қонунийлик; мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш; мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши; мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги; мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлигидан иборатдир»¹¹³.

¹¹² Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

¹¹³ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун, биринчидан, бу соҳа ҳар қандай демократик давлатнинг устувор вазифаси бўлиши, иккинчидан, мазкур ҳуқуқни кафолатлашга доир муносабатлар Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилиши, учинчидан, таъминлаш ва амалга оширишга йўналтирилган аниқ ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши, тўртинчидан, буларнинг амалий ижросини таъминловчи махсус ваколатли давлат тузилмаларининг тузилиши ва фаолият кўрсатиши, бешинчидан, бу тузилмалар фаолиятига шаффофлик берилиши, олтинчидан, улар устидан қатъий жамоатчилик назорати ўрнатилиши керак.

Ушбу механизмнинг бирортасини бўлмаслиги ёки функцияларини етарли даражада амалга оширилмаслиги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтини ривожланиши ва такомиллашувида ўз самарасини бермайди. Аксинча, жамиятнинг демократик тараққиётига салбий таъсир кўрсатади.

Мухтасар айтганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қиладиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда муҳим восита бўлиб, у конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида қуйидаги тўртта асосий вазифани ҳал этади: биринчидан, давлат фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилади ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини таъминлайди; иккинчидан, жисмоний ва юридик шахслар ушбу институт воситасида жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва фаол иштирок этадилар; учинчидан, мазкур институтнинг асосий манфаатдор субъектлари (жисмоний ва юридик шахслар) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширадилар;

тўртинчидан, шу институт доирасида давлат органлари, муассасалари, улар мансабдор шахсларининг мурожаатларга доир муносабатини белгилаб беради.

2.2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш механизми

Демократия йўлини танлаган ҳар қандай давлатда шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашни ишончли механизми зарур бўлиб, у бу ҳуқуқларни таъминлайди, рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Шу сабабли, Ўзбекистонда мурожаат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимининг барча ҳуқуқий асослари Конституция ва унинг асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Бинобарин, ҳар бир жисмоний ва юридик шахс ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш учун давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор шахсларига қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу норма Конституциянинг 35-моддасида белгиланган, шунингдек Конституциянинг 44-моддаси ва янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддасида кафолатлаб қўйилган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида, «энг муҳими, Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш, яъни амалга ошишини таъминлашдир. Бунинг учун мукамал тизим яратилиши керак. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни назарда тутувчи ҳуқуқ нормалари ва махсус механизмдан иборат бўлади. Ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлса-да, уларнинг амалга ошишини

таъминловчи механизм бўлмаса, ҳуқуқ ва эркинликлар қоғозда қолиб кетаверади»¹¹⁴.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, мурожаат этиш ҳуқуқи кафолати, энг аввало, давлат жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириши ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш учун реал имкониятларни таъминлаш мақсадида яратган шарт-шароитлар, бунга хизмат қилувчи воситалар мажмуидир.

Давлат ўз функцияларини бажаришда кўзлаган мақсадларига эришиш йўлида ҳуқуқ нормаларини яратади. Мазкур нормалар ёрдамида тегишли соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ҳуқуқий тартибга солиш эса ўзига хос таъсир этиш воситалари (механизм) орқали амалга оширилади. Чунки, маълум бир ҳуқуқни Конституция ёки махсус қонунларда мустаҳкамлаб қўйишнинг ўзи ижроси таъминланди дегани эмас, энг аввало, уни амалга оширишнинг мукамал механизминини ишлаб чиқиш зарур.

Буюк файласуф Бенжамин Спиноза айтганидек, «Инсон ҳуқуқлари асосларини яратиш ва эълон қилишнинг ўзи уларни рўёбга чиқишини билдирмайди. Инсон ҳуқуқлари амал қилиш жараёни тўсқинликларсиз кечиши, тўсқинликлар юзага келганда уларни бартараф этиш ва ҳуқуқни тиклаш учун уни таъминлаш механизминини яратиш лозим»¹¹⁵.

Бу борада, юридик фанда турли ёндашувлар мавжуд. Масалан, А.Н.Изатовнинг фикрича, «фуқароларнинг мурожаатлари фуқаролик жамияти ҳамда аҳоли билан ҳокимият органларининг ўзаро алоқа механизминини ривожланишининг муҳим институтидир»¹¹⁶.

М.В.Скрябинанинг фикрича, «давлат органларига мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш механизми

¹¹⁴ Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ /Дарслик. –Т.: «Адолат», 2013. –Б. 193

¹¹⁵ Маматқулов А.М. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тергов органларининг вазифалари //Илмий-амалий қўлланма. –Т., 2010. –Б. 163

¹¹⁶ Изатов А.Н. «Круглый стол» //Государственная служба и государственное управления. –Уфа. 2015.– С. 34

деганда, ўзаро алоқадор ва ўзаро боғланган элементлар йиғиндисини (норматив ҳуқуқий база, тегишли ҳуқуқий ваколатга эга бўлган субъектлар, юридик воситалар ва ҳуқуқий муносабатлар) тушуниш лозим. Уларнинг фаолият юритиши мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқининг самарали амалга оширилишини таъминлаш борасидаги умумий вазифасини руёбга чиқаришга қаратилган.

Оммавий ҳокимият органларига мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш механизми аниқ принциплар асосида қурилган, хусусан, эркинлик, ихтиёрийлик, бепуллик, қонунийлик, очиқлик, демократик, фуқароларнинг мурожаат қилишда тенглиги, шунингдек, мурожаатларни ўз вақтида ҳар томонлама кўриб чиқиш каби принциплар шулар жумласидандир»¹¹⁷.

Бу борада, муаллифлик ёндашуви нуқтаи назаридан мазкур қарашларни қисман қўллаган ҳолда «механизм – бир қанча мустақил ҳодисалар, қисмларнинг ўзаро алоқадорлик асосида, бир бутун агрегат сифатида ҳаракат қилиши»¹¹⁸ бўлгани каби, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини амалга ошириш механизми – қонун ҳужжатларида назарда тутилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этишга оид инстанциялар, қабул қилиш тартиби, субъектлар, кўриб чиқиш ва жавоб йўллаш вақти, шикоят қилиш ва ўрнатилган қоидаларни бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи тартиб-таомиллардир», дейишимиз мумкин.

Шуни айтиш ўринлики, юридик фанда ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг илмий ва назарий асослари ўз ечимини топган бўлса-да, жисмоний ва юридик шахсларнинг

¹¹⁷ Скрябина М.В. Реализация конституционного права граждан на обращения в органы публичной власти: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. –Санкт-Петербург. 2007. –С. 15-16

¹¹⁸ Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / профессор Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. –Т., 2009. –Б. 468

мурожаатларини амалга ошириш механизми тўғрисида етарлича илмий-амалий асосланган таъриф мавжуд эмас.

Ўз навбатида, «ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг муҳим учта элементи: а) ҳуқуқий нормалар; б) ҳуқуқий муносабатлар; в) субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият»¹¹⁹ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини амалга ошириш механизмини ҳам бир бутунлигини таъминловчи восита ҳисобланади, деган фикр тўғри бўлади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида мурожаат этиш ҳуқуқига доир ҳуқуқий норма белгиланган. Бу умумий конституциявий қоидадир. Янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига боғлиқ муносабатлар назарда тутилган. Бу ерда юқорида қайд этилган конституциявий қоида конкретлаштирилганини кўрамиз.

Мазкур қонун ва уни амалиётга татбиқ этиш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон Қарори билан тасдиқланган Намунавий низом ижро учун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг субъектларига етказилади ва рўёбга чиқарилади.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган қонунда назарда тутилган ҳуқуқий нормаларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти субъектларининг ҳуқуқ ва бурчлари, ваколат доиралари, шунингдек уларни амалга ошириш воситалари кўрсатилган.

Худди шу каби Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида мурожаат этиш ҳуқуқини

¹¹⁹ Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / профессор Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. –Т., 2009. –Б. 467-470

кафолатловчи ҳуқуқий норма назарда тутилган бўлиб, бу соҳага оид муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси доирасида амалга оширилади. Бу ҳуқуқ нормасига асосан жисмоний ва юридик шахслар ўзларининг Конституция ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган деб топган тақдирда, уларни суд орқали ҳимоя қилиши мумкин.

Бироқ жисмоний ва юридик шахслар мурожаат этиш ҳуқуқини амалга оширишларида бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини бузмасликлари керак. Бу талаб Конституциянинг 48-моддаси ва янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Акс ҳолда, тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»¹²⁰нинг 40 ва 41-моддалари ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси»¹²¹нинг 139 ва 140-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқий нормалар бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини амалга ошириш механизмининг ҳуқуқий нормаси ижтимоий ҳодиса сифатида мурожаатларга доир ҳуқуқий тизимнинг бош тушунчаси бўлиб, мурожаат қилиш ҳуқуқининг шаклланиши ва амалга оширилиш жараёни, мурожаатларга доир қонунлар, барча юридик тушунчалар ва тузилишлар ҳамда бу соҳадаги назариялардан иборатдир.

¹²⁰ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

¹²¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

Мазкур тоифадаги мурожаатлар соҳасига доир тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқ манбаининг бошқа турлари шаклида намоён бўлади. Бироқ ушбу нормаларнинг мавжудлиги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тўлиқ ҳал этишини англатмайди. Бу масалани ҳуқуқий ечимини топиш учун давлат органлари муайян тармоқда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибини белгиловчи норматив тусдаги ҳужжатлар (низомлар, қоидалар, йўриқномалар, регламентлар ва бошқа ҳужжатлар) қабул қилишлари лозим бўлади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирининг 2019 йил 22 январдаги 7-сон буйруғи билан «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом»¹²² тасдиқланган бўлиб, унда мазкур вазирлик маҳкамаси ва унинг қуйи тизимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Ушбу ҳуқуқий нормалар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг субъектлари томонидан ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириш юзасидан бўладиган ўзаро ҳуқуқий муносабатлари орқали амалга оширилади. Бу ҳуқуқий муносабатлар мурожаатлар соҳасидаги ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ этишдир. Бунда субъектив ҳуқуқ ва бурчларга риоя этилади, улардан фойдаланилади ва тегишли талаблар бажарилади.

Демак, юқорида қайд этилган ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг ҳуқуқий муносабатларидир.

¹²² Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирининг 2019 йил 22 январдаги 7-сон буйруғи. <http://mineconomy.uz/>.

Аниқроқ айтганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини амалга ошириш механизмини ташкил этувчи ҳуқуқий муносабатлар – ҳуқуқий муносабатларнинг таркибий қисми бўлиб, давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари соҳасидаги муносабатлар мажмуидир.

Ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг асосий субъектлари – жисмоний ва юридик шахслар, давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидир. Жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатларнинг жисмоний шахслари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахсларга турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва хорижий давлатларнинг юридик шахслари киради.

Аслида, жисмоний шахслар деганда, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар», юридик шахс деганда, «ўз мулкига, хўжалик юритишида ёки кундалик бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан жавоб бера оладиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотлар» тушунилиб, бу Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси¹²³нинг 16 ва 39-моддаларида баён этилган.

Ҳуқуқий муносабатларнинг бу субъектларини мазмун жиҳатдан икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчидан, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришни талаб қилувчи жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар. Иккинчидан,

¹²³ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

мурожаатларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг самарали бўлиши учун бутун жамият ўз мажбуриятларини тўла бажариши керак. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтини янада ривожлантиришда шу институт субъектларининг ўрни бўлиши зарур.

Мазкур институт ҳуқуқий муносабатининг объекти – давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатлардир.

Мурожаатлар соҳасидаги баъзи муносабатлар пайдо бўлиши учун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг бир субъекти иродаси ҳам кифоя қилади. Масалан, давлат органлари ташаббуси билан муҳофаза этиладиган мурожаатлар соҳасидаги муносабатлар.

Мурожаатлар соҳасидаги муносабатлар юзага келиши учун қоида тариқасида, мазкур институт субъектларининг иродаси керак бўлади. Масалан, жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ўз иродасини ифода этишлари зарур бўлади.

Аниқроқ айтганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатлар деганда, жисмоний ва юридик шахслар билан давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ўртасида юзага келадиган онгли, ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза этишга йўналтирилган алоқалар тушунилади.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг учинчи элементи «субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларни амалга ошириш

ҳужжатлари (ҳаракатлари)»¹²⁴ бўлгани каби, бу элемент жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини амалга ошириш механизмини ҳам ташкил этади.

Шу ўринда, қайд этиб ўтиш жоизки, субъектив ҳуқуқ тўғрисида юридик фанда турлича фикрлар мавжуд. Масалан, ҳуқуқшунос олим Н.А.Ямаловская «Субъектив ҳуқуқларнинг ривожланиш жараёни фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги фаол ҳаракатларида ётади ва шу йўл билан қонунийликни мустаҳкамлашга кўмаклашади»¹²⁵, дея таърифласа, Д.А.Сергеева «...ҳуқуқий нормаларда шаклланадиган ҳамда юридик фанда ишлаб чиқилган асосий ғоя, шунингдек, оммавий ҳокимият органига фуқароларнинг мурожаат қилиш субъектив ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда бундай мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби тушунилади»¹²⁶, деб таъкидлайди.

Фикримизча, мазкур қарашларни тўлдирган ҳолда «субъектив ҳуқуқ – жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти иштирокчиларининг шу соҳага доир ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган ҳаракатни содир қилишга ҳақли эканликларини ёки уларнинг маълум ҳаракатни амалга оширишни талаб қилиш ваколатига эга эканликларини, юридик мажбурият эса, ушбу институт субъектларининг тегишли ҳуқуқий нормага асосан ўзларининг бурчи бўлган ҳаракатни амалга оширишлари ёки муайян ҳаракатни содир этишидан ўзларини тийишларини билдиради», дейиш мумкин. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»¹²⁷ги Қонуннинг 32 ва 33-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган.

¹²⁴ Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик //профессор Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. –Т., 2009. –Б. 470

¹²⁵ Ямаловская Н.А. О субъективных правах советских граждан и их гарантиях // Вопросы советского государственного права. –М., 1959. –С. 59

¹²⁶ Сергеева Д.А. Принципы конституционного института обращений граждан //Социально-политические науки. –М., 2016. № 3. –С. 112

¹²⁷ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

Бу соҳадаги ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ нормаларига риоя этиш, бажариш ва фойдаланиш шаклидаги реал амалий хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, мазкур ҳаракатлар содир этиши билан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг асосий мақсади амалга ошади ҳамда бу ҳуқуқий механизм фаолияти якун топади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини амалга ошириш механизмининг асосий таркибини жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қиладиган ҳамда қонуний манфаатларини таъминлайдиган институционал тузилма-лар фаолияти ташкил этади. Зеро, бу институт субъектларининг меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган бурч ва мажбуриятларини тўла-тўқис амалга оширишлари инсон ҳуқуқларини кафолатлаш гаровидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини конституциявий даражада кафолатлаш мақсадида бир қанча институционал тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. Бу тузилмаларнинг мавжудлиги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини амалга ошириш механизмининг муҳим элементларидан биридир.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадиган тузилмаларни уч йўналишга бўлиш мумкин. Яъни, биринчиси, суд органлари, иккинчиси, носудлов давлат органлари, учинчиси, нодавлат ташкилотлар.

Суд органларига: Конституциявий суд ва Олий суд (фуқаролик, жиноий, иқтисодий, маъмурий)ни киритиш мумкин. Носудлов давлат органларига: мурожаатларни кўриб чиқишга ваколатли давлат органлари ва ташкилотларини киритиш мумкин. Нодавлат ташкилот-ларга: нодавлат нотижорат ташкилотлар – Адвокатлар палатаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-

саноат палатаси, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари «Эзгулик» жамияти, «Ҳуқуқий таянч» жамоатчилик ташкилоти, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини киритиш мумкин.

Бу ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган институционал муассасаларнинг ташкил этилиши юзасидан юридик фанда турлича қарашлар мавжуд. Масалан, ҳуқуқшунос рус олими И.Е.Попов: «Фуқаролар ва ҳокимият структураларини ўзаро алоқаларини таъминловчи давлат даражасидаги амалий механизмларни яратиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Инсон ва давлат, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари кенг ва кўп қиррали тушунчадир. Агар инсон қайсидир бир давлат органининг институти билан алоқага киришар экан, у давлат билан муносабатга киришган бўлади»¹²⁸, деб таърифлайди.

Ҳуқуқшунос олимлар О.Ҳусанов, О.Каримова, Ҳ.Азизов, Ҳ.Тўйчиева ва З.Каримовларнинг фикрича, «инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошишини назорат қилувчи муассасалар ташкил бўлишига қараб давлат муассасаларига ҳамда нодавлат муассасаларига бўлинади. Давлат муассасалари давлат органлари тизимида ташкил қилиниб, давлатнинг назорат функциясини бажаради ва аксарият ҳолларда мажбурий қарорлар қабул қилса, нодавлат муассасалар давлат органлари тизимида кирмайди ҳамда уларнинг қарорлари тавсия этувчи характерга эга бўлади»¹²⁹.

Х.Одилқориев ва У.Таджихановларнинг фикрича, «Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга оширувчи ва уларнинг муҳофазасини таъминловчи давлат идораларининг мавжудлиги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя

¹²⁸ Попов И.Е. Институт права граждан на обращения в органы власти: проблемы понятия //Вестник ЮУрГУ. 2009, № 6. –С. 90

¹²⁹ Ҳусанов О.Т., Каримова О., Азизов Ҳ., Тўйчиева Ҳ., Каримов З.Инсон ҳуқуқлари.–Т.:«Шарқ»,1997.–Б. 131

қилиш ва уларга риоя этиш механизмининг муҳим белгиларидан биридир.

Уларни икки гуруҳга, яъни, 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашга масъул бўлган давлат идоралари; 2) халқаро ташкилотларнинг тавсияларига биноан тузилган, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва уларга амал қилишга кўмаклашувчи инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича қўшимча тузилмаларга бўлиш мумкин»¹³⁰.

Тадқиқот натижаси бўйича номлари зикр этилган олимларнинг назарий-илмий фикрларига тўлиқ қўшилган ҳолда уларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш тўғри бўлади, биринчидан, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари асосида ташкил этилган тузилмалар, иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва у асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларига кўра жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга масъул бўлган давлат органлари.

Биринчи гуруҳга: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ва унинг қуйи тизимини киритиш лозим бўлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) кенг ҳуқуқий ваколатларга эга бўлиб, унинг фаолияти давлат ва фуқаро, жамият ва шахсга оид ижтимоий муносабатларнинг муҳим соҳасини ўз ичига олади. Ҳозирги замон жамиятининг ҳаёти ва фаолиятининг Вакилга тааллуқли бўлмаган бирорта соҳаси йўқ, чунки инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари Вакилнинг асосий диққат объекти ҳисобланади.

¹³⁰ Таджиханов У., Х.Одилқориев Х. Конституциявий ҳуқуқ. Таъриф ва чизмалар. –Т., 2002. –Б. 116

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази давлат идоралараро таҳлил, тушунтириш ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади, яъни мазкур орган инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштиради, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишларни миллий режасини ишлаб чиқади, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича миллий маърузалар тайёрлайди, давлат хизматчилари учун эса инсон ҳуқуқлари муҳофазаси соҳасида ахборот базасини яратади, уларни ўқитади, маслаҳатлар беради ва ташвиқот ишларини олиб боради¹³¹.

Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти миллий қонунчиликнинг халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқлигини ўрганиш, уларни қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; қонун лойиҳалари ва амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича фуқароларнинг, жамоатчиликнинг фикр ва таклифларини ўрганиш, долзарб фикр ва таклифларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, уларнинг қўмита ва комиссияларига тақдим этиш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни ривожлантиришнинг илмий концепцияларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни амалга оширади¹³².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғри-сида»ги 5980-сон Фармони асосида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жамоатчилик палаталари – давлат, фуқаролар ва фуқаролик

¹³¹ Мўминов А.Р., Тиллабаев М.А. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик. –Т.: “Адолат”, 2013. –Б. 466-474

¹³² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 29 декабрдаги 1399-III/КҚ-283-III-сонли Қўшма қарори. info@norma.uz.

жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий шаклдаги тизимли ҳамда самарали мулоқотини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг ижтимоий манфаатлари келишилишини таъминлаш; аҳоли фикрини тизимли ўрганиб бориш, жойларда ва соҳаларда аҳолини, фуқаролик жамияти институтларини ҳамда жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, уларнинг ечими бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси палаталарига ва Ҳукуматга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиб бориш; Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда фуқаролик жамияти институтларининг амалий ва самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишга кўмаклашиш ҳамда мазкур масала бўйича жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш; фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерларни сўз эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини амалга ошириш, ахборот эркинлиги кафолатларини таъминлаш бўйича муҳокамаларга жалб этиш ҳамда мазкур масалаларга оид амалий таклифлар ишлаб чиқиш»¹³³ каби масалалар билан шуғулланади.

Иккинчи гуруҳга: Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Ижро ҳокимияти, суд органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа давлат органларини киритиш мумкин.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат томонидан таъминлашни амалга ошириш тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти алоҳида роль ўйнайди. Чунки, у «фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлик-ларига риоя этилишининг кафили

¹³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

эканлиги Конституциянинг 93-моддаси 1-бандида белгиланган»¹³⁴.

Конституциянинг 43-моддасида «Давлат фуқаролар-нинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди»¹³⁵, деб бел-гиланган бўлиб, бу конституциявий қоида Республика Олий Мажлиси томонидан инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолати ҳисобланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга ошира бориб, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Ўз навбатида, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўради.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш суд органларининг асосий вазифасидир. Бу қоида янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида «Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Консти-туцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир»¹³⁶, деб белги-ланган.

¹³⁴ Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. –Т.: «Адолат», 2013. –Б. 197

¹³⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

¹³⁶ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни асосий вазифага қўяди. Бу янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»¹³⁷ги Қонуннинг 2-моддасида аниқ белгиланган.

Мазкур давлат органларининг ўз функцияларини амалга ошириш ваколатлари доирасига қараб мурожаатни кўриб чиқишга бевосита масъул бўлган давлат органларига ва давлат функцияларини амалга оширишда мурожаатни кўриб чиқишга ваколатли бўлган тузилмаларга ажратиш мумкин.

Масъул давлат органлари: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани); Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси тасарруфидаги «Мening fikrim» веб-портали, Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакили бевосита мурожаат этиш институтининг институционал тузилмалари ҳисобланади.

Ваколатли давлат органларига: Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, суд органлари, Ижро ҳокимияти, Бош прокуратура ва бошқа ваколатли давлат органларини киритиш лозим.

Кейинги вақтларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтини янада такомиллаштиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолликлари диққатга сазовордир.

¹³⁷ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

Айниқса, нотижорат ташкилотлар орасида адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, давлат ҳар бир фуқаронинг тенг ва эркин юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш учун адвокатура билан ҳамкорлик қилади. Давлат адвокатурани жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаат этишлари учун қулай бўлган жойларда зарур бинолар билан белгиланган тартибда таъминлайди.

Шунинг учун давлат бу институтни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Бу борада, «Адвокатура тўғрисида»¹³⁸ (1996) ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»¹³⁹ги (1998) қонунлари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида назарда тутилган қонуннинг амалий ифодасидир.

Бундан ташқари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари «Эзгулик» жамияти, «Ҳуқуқий таянч» жамоатчилик ташкилоти, Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа масалаларда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини ҳам инобатга олиш зарур.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг сифати ва самараси жамоатчилик фикрининг ҳолатига боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда муайян ижтимоий институтларга, хусусан оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилади. Шунинг

¹³⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

¹³⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

учун бу институтни жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунга, телевидениеда тўғридан-тўғри намоиш этилаётган турли мулоқотлар («Халқаро пресс-клуб», «Муносабат», «Очиқ мулоқот») ва ижтимоий тармоқлар («Amerika ovozi», «BBC Uzbekistan», «Davletovuz» ва бошқа бир нечта сайтлар)да эълон қилинаётган масалаларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошевнинг «Прокуратура органлари томонидан 2020 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 23 апрелдаги ўн тўртинчи ялпи мажлисидаги ҳисоботида коррупцияга қарши курашишда, блогерларнинг сайтида эълон қилинган хабарлари асосида Жиззах вилояти ҳокимининг собиқ ўринбосари А.Раҳмонқулов ва бошқалар томонидан 20 млрд. сўмлик бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги ҳолати аниқланиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётганлиги ҳамда етказилган зарарни қоплаш мақсадида унга тегишли корхоналарда 12 млрд. сўм, 172 та дўкон, 14 та уй, 43 та автомашина ва бошқа кўчмас мулклар хатланганлиги қайд этилган»¹⁴⁰.

Қоида тариқасида, ОАВга йўлланган мурожаатларда баён этилган масалалар жамоатчиликка ошкор этилади, улар эътиборини қаратади. Бу эса, ваколатли органлар, улар мансабдор шахсларига жамоатчилик олдида ҳисоб бериш вазифасини юклайди. Шу боис, ОАВнинг таъсири сезиларли аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилган институционал тузилмалар ўз вазифаларини амалга ошириш доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

¹⁴⁰ senat.uz.23.04.2021 й.

манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Истиқлолга эришилгандан сўнг вужудга келган «ижтимоий-иқтисодий ва давлат тузумининг мустаҳкамла-ниб бориши ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёт режалари бажарила борган сари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилиши ҳамда уларнинг турмуш шароити узлуксиз яхшиланиб борилишини таъминлай-ди»¹⁴¹.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти Конституция ва қонунларда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни таъмин-лайдиган алоҳида қонун ҳужжатлари билан янада мукамаллаштириб боришдан иборат.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда давлат органлари ва мурожаатларни кўриб чиқувчи масъул тузилмаларнинг мурожаатларга бўлган муносабатлари тубдан ўзгарди. Эндиликда, жисмоний ва юридик шахслар давлат органлари ва мазкур тузилмаларга ўз муаммоларининг ечимини топишда энг ишончли институт деб қарай бошлашди.

2.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадиган институционал тузилмалар

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этилиши ҳамда қонуний манфаатларини таъминланиши кафолати учун давлат ҳокимиятининг кучи зарурдир. Бунда давлат ва жамиятнинг асосий бурчи – конституциявий ҳуқуқларни ўзининг институционал тузилмалари воситалари билан кафолатлашдир. Бироқ бу ҳуқуқларни таъминланиши учун давлат

¹⁴¹ Саидов А.Х., Бакаева Ф.Х., Арсланова К.Ш. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. –Т.: «Ўзбекистон», 2010. –Б. 70

томонидан институционал тузилмаларнинг ташкил этилиши, улар фаолиятининг самарадорлигига боғлиқдир.

Барча давлат органлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар ваколати доирасида мурожаатлар билан ишлаш функцияларини амалга оширадилар. Бу, Конституциянинг 43-моддасида назарда тутилган «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкам-ланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди»¹⁴², деган қоида билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадиган давлат органлари ва ташкилотлари доираси кенгдир, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти (Президент администрацияси), Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд органлари, Марказий сайлов комиссиялари (округ ва участка сайлов комиссиялари) ва бошқалар киради. Буларнинг ҳар бири ўз ваколат доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳал қилади.

Бугунги кунда демократик ривожланиш йўлини танлаган ҳамда ушбу соҳага доир ислохотларни амалга ошираётган ҳар қандай давлатда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни жорий этиш энг долзарб ва эътиборли масаладир.

Юридик фанда ҳуқуқшунос ва сиёсатчилар «инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт» тушунчасини турлича таърифлайдилар. Масалан, Б.Бурдекин ва А.Галлагерлар-нинг фикрича, «миллий институт давлат ва фуқаролик жамиятининг ўртасида жойлашган бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг фойдали механизми ҳисобланади. Ушбу таърифга омбудсманлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияларнинг айрим турларини

¹⁴² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

ҳам қўшган ҳолда турли хил институционал тузилмалар мос тушади»¹⁴³.

Тадқиқотчи Ш.Сафарованинг фикрича, «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт – халқаро-ҳуқуқий нормалар, хусусан, «Париж принциплари»дан келиб чиқиб, мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш ва рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилишнинг суддан ташқари механизми сифатида миллий қонунчиликка, яъни Конституция ёки қонунга мувофиқ таъсис этилган, давлат ҳокимияти доирасида ташкил этилиб, ўз фаолияти давомида, улардан мустақил бўлган ва одатда халқ номидан иш кўрувчи олий вакиллик органи олдида ҳисобдор бўлган орган»¹⁴⁴ ҳисобланади.

Шунингдек, бу институтларни Россиялик тадқиқотчи А.Сунгуров «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг давлат институти»¹⁴⁵ деб таърифласа, БМТ ҳужжатларининг рус тилидаги матнларида кўпинча «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассаса»¹⁴⁶ атамалари қўлланилади. Худди шу каби, мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларидан О.Ҳусанов, О.Каримова, Х.Азизов, Ҳ.Тўйчиева ва З.Каримовлар томонидан ёзилган адабиётларда ҳам «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар»¹⁴⁷ атамаси қўлланган.

Ҳуқуқшунос М.Тиллабаев «инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт»¹⁴⁸ атамасини қўллашлик тўғрисида фикр берган. Бизнинг фикримизча, ушбу таклиф мантиқан тўғри бўлиб, «Инсон

¹⁴³ Gallagher A., Burdekin B. The United Nations and National Human Rights Institutions //International human rights monitoring mechanisms /Edited by G.Alfredsson Martinius Nijhoff Publishers. 2001. –P. 81.

¹⁴⁴Сафарова Ш. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. –Тошкент, 2018. №2. –Б. 18-23

¹⁴⁵ Сунгуров А. Государственные институты защиты прав человека: международный опыт. //Комиссии и Уполномоченные прав человека: опыт российских регионов. /Под ред. А.Ю.Сунгурова. –СПб : «Норма», 2002. –С. 55

¹⁴⁶ Национальные учреждения по правам человека. Серия публикаций по вопросам профессиональной подготовки. № 4. ООН. –Нью-Йорк и Женева, 1995. –С. 150

¹⁴⁷ Ҳусанов О.Т., Каримова О., Азизов Ҳ., Тўйчиева Ҳ., Каримов З. Инсон ҳуқуқлари.–Т.:«Шарқ»,1997. – Б. 59-132

¹⁴⁸ Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: международная, зарубежная и национальная практика /Отв.ред. А.Х.Саидов. –Т.: «Адолат», 2008. –С. 28

ҳуқуқлари бўйича миллий институт» деб аташликни тавсия қиламиз.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар мурожаатлар институтининг муҳим бўлагини ташкил этиб, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш-нинг суддан ташқари тизими ҳисобланади. Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳномалигида инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиялар, Омбудсман ва ихтисос-лашган институтлар фаолият юритади.

Шуни айтиш ўринлики, «Истиқлолимизнинг дастлабки даврлариданок, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, давлат органлари, давлат муассасалари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, улар мансабдор шахслари томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш мақсадида 1995 йил 23 февралда Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (омбудсман) лавозими таъсис этилди»¹⁴⁹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрир-даги «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунида (2004) бу институтнинг тузилиши, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Омбудсманнинг Минта-қавий вакиллари фаолият кўрсатиб, улар ўз вазифаларини жамоатчилик асосида бажаради»¹⁵⁰.

Омбудсман институтининг муҳимлиги шунда намоён бўладики, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, назорат

¹⁴⁹ «Олий мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун 1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) <https://lex.uz/docs/276159>

¹⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

идоралари ва бошқа давлат органларидан фарқли равишда, у: шахс-жамият-давлат манфаатлари ўртасидаги ўзаро келишмовчиликларни бартараф этиш юзасидан қонуний тўхтамга келишда юқорида номлари қайд этилган субъектларга нисбатан тенг муносабатда бўлади. Мамлакатимизда ушбу институтнинг жорий этилганлиги, том маънода, фуқаролар билан давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамловчи алоҳида мустақил институт мавжудлигидан далолат беради.

Эътиборли жиҳати шундаки, Омбудсман Ўзбекистонда мурожаат қилиш ҳуқуқларини халқаро ҳуқуқий нормалар меъёрида рўёбга ошириш ва уни муҳофаза этиш каби муҳим вазифани амалга оширадиган демократик институт ҳисобланади. Демократик йўлдан бораётган ҳар қандай жамиятнинг асосий принципларидан бири – инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи демократик институтлар доирасини кенгайтиши ҳамда уларнинг мустақил фаолият юритишлари йўлида яратилаётган барча шарт-шароитларнинг мавжудлигидадир.

Шуни тан олиб айтишимиз ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси тасарруфида жорий этилган «Mening fikrim» веб-портали, том маънода, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳамда ўз ижтимоий фаолликларини намоён этиш каби сиёсий ҳуқуқларини кафолатини таъминловчи ишончли институтлардан биридир.

Эндиликда «Олий Мажлиснинг Қонунчилик палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номига йўлланган мурожаат камида ўн мингта қўллаб-қўвватловчи овоз, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашлари номига йўлланган мурожаат камида беш мингта қўллаб-қўвватловчи овоз

ҳамда халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари номига йўлланган мурожаат камида мингта қўллаб-қўвватловчи овоз тўпланганда мазкур мурожаат кўриб чиқилади ва қонуний тўхтамга келинади»¹⁵¹. Бу ҳолат демократик давлат принциплари билан чамбарчаст боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чоратадбирлар тўғрисида»ги 4904-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси»¹⁵² каби мурожаатлар билан шуғулланадиган махсус институт-ларнинг жорий этилиши мазкур соҳага тааллуқли институционал тузилмалар доирасини янада кенгайган-лигини амалий исботи бўлди, дейишимиз мумкин.

Халқ қабулхоналарининг асосий вазифаси: «аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, мурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими фаолиятини таъминлаш; мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқнинг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш; Ўзбекистон Республикаси

¹⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Mening fikrim» веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаатлар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қўшма Қарори // <http://parliament.gov.uz/uz/>

¹⁵² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органларига, ташкилотларга юборилган мурожаатларнинг кўриб чиқиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш; жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини ўтказиш, шу жумладан видеоконференцалоқа воситасида ўтказиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларни қайд этиш, умумлаштириш, тизимлаштириш, уларни кўриб чиқиш устидан мониторинг ва назорат қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш ҳамда юритиш орқали мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш»¹⁵³ каби вазифаларни амалга оширишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, «Ўзбекистон ҳукумати порталида 2016 йил 25 сентябрда жорий этилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ўша йили 23 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига айлантирилиши, ахборот-коммуникация технологияларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг халқаро ҳуқуқда қайд этилмаган мутлақо янги механизмига асос бўлди.

Бу бир томондан мамлакатимиз сиёсатининг очик, ошкора ва шаффоф эканидан, иккинчи томондан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бундан кейин шахсан давлат раҳбари назоратида бўлишидан, учинчи томондан, халқимизнинг давлат ҳокимиятига ва қонун устуворлигига бўлган ишончи тобора ошиб бораётганидан, тўртинчи томондан, виртуал қабулхонага мурожаат қилиш ўта қулай ва осон, замонавий ҳамда ортиқча расмийчиликлардан ҳоли, бешинчи томондан, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари жуда қисқа, олтинчи томондан,

¹⁵³ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

муурожаатларда кўтарилган муаммоларни ижобий ҳал этиш кўрсаткичи ниҳоятда юқори, еттинчи томондан, жамиятимизда замонавий ахборот-коммуникация техноло-гиялари самарали татбиқ этилаётгани, халқимизнинг улардан фойдаланиш даражаси юксалиб бораётгани, одамлар яратилган имконият ва қулайликлардан ўз кундалик ҳаётида тўғри ва мақсадли фойдалана олаётганидан далолат беради»¹⁵⁴.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона бўйича мутлоқ янги бўлган ҳуқуқий нормалар киритилди, муурожаатлар бўйича иш юритиш доираси янада такомиллаштирилди, айрим муурожаатларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги ҳуқуқий норма билан тўлдирилди, муурожаат этувчини эшитиш, муурожаатларга жавоблар, муурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш, муурожаатларнинг кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш, муурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш каби бир қанча янги нормалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди»¹⁵⁵.

Очиғини айтиш лозимки, Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналар жорий этилгунга қадар ҳам мамлакатимизда бу соҳада масъул бўлган давлат органларининг «Ишонч телефони» ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталлари каби институтлар ҳам фаолият олиб борган. Бироқ кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар жараёни муурожаатлар билан ишлайдиган кўп қиррали институтлар доирасини янада кенгайтириш ва такомиллаштиришга зарурият мавжудлигини кўрсатмоқда.

¹⁵⁴ Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари — олий қадрият. Акмал Саидов. <https://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/8638-inson-u-u-lari-va-erkinliklari-olij-adriyat>

¹⁵⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

Худди шу каби «Давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали мулоқотни мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини рағбатлан-тириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бирор-бир шаклда бузиш ҳолатларига барҳам бериш имкониятини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида»ги 5037-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти таъсис этилди.

Бу институтнинг аҳамияти шундаки, вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдор бўлади. Бу қоида Вакилнинг ўз фаолиятини фақатгина Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига бўйсунган ҳолда амалга оширишида, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳар қандай шаклда бузилишига нисбатан адолат, қонун устуворлиги ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги нуқтаи назаридан ҳолисона баҳо беришида, қонунбузилишларга ўз вақтида барҳам бериш учун қатъий чораларни кўришида, қонунбузилишларга йўл қўйган барча мансабдор шахслар учун жазонинг муқаррарлиги принципини таъминлашида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бироқ республикамызда тадбиркорликни ривожлан-тириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилишига қарамасдан, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ ва фаол жалб этишга тўсқинлик

қилувчи, биринчи навбатда давлат органларининг тадбиркорлар билан мулоқот қилишнинг амалий ва шаффоф тизими мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлган бир қанча салбий омиллар сақланаётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди»¹⁵⁶.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган қатор чоралар кўрилишига қарамасдан, доимий текширишлар, молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувлар оқибатида тадбиркорлар ўз ишини вақтинча тўхтатишга, айрим ҳолларда эса умуман тугатишга мажбур бўлмоқда»¹⁵⁷.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 5718-сон Фармони билан «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилди.

Бу институтнинг аҳамияти шундаки, мазкур Қарор билан барча даражадаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига – Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари билан самарали ўзаро ҳамкорлик қилиниши, тадбиркорлар ҳамда чет эллик инвесторларни тасдиқланган жадвал бўйича ҳар куни қабул қилиш, тадбиркорлар муаммо-ларининг холисона ва адолатли ҳал этилиши, мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида тегишли

¹⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

¹⁵⁷ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-китоб. –Т.: «Ўзбекистон», 2017. –Б. 68

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига хабар берилиши учун шахсий масъулият юклатилди.

Бу борада, ушбу институтлар доирасини кенгайтириб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликларининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини ташкил этиш таклиф этилади. Бу эса, ҳокимият ва масъулиятни марказий бошқарувдан маҳаллий ҳокимиятга ўтказиш жараёнини тезлаштиради, чунки марказий идора ва вазирликлар билан мулоқот қилиш кўпроқ вақт талаб этади, улар мослашувчан эмас ва маҳаллий муаммолардан йироқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу институтлар мамлакатимизни иқтисодий қудратини юксалтириш, ҳар бир кишини муносиб равишда мулкдор бўлиши, меҳнат қилиши, аҳолини барқарор ва сифатли иш билан таъминлаш, одамлар турмуш сифати ва даражасини янада яхшилаш, жамиятда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади»¹⁵⁸.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида 2018-2021 йилларда фаолият кўрсатган Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий тузилмаларига 2020 йилда келиб тушган мурожаатлар таҳлилида кўриш мумкин.

Хусусан, «Агентлик ва унинг ҳудудий тузилмаларига 2020 йил давомида жами 12603 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, бу мурожаатларнинг 5932 таси оғзаки, 6263 таси ёзма, 80 таси «веб-сайт» орқали ва 328 таси электрон шаклда берилган.

Келиб тушган мурожаатларнинг 5045 таси (40,1 фоиз) қаноатлантирилган, 6696 таси (53,1 фоиз) бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилган, 280 таси (2,2 фоиз) тааллуқлилиги бўйича тегишли вазирлик ва идораларга юборилган, 215 таси (1,7 фоиз)

¹⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

кўрмасдан қолдирилган ёки рад этилган ва 367 таси (2,9 фоиз) 2021 йилга қолдиқ бўлиб ўтган.

Мурожаатлар таҳлил қилинганда, уларнинг аксарияти болаларни мактабгача таълим-тарбия муассасасига жойлаштириш; автомобиллар ҳаракатланиши учун махсус рухсатнома (stiker) расмийлаштириш; Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида далолатнома ёзувларини қайд этиш ёки тиклаш; субсидиялар ажратилиши; фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа; дафн маросими учун нафақа тайинлаш; кадастр ва қурилиш соҳасидаги мурожаатлар ташкил этган»¹⁵⁹.

Эътиборли жиҳати шундаки, республикада ташкил этилган ушбу янги институционал тузилмалар жамиятда қисқа давр ичида юксак обрў-эътиборга сазовор бўлди ва уларнинг нуфузи йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳозирда мамлакатимиз аҳолиси бу тизимнинг хизмат ёки маъмурий жиҳатдан бирор-бир давлат органига бўйсунмовчи, мустақиллиги қонун билан таъминланган фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини давлат органи билан ўзаро ҳамкорликда тиклашга қодир, кўпчилик ҳолатларда инсон манфаатларини кўзлаб ишлайдиган мустақил орган сифатида тан олмоқда.

Бинобарин, «Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг таркибий ва ҳал қилувчи қисмидир. Чунки, жисмоний ва юридик шахслар ўзларининг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари ёки қонуний манфаатлари бузилган деб ҳисоблаганда, уларни судга мурожаат қилиш орқали ҳимоя қилишлари мумкин»¹⁶⁰.

¹⁵⁹<https://davxizmat.uz/oz/reports/ozbekiston-respublikasi-adliya-vazirligi-huzuridagi-davlat-xizmatlari-agentligi-va-uning-hududiy-tuzilmalariga-2020-yil-davomida-kelib-tushgan-murojaatlar-t-a-h-l-i-l-i>

¹⁶⁰ Ўбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори. 11-сон. 03.07.2020 <https://lex.uz/docs/4902524>

Ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 44-моддасида «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади»¹⁶¹, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Инчунин, «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади»¹⁶²ган ягона органдир.

Ушбу конституциявий норма жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни суд орқали ҳимоя қилиш билангина чегараланмасдан, бир вақтда, қонуннинг амалий ижросини таъминлаш устидан суд назоратини ўрнатилишидан ҳам иборатдир. Шунингдек, Конституциянинг ушбу қоидаси умум эътироф этилган халқаро меъёрларга, яъни БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»¹⁶³нинг 8-моддаси талабларига тўлиқ мос келади.

Шуни айтиш жоизки, вазирликлар, Давлат қўмиталари, идоралар, улар таркибида ташкил этилган мурожаатлар билан ишловчи махсус тузилмалар ушбу тизимларнинг таркибий қисмини ташкил этиб, мурожаатларни ҳал қилувчи муҳим қатлами эканлигини қайд этиш ўринлидир.

Юқорида қайд этилган таркибий тузилмалар ўз ваколатлари доирасида мурожаатлар билан ишлаш функцияларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий

¹⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

¹⁶² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

¹⁶³ Шарафутдинов А.О., Саттаров А.Х. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар. – Т.: «Адолат», 2004. –Б. 14

низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 341-сон Қарорига мувофиқ қабул қилинган буйруқлар ва қарорлар билан тасдиқланган низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалари ва фаолият кўрсатиш услублари орқали амалга оширадилар»¹⁶⁴.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаш-тиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 195-сон Қарори¹⁶⁵ билан Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими» ташкил этилган».

Янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби белгиланган бўлиб, бу қондан амалга ошириш борасида Бош прокуратура ва унинг қуйи органларида Мурожаатлар билан ишлаш бўйича махсус тузилмалар ташкил этилгани ҳолда, бу тармоқларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги «Мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида»¹⁶⁶ги 165-сон буйруғи билан тартибга солинади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида Адлия органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг институционал тизимида алоҳида ўрин эгаллаган. Хусусан, Адлия вазирлигида Жисмоний ва

¹⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

¹⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

195-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

¹⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги «Мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 165-сон буйруғи. <https://prokuratura.uz/#/>

юримдик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси ташкил этилган бўлиб, мазкур тузилманинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2018 йил 11 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида жисмоний ва юримдик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 144-ум-сон буйруғи билан тартибга солинади.

Аниқроқ айтганда, «мурожаатларнинг кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш, умумлаштириш, таҳлил этиш, назоратга олиб юборилган жисмоний ва юримдик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан ваколатли ёхуд қуйи турувчи давлат органи зиммасига ушбу мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича нафақат мурожаат муаллифига жавоб хати йўллаш, балки мурожаатни юборган давлат органига ҳам бу ҳақда хабар бериш мажбуриятини юклаш»¹⁶⁷ қайд этилган давлат органлари таркибидаги махсус тузилмалар фаолиятининг мазмунини ташкил этади.

Бундан ташқари, жисмоний ва юримдик шахсларнинг мурожаатларини ҳал этиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3182-сон қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар худудларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати худудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга бўлиб, «махалла-туман (шаҳар)-вилоят-республика» тамойили бўйича уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашувлар асосида энг қуйи

¹⁶⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юримдик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни.Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

бўғинда – маҳаллада долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар кўриш вазифаси юклатилган»¹⁶⁸.

Демократик жамият барпо этишни асосий мақсад қилиб олган ҳар қандай давлатда мурожаат қилиш ҳуқуқи соҳасига хизмат қилувчи демократик институтларнинг кўпайиши ва уларга етарлича шарт-шароитлар яратиб берилганлиги мамлакат истиқлолида кутилган натижани беради. Бу қоида тарихий ва амалий исботини топган назариядир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтини мунтазам такомиллаштириб бориш – давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Мурожаатлар билан ишлашнинг яхшиланиб боришидан фақат фуқаролар эмас, балки давлат ҳам манфаатдордир. Чунки, фуқаролар мурожаати мамлакатнинг умумий аҳволини, шахсларнинг фаоллигини, турмуш даражасини, эҳтиёжларини, талаб-истакларини кўрсатувчи кўзгудир. Мурожаатларни синчиклаб ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида қаерда қандай камчиликлар бор, нима эътибордан четда қолган, нималарга эътиборни кучайтириш зарурлигини аниқлаш мумкин»¹⁶⁹.

Мухтасар айтганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадиган институционал тузилма-лар платформасининг кенгайиши, мазкур тузилмалар ваколатларининг реал амалга оширилиши мурожаатлар институтининг босқичма-босқич ривожланиб ва такомил-лашиб боришига хизмат қилади. Бу борада, мазкур институционал тузилмалар халқаро ҳамжамият, нодавлат ва нотижорат

¹⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3182-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

¹⁶⁹ Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ва «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунларига шарҳлар. –Т.: «Адолат», 1997. –Б. 7

ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда бўлиши муҳим эканлигини унутмаслик лозим.

2.4. Миллий гвардия органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинлик-ларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Хусусан, ўтган давр давомида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи институтини конституциявий ролини ошириш масалалари энг устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилди.

Ушбу ҳуқуқни таъминлаш борасида бир қанча Давлат дастурлари белгиланди, тегишли миллий қонунчилик базаси кенгайтирилди ва уни кафолатини таъминлайдиган институционал тизимнинг мукамал механизмлари жорий этилди.

Бироқ мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижала-рини чуқур таҳлили, жаҳон бозори конъюктурасининг ўзгарувчан табиати, ахборот-коммуникация технологияла-рининг шиддат билан ривожланиши глобаллашув жараёнини янада тезлаштирди.

Бу эса, ўз навбатида, барча жабҳалардаги каби мурожаатлар институтини янада кенгайтириш ва ривожлантириш борасида туб ислохотларни амалга оширишни ижтимоий ва объектив заруриятга айлантди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривож-лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”¹⁷⁰да белгиланган вазифалар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ва мурожаатлар билан ишлаш тартибини белгилайдиган қонунчиликни тубдан ислоҳ қилишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилди.

Бинобарин, мазкур Давлат дастурининг “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари” деб номланган II бўлимида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг халқ билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш, аҳоли уларга эркин мурожаат эта олишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларнинг, хабарларнинг ўз вақтида олинишини таъминлаш назарда тутилган.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат-ларини қабул қилиш ва ҳал этиш икки йўналишда амалга оширилади.

Биринчи йўналиш – жиноят ҳақидаги ариза ва шикоятлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республи-касининг Қуролли

¹⁷⁰ “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.–Т.:”Адолат”,2018. – Б.6.

Кучларида жинойтга оид аризалар, хабарлар ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома»¹⁷¹ асосида кўриб чиқилади.

Иккинчи йўналиш – оммавий ҳокимият органлари ваколатларига тааллуқли мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 341-сон қарори асосида қабул қилинган Йўриқномалар талаблари бўйича кўриб чиқилади.

Иккинчи йўналишда назарда тутилган мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида қайд этилган мурожаат қилиш ҳуқуқининг таркибий қисмини ташкил этиб, бу мурожаатларни қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги конституцион нормалар билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги Қонунини 3 ва 4-моддаларида Миллий гвардиянинг асосий вазифа-ларидан бири жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўлса, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш асосий принципларини ташкил этади¹⁷².

¹⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2020 йил 26 августдаги 173-сон буйруғи.

¹⁷² Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги ЎРҚ-647-сон Қонуни // www.lex.uz.

Миллий гвардия органларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги ижтимоий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2020 йил 26 августдаги 173-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида ЙЎРИҚНОМА”си билан тартибга солинади.

Мазкур Йўриқноманинг 2-бандига кўра Миллий гвардия органларига мурожаатлар қуйидаги шаклларда берилиши мумкин:

ёзма мурожаатлар – почта хизмати, бўлинмалар маъмурий биноси олдида ўрнатилган “махсус почта қутиси” ва бевосита фуқаронинг ўзи орқали;

оғзаки мурожаатлар – шахсий, сайёр ва оммавий қабулларда, Миллий гвардиянинг 1215 қисқа рақамли “ишонч телефони” ёки “видеоконференцалоқа” ёрдамида;

электрон мурожаатлар – Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Бош прокуратуранинг Виртуал қабулхоналари орқали, Миллий гвардия расмий веб-сайти (ёки электрон почта манзили) орқали.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келган мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни ва мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Миллий гвардия органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш учун моддий-техник воситалар билан жиҳозланган алоҳида Мурожаатларни қабул қилиш хонаси ажратилади.

Миллий гвардия органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш ишлари тасдиқланган Жадвалга мувофиқ белгиланган кун ва соатларда раҳбарлар ва мансабдор шахслар томонидан ўтказилади.

Оғзаки мурожаатлар билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлимнинг раҳбари ёхуд бошқа масъул ходим, шунингдек Миллий гвардия таркибий органларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

Оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Миллий гвардия органларининг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видео-конференцалоқа воситасида ҳам берилиши мумкин.

Миллий гвардия кўмондони ёки бу борада ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ўтказилиши мумкин. Оммавий қабул ҳовлиларда (квартираларга), бошқа биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Миллий гвардия органлари ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни қабул қилиш чоғида қуйидагиларга:

а) жисмоний шахснинг мурожаатида – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, юридик шахснинг мурожаатида – юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигига;

б) жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида – Миллий гвардия органларининг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилганлиги, шунингдек, мурожаатнинг моҳияти баён этилганлигига;

в) муурожаатларда – муурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилганлигига;

г) муурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган муурожаатларда – уларнинг ваколатларини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинганлигига эътиборни қаратади.

Миллий гвардия органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига ёзма муурожаат келиб тушганда:

а) ёзма муурожаат муурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки муурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланганлигини ўрганади;

б) жисмоний шахснинг ёзма муурожаатини муурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу муурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилганлигини аниқлайди.

Миллий гвардия органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига муурожаатларни бериш муддатлари, қоида тариқасида, белгиланмайди. Бўйсунув тартибида Миллий гвардиянинг юқори турувчи органига ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Миллий гвардия органларига келиб тушган муурожаатлар ҳажмидан, шахсий таркиб сонидан ва иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида бўлим, бўлинма ёки гуруҳ шаклида ташкил этилиши мумкин. Муурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмалар муурожаатларнинг кўриб чиқилишини назорат қилиш масаласида марказий девонида – Миллий гвардия кўмондонига (бўлинмаларда – биринчи раҳбарга) бўйсунди.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган Миллий гвардия органларига келиб тушган мурожаатлар беш кун муддатдан кечиктирмай Миллий гвардия қўмондони ёки таркибий органнинг раҳбари томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Ариза ёки шикоят масалани мазмуни бўйича ҳал этиши шарт бўлган Миллий гвардия органларига ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли Миллий гвардия органлари раҳбари томонидан, истисно тариқасида кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф Миллий гвардия органларига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

Мурожаат қилувчига жавоб юборилган кун мурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади, бу ҳақда мурожаатларни рўйхатга олиш журнаliga ва ҳисобга олиш карточкасига белги қўйилади.

Юқори ташкилотнинг назоратида турган мурожаатлар бўйича мурожаатни кўриб чиққан Миллий гвардия органи мурожаат қилувчига юборилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида юқори ташкилотга ёзма шаклда хабар беради.

Қуйидаги муурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним муурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган муурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган муурожаатлар.

Муурожаат аноним деб эътироф этилганда бу ҳақда хулоса тузилади. Хулосада муурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Муурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса Муурожаатлар билан ишловчи бўлим раҳбари ёки таркибий орган раҳбари томонидан тасдиқланади.

Муурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

агар такрорий муурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги муурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва муурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар муурожаат қилувчи ўз муурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабарлар қилмаганлиги туфайли чақирешнинг имкони йўқлиги сабабли муурожаатни муурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

муурожаатни муурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, Миллий гвардия органи ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан чақирилган муурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Мурожаатлар кўриб чиқиладиганда жисмоний ва юридик шахсларнинг қуйидаги ҳуқуқлари Миллий гвардия органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан таъминланади:

муурожаатни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисида ахборот олиш;

важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш;

муурожаатни текшириш материаллари ва уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш;

қўшимча материаллар тақдим этиш ёки бундай материалларни бошқа органлардан талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилиш;

адвокат ёрдамидан фойдаланиш;

муурожаатни кўриб чиқишни тўхтатиш тўғрисида ёхуд муурожаатга жавобни тушунтириш ва (ёки) уни тузатиш тўғрисида илтимос қилиш;

ўз муурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқиладиган пайтда муурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш;

муурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этганлик устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мурожаатларни кўриб чиқишда Миллий гвардия органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

муурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

мурожаат қилувчи ёки унинг вакилини улар йўқлигида мурожаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмаганда ёхуд мурожаатни эшитиш учун чақириш;

била туриб ёлгон маълумотлар кўрсатилган мурожаатни текшириш сабабли етказилган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилиш.

Миллий гвардия органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қуйидагиларга мажбурдирлар:

мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

мурожаат қилувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сирини ёки қонун билан қуриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, таъминлаши;

мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши, оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал қилинган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор устидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтириши;

мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиш;

қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг муурожаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиши;

агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

III БОБ. РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ИНСТИТУТИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

3.1. Ривожланган хорижий мамлакатларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари

Қоида тариқасида, инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари жаҳон тарихий тараққиёти ҳамда ривожланган демократик мамлакатларнинг қонунчилигидаги илғор тажрибалари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Бунда инсон қадр-қиммати, ҳуқуқлари ер юзидаги энг юксак қадриятлар сифатида намоён бўлади.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган инсон ҳуқуқлари каталоги ҳозирги замон демократик фуқаролик жамияти учун тегишли меъёрларга айланган намуна ва андозаларнинг узок даврлар мобайнида тарихий шаклланиши, такомиллашиши натижасидир.

Хусусан, БМТнинг «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» 2-қисми 2-моддаси 3-бандида Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз зиммасига «мазкур Пактда тан олинган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар бир шахсни, агар бу ҳол расмий сифатда ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситалари билан таъминлаш; ана шундан ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя нуфузли суд, маъмурий ёки қонуний ҳокимиятлар томонидан ёки давлатнинг тизимида назарда тутилган бошқа нуфузли органлар томонидан таъминлансин ва суд орқали ҳимояланиш имконияти ривожлантирилсин; ҳуқуқий ҳимоя воситалари берилганда,

нуфузли ҳокимиятлар бун қўллашни таъминласинлар»¹⁷³, деб кўрсатилган.

Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган мамлакатлар Конституциялари ва қонунларига мувофиқ ҳар бир шахс турли давлат органларига ариза, шикоят ва таклиф билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу мурожаатлар механизми ва тартиблари қоида тариқасида махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, дунё мамлакатлари конституцияларида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали тиклаш билан бир вақтда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Масалан, АҚШ Конституциясига киритилган биринчи ўзгартиришда «халқнинг тинч йўл билан тўпланиш ҳамда суиистеъмолликларни бартараф этиш тўғрисидаги арзномалар билан ҳукуматга мурожаат этиш ҳуқуқини»¹⁷⁴ эълон қилган, Буюк Британиянинг конституциявий ҳужжати ҳисобланган «Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Билль»да (1689) «Қиролга илтимоснома билан мурожаат этиш раиятнинг ҳуқуқи бўлиб, бундай илтимоснома учун ҳар қандай йўсинда ушлаб туриш ва таъқиб қилиш қонунга хилофдир»¹⁷⁵, деб кўрсатилган, Германия Асосий Қонунининг 17-моддасида «Ҳар ким якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда ваколатли муассасаларга ёки халқ вакиллари идораларига ёзма равишда илтимос ёки шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир»¹⁷⁶, деб белгиланган.

¹⁷³ Шарафутдинов А.О., Саттаров А.Х. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар. –Т.: «Адолат», 2004. –Б. 20

¹⁷⁴ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. –Т., 2006. –Б. 52

¹⁷⁵ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. –Т., 2006. –Б. 55

¹⁷⁶ Тожихонов У., Саидов А.Х. Жаҳон Конституциялари, 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги. –Т.: «Адолат», 2001. –Б. 282

Худди шу каби, «Испания Конституцияси»¹⁷⁷нинг 29-моддаси, «Хитой Конституцияси»¹⁷⁸нинг 38 ва 41-моддаларида ҳам ушбу нормалар ўз аксини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ривожланган хорижий давлатларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари давлат бошқаруви механизмида муҳим ўрин тутди. Масалан, Германия, Канада, Норвегия, АҚШ ва Швейцария давлатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни тартибга солувчи махсус қонунлар қабул қилинган. Канаданинг «Квебекнинг юридик шахсларнинг махсус ваколатлари тўғрисида»¹⁷⁹ги Қонуни шулар жумласидандир.

Хорижда мурожаатлар асосан маъмурий юстиция доирасида кўриб чиқилади. Баъзи ривожланган хорижий давлатларда эса, мазкур масаланинг ечими маъмурий тартибот соҳасида қабул қилинган қонунларда акс эттирилган бўлиб, уларда нафақат фуқаролар, балки юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ масалалар ҳам тартибга солинади. Хусусан, Германия ва Швейцария давлатларида «Маъмурий тартибот тўғрисида»¹⁸⁰ги қонунларда мурожаатларни ҳал этишга оид нормалар ўз ифодасини топган.

Юридик адабиётларда мурожаатларни ҳал қиладиган маъмурий тартибот соҳаси бўйича турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, ҳуқуқшунос олим Н.Ю.Хаманеванинг фикрича, «фуқароларни ижро ҳокимияти органлари, улар хизматчиларининг ноқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатларидан

¹⁷⁷ Қаранг: Испанская Конституция одобрена генеральными кортесами на пленарных заседаниях конгресса депутатаов и сената 31 октября 1978 года //www.constitutions.su.

¹⁷⁸ Қаранг: Конституция КНР (Принята на 5-ой сессии Всекитайского собрания народных представителей пятого созыва, обнародована и официально введена в действие Всекитайским собранием народных представителей 4 декабря, 1982 года, с поправками, принятыми 12 апреля, 1988 на первой сессии Всекитайского собрания народных представителей седьмого созыва, и 29 марта, 1993 года на первой сессий Всекитайского собрания народных представителей седьмого созыва) //www.constitutions.su

¹⁷⁹ Усмонов А. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига шарҳлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Т: «Адолат», 2016. –Б. 3

¹⁸⁰ Усмонов А. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига шарҳлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Т: «Адолат», 2016. –Б. 3-4

ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг фақат тўрт усулини ҳамда шунга мувофиқ равишда, ушбу ҳимоя қилишни ҳуқуқий ва ташкилий расмийлаштиришга, яъни ихтисослашган органлар – судлар, трибуналлар, коллегиялар ва бошқалар тизимини яратишга нисбатан тўрт ёшдашувни фарқлайди»¹⁸¹. Шунингдек, у «баъзан ғарб мамлакатларида юзага келган маъмурий юстициянинг фақат икки: минтақавий ва англо-америка каби асосий моделини кўрсатади ҳамда айрим мамлакатларда маъмурий юстициянинг аралаш тизими ҳам шакллانганлигини таъкидлайди»¹⁸².

О.Н.Ведерникова «фуқароларни оммавий ҳуқуқ ҳаракатлари соҳасида ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлашнинг қуйидаги усуллари таклиф этади:

маъмурий – бу, юқори турувчи орган томонидан бўйсунуш тартибида, фуқаронинг фикрича, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузган маъмурий ҳужжатнинг орган (мансабдор шахс) томонидан қабул қилиниши ва ижро этилишининг қонунийлиги, асосланганлиги ва мақсадга мувофиқлигини текширишдир. Маъмурий юстициянинг ушбу турини бошқарув (французча) тури деб аташади, бунда маъмурий юстиция органлари давлат бошқарув органлари тизимига киради ва умумий юрисдикция судларининг назорати остида бўлмайди. Бу ҳолатни Франция ва Италияда кузатиш мумкин;

умумсудлов – бу, бошқарув органларининг ноқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатлари туфайли фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилганлиги устидан қилган шикоятлари умумий юрисдикция судлари томонидан фуқаровий-процессуал шаклдан фойдаланиб кўриб чиқиш ва ҳал этишни англатади. Суд ҳимоясининг бундай усули ҳозирги вақтда Россияда кенг қўлланилмоқда. Бундан ташқари, Россияда фуқаролар

¹⁸¹ Хаманева Н.Ю. Право жалобы граждан в европейских социалистических странах. –Казань: 1984. – С. 23

¹⁸² Хаманева Н.Ю. Защита прав граждан в сфере исполнительной власти. –М., Институт государства и права Российской академии наук, 1997. –С. 115-130

ҳуқуқларининг французча (маъмурий) ҳимоя қилиш усули ҳам аҳамият касб этади;

квазисудлов (англо-америка, англосаксон) – бу, судлов тизимига кирмаган маъмурий низоларни кўриб чиқиш бўйича махсус трибуналларнинг умумий юрисдикция судларининг назорати остидаги тизимини ташкил этади. Бу усул Буюк Британия ва АҚШда амал қилади»¹⁸³.

Д.М.Чечот бу борада, «Германияда жорий этилган «маъмурий судлов»ни ҳам юқорида қайд этилган усулларнинг бири ҳисоблаб, бу маъмурий юстиция бошқарув органларининг фаолияти соҳасида юзага келадиган индивидуал маъмурий ишлар бўйича низоларни ҳал этиш учун ихтисослашган судларни тузиш билан тавсифлайди»¹⁸⁴. В.В.Бойцова ва В.Е.Бойцовалар «Маъмурий тартибот ягона тизимига киради ва одил судлов функциясини амалга оширишда маъмурий органлар ва одатдаги судлардан мустақилдирлар»¹⁸⁵, деган фикрни илгари сўрадилар. Демак, номлари зикр этилган муаллифлар фикрига таяниб, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига асосланган ҳолда мурожаатларга доир маъмурий судларнинг ихтисослашган тизими маъқулроқ кўринади.

Маъмурий тартибда қоида бўйича, мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан тенг ҳуқуқда бўйсунуш тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахснинг раҳбарига шикоят қилинади. Мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилишнинг маъмурий усули масаласида ҳам юридик фанда қарашлар ўзгача бўлиб, улар ушбу усулнинг афзалликлари ва камчиликлари мавжудлигини таъкидлашади.

¹⁸³ Ведерникова О.Н. Административная юстиция (опыт зарубежных стран) //Судебная реформа: итоги, приоритеты, перспективы: Материалы конференции. Серия «Научные доклады». –М.: МОНФ, 1997. № 47. –С. 52-60.

¹⁸⁴ Чечот Д.М. Административная юстиция: Теоретические проблемы. –Л.: Изд. ЛГУ, 1973. –С. 31

¹⁸⁵ Бойцова В.В., Бойцова В.Е. Административная юстиция: к продолжению дискуссии о содержании и значении //Государство и право, 1994, № 5. –С. 46-47

Масалан, Л.В.Иванова унинг афзалликларини «турли шикоят шакллари ва уларни бериш усуллари ва мавжудлиги, тартиб-таомилларининг очиклиги ва оддийлиги, шикоятларнинг муайян соҳадаги мутахассислар томонидан кўриб чиқилиши, жавоб беришнинг тезкорлигида кўрсатса, камчиликларига: шикоятларни кўриб чиқувчи мансабдор шахсларнинг иш тартиби, тартиб-таомиллари, улар жавобгарлигининг қонун томонидан кучсиз тартибга солиниши, идоравий манфаатдорликнинг мавжудлиги, қарорларни ижро этишнинг мураккаблигини»¹⁸⁶ таъкидлайди. Фикримизча, ушбу усул мавзу мақсадига мос келади.

Бугунги кунда, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларини тан олган давлатларда фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган. Бунда ушбу ҳуқуқ кафолати бўлиб, қонун чиқарувчи органларнинг фаолияти ҳисобланса-да, баъзи бир давлатларда, масалан АҚШда ташаббускор гуруҳлар ва жамоат ташкилотлари турли хилдаги мурожаатларни ҳал қилишда фаол иштирок этадилар.

Шунингдек, «Дания»¹⁸⁷, «Эстония»¹⁸⁸, «Польша»¹⁸⁹, «Швеция»¹⁹⁰ ва «Кипр»¹⁹¹ каби давлатларда ҳукуматга мурожаат деганда, давлатнинг қонунчиликни назорат қилиши кўзда тутилади. Шундай қилиб, фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан ҳуқуқий кафолатлари давлат ҳокимияти органлари - парламент ва унинг аъзоларига боғлиқ бўлиб қолади.

¹⁸⁶ Иванова Л.В. Административное обжалование нарушений прав и свобод граждан, юридических лиц и индивидуальных предпринимателей: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. –Омск, 2005. –С. 16

¹⁸⁷ Қаранг: Конституция Дания (Королевства Дания от 5 июня 1953г.) //www.constitutions.su.

¹⁸⁸ Қаранг: Конституция Эстонской Республики (Принята на референдуме 28 июня 1992 года) //www.constitutions.su.

¹⁸⁹ Қаранг: Конституция Польши (Республики Польши) от 2 апреля 1997 г.//www.constitutions.su.

¹⁹⁰ Қаранг: Конституция Швеции (Королевства Швеция от 27 февраля 1974 г.) //www.constitutions.su.

¹⁹¹ Қаранг: Конституция Республика Кипр от 16 августа 1960 г.(по состоянию на 2000 г.) //www.constitutions.su.

Германия, Буюк Британия ва «Австралия»¹⁹²да давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи асосан парламент ёки қонун чиқарувчиларнинг назорат вазифаси деб тушунилади. Масалан, «Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонуни»¹⁹³ I бўлим, 17-моддасида мурожаат бериш ҳуқуқлари кўрсатилган. У шуни тасдиқлайдики, ҳар бир инсон якка ёки жамоавий тартибда ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бошқалардан фарқли ўлароқ, Англияда мурожаатлар Вестминистр парламентиға фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри берилмайди. Балки, сайланган парламент аъзоси орқалигина берилади. Бу шуни билдирадики, мурожаат қилувчи аввал жойдаги Парламент аъзосига мурожаат қилади, шундан кейингина Парламент аъзоси Парламент олдида мурожаат билан таништирилади. Парламент аъзоси томонидан мурожаатлар махсус кўмита ва ижро ҳокимиятининг вазирликларига жўнатилади. Вазирликлар «аҳамиятга эга» бўлган мурожаатларға жавоб беришға мажбур бўлса, махсус кўмиталар уларни бажаришни кун тартибига киритишға мажбурдир. Бу мурожаатларни узатиш ўртасидаги воситачиға талабнинг шартли муолажаси бўлиб, мурожаатларни кўриб чиқишнинг эркин танловини кўрсатади. Демак, ўрганилган хорижий давлатлар қонунчилигида мурожаатлар билан ишлашда парламент назорати институтини кенг жорий этишни энг ишончли ва самарали усули сифатида намоён бўлмоқда.

Қиёсий таҳлилда маълум бўлишича, ўрганилган хорижий давлатларда мурожаат қилиш ҳуқуқининг конституциявий нормасини амалий ижроси таъминланишини назорат қилиш борасида махсус институционал тузилмалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми Конституцияда мустаҳкамлаб

¹⁹² Қаранг: Конституция Австралии (Данная Конституция была принята в качестве официального документа к Конституционному акту Австралийского Союза, 63 и 64 в.к. глава 12 от 1900.) //www.constitutions.su.

¹⁹³ Қаранг: Основной закон Федеративной Республики Германия от 23 мая 1949 г. (с последующими изменениями и дополнениями до 20 октября 1997 г.) // www.constitutions.su.

қўйилган. Масалан, «Францияда «Хуқуқлар ҳимоячиси» деб номланган махсус тузилма ташкил этилгани ҳолда Конституциянинг 71-1-моддасида унинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилган. Унга кўра, бу тузилма давлатнинг маъмурий хизматини, маъмурий-ҳудудий тузилмалар, давлат муассасалари, шунингдек, давлат хизмати вазифаси юкланган ҳар қандай орган ёки ташкилий қонун билан муайян ваколатлар берилган субъектлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этилишини назорат қилади»¹⁹⁴.

Тараққиёт жараёни шуни кўрсатадики, ҳуқуқий-қийосий усул жамият ривожланишида муҳим восита бўлиб, у орқали турли мамлакатларнинг конституцияларида назарда тутилган муурожаат қилиш ҳуқуқи ҳар жиҳатдан қийосланади, таҳлил қилиб баҳоланади ва бизнинг шароитга мос жиҳатларини олиш ҳақида таклиф ва тавсиялар вужудга келади. Уни Ўзбекистон Республикасида татбиқ этиш фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий баҳолаш мезанларидан биридир.

Хорижий мамлакатларнинг муурожаатлар соҳасига доир фаолияти борасида ҳам юридик фанда турли ёндашувлар мавжуд. Жумладан, М.Е.Апоннинг ёндашувига кўра, «Францияда давлат органи ва хизматчининг ўзаро муносабати ўз асосларига кўра тенг ҳуқуқли бўлмаганлиги сабабли, хизматчини унга нисбатан давлат органи жамоат манфаати баҳонасида зўравонлик қилишидан ҳимоя қилиш мақсадида ҳимоя чоралари назарда тутилган. Бундай чораларга ҳимоя ва шикоят қилиш ҳуқуқи киради. Ҳар иккаласи ҳам аниқ белгиланган процедура билан таъминланган. Бу процедура, хизматчига тўлиқ махфийлик ва ўзининг досъеси билан танишишга кенг шароит яратиб бериб, ҳимоячи ёрдамига ва ўзига тенгларнинг судига бўлган ҳуқуқни белгилайди. Ўзига тенгларнинг суди, яъни хизматчининг ишини унинг хизмат даражасидаги вакиллар бўлган орган томонидан кўриб чиқиши

¹⁹⁴ Франция Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2018. –Б. 55

назарда тутилади»¹⁹⁵. Фикримизча, ривожланган хорижий давлатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш асосан процессул қонунчиликда белгиланган.

Чунончи, АҚШ, Франция ва Хитой Конституциялари, Буюк Британия конституциявий ҳужжати, Германия асосий қонуни, Австриянинг Федерал конституциявий қонуни ва бошқалар бунга мисол бўлади.

АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ташаббуси билан «Court Metrics» маслаҳат фирмасининг Президенти Инго Кеилитз томонидан 2015 йил октябрь-декабрь ойларида Ўзбекистон, Россия, Германия, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари ва Австралия давлатларида мурожаат қилиш ҳуқуқининг қиёсий таҳлили, яъни «Ўзбекистонда қонун устуворлиги доирасида ҳамкорлик» (ҚУДХ) лойиҳаси ўтказилган.

Таҳлил мазкур давлатларнинг мурожаатлар соҳасига доир қонунчилигининг ўзаро ўхшаш томонлари ва фарқини кўриб чиқишни ўз ичига олган. Унда мазкур мамлакатларда мурожаат қилиш ҳуқуқининг мақсад ва вазифалари ўзаро мос келиши аниқланган. Бунда: «1) давлатни бошқариш ва тартибга солишга таъсир ўтказиш; 2) электрон мурожаат бериш имкони; 3) мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун масъул ташкилотлар; 4) мурожаатларни мажбурий, ихтиёрий ёки розилигига кўра кўриб чиқиш ҳисобланиши; 5) қўллаб-қувватловчи имзоларга тегишли бўлган ҳолатлар; 6) мурожаат этиш жараёнида очиқлик ва шаффофлик; 7) мурожаат этишда вақтинчалик чегара (чекланишлар); 8) мурожаат бериш жараёнининг мониторинги ва баҳоланиши каби хусусиятлар умумийликни касб этган»¹⁹⁶.

¹⁹⁵ Апон М.Е. Государственная служба в зарубежных странах. Учебное пособие. –Санкт-Петербург. 2016. –С. 41

¹⁹⁶ Қаранг: Право на обращение в Узбекистане, России, Германии, Великобритании, Соединенных штатах Америки и Австралии:сравнительный анализ //www.uz.undp.org.

Бугунги кунда, халқаро ҳуқуқий муносабатларда, хусусан, ривожланган давлатлар амалиётида фуқароларнинг петиция ҳуқуқи институти конституциявий норма сифатида кенг жорий этилган.

Масалан, «Франция Конституциясида «табиий ва фуқаролик ҳуқуқлари сифатида» айрим фуқаролар томонидан имзоланган петициялар билан ҳокимиятнинг белгиланган органларига мурожаат этиш эркинлиги таъминланиши кафолатланган»¹⁹⁷.

Болгария Республикаси Конституциясининг 45-моддасида «Фуқаролар давлат идораларига шикоятлар, таклифлар ва петициялар юбориш ҳуқуқига эгадир»¹⁹⁸, деб белгиланган. Германия Республикаси Асосий Қонунининг 45^c-моддасида «(1) Бундестаг петициялар бўйича комитет жорий этади, бу комитет 17-моддага мувофиқ Бундестагга бериладиган илтимослар ва шикоятларни кўриб чиқиши шарт»¹⁹⁹, деб кўрсатилган.

Италия Конституциясининг 50-моддасида «барча фуқаролар қонунчилик тадбирлари ёки ижтимоий эҳтиёжлар баён қилинган петицияларни палаталарга йўллашлари мумкинлиги»²⁰⁰; Испания Конституциясининг 29-моддасида «Ҳамма испанлар индивидуал ёки коллектив равишда ёзма петиция ҳуқуқига эга»²⁰¹лиги; Бельгия Конституциясининг 28-моддасида «Ҳар ким бир ёки бир неча шахслар томонидан имзоланган петициялар билан оммавий ҳокимият (бошқарув ва мажбурлов аппаратининг йиғиндиси)га мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Фақат таъсис органларигина жамоа номидан петициялар билан мурожаат қилиши мумкин»лиги; Польша Конституциясининг 63-моддасида «ҳар ким, оммавий ёки хусусий манфаатлари ёхуд

¹⁹⁷ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. –Т., 2006. –Б. 58

¹⁹⁸ Тожионов У., Саидов А.Х. Жаҳон Конституциялари, 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги. –Т: «Адолат», 2001. –Б. 318

¹⁹⁹ Қаранг: Основной закон Федеративной Республики Германия от 23 мая 1949 г. (с последующими изменениями и дополнениями до 20 октября 1997 г.) //www.constitutions.su.

²⁰⁰ Қаранг: Конституции Италии //www.constitutions.su.

²⁰¹ Қаранг: Испанская Конституция одобрена генеральными кортесами на пленарных заседаниях конгресса депутатаов и сената 31 октября 1978 года //www.constitutions.su.

ўзга шахсинг розилиги билан унинг манфаатлари, шунингдек, оммавий маъмурият соҳасидаги вазифаларини бажариш билан боғлиқ жамоат ташкилотлари ва муассасаларининг манфаатлари борасида оммавий ҳокимият органларига петиция, таклиф ва шикоятлар бериш ҳуқуқига эга бўлиб, петиция, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби қонун билан белгиланиши»²⁰² ҳамда Япония Конституциясининг 16-моддасида «ҳар ким зарарни қоплаш, оммавий ҳокимиятнинг мансабдор шахсларини алмаштириш, қонунлар, фармонлар ва фармойишларни жорий қилиш, бекор қилиш ёки тuzатиш ҳақида, шунингдек, бошқа масалалар бўйича тинч йўл орқали петиция билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳеч ким бундай петиция берганлиги учун таҳқирланиши мумкин эмас»²⁰³лиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи (петиция ҳуқуқи) ҳам сиёсий ҳуқуқлар жумласига киради ва фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига ариза, таклиф, шикоятлар орқали мурожаат қилиш йўли билан ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш имконини беради.

А.И.Казанник ва А.Н.Костюковларнинг фикрича, «хорижий мамлакатлар конституцияларида Россияда қабул қилинган «мурожаатлар» тушунчаси ўрнига «петиция» термини ишлатилади. Хорижий сўзларнинг янги лўғатида бу сўз мамлакатнинг олий органларига йўлланадиган жамоавий ёзма илтимос деб изоҳланади. Бироқ замонавий конституциявий амалиёт шуни кўрсатадики, петиция мурожаатдан фақат шаклан фарқланади. Мурожаатни мансабдор шахсинг қабулида оғзаки шаклда баён қилиш мумкин бўлса, петициялар эса давлат органларига фақат ёзма шаклда берилади. Аммо петиция ўз

²⁰² Қаранг: Конституция Польши (Республики Польши) от 2 апреля 1997 г. //www.constitutions.su.

²⁰³ Қаранг: Конституция Японии (текст приводится по сборнику «Конституции зарубежных государств: Учебное пособие/Сост. проф. В.В.Маклаков. - 4-е изд., перераб. и доп. –М.: Волтерс Клувер, 2003») //www.constitutions.su.

хусусиятига кўра, давлат ҳокимиятининг тегишли масалани ҳал қилишга ваколатли бўлган органига йўлланган таклиф, илтимос, ариза ва шикоят бўлиши мумкин»²⁰⁴.

Шу сабаб, Франция, Германия, Италия, Испания, Польша, Болгария, Бельгия ва Япония каби ривожланган мамлакатларнинг конституцияларида мустақамлаб қўйилган ва ижобий самарасини бераётган «петиция» ҳуқуқи институти бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашнинг энг мақбул воситаларидан бирига айланди. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаати институтининг муҳим элементи ҳисобланган бу ҳуқуқ мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида намоён бўла бошлади.

Масалан, «Тошкент шаҳридаги Боровский номли коллежнинг 2-босқич, 213-гуруҳида таҳсил олган Жасурбек Иброҳимов 2017 йил 3 май куни шу ўқув масканида таълим олаётган ўқувчилар томонидан қаттиқ калтакланиб, шифохонага тушгани ҳолда 5 маротаба жарроҳлик операциясини ўтказган бўлса-да, унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмасдан 1 июнь куни касалхонада вафот этганлиги ҳолати бўйича «Change.org» сайтида уни ўласи қилиб калтаклаганларга жазо сўраб 2017 йил 04 июндан бошлаб 6500-7500 нафар шахслар петицияга имзо қўйганлар. Бу ҳолат бўйича ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ўз муносабатларини билдирди»²⁰⁵.

Шу боис, электрон жамоавий мурожаат этиш учун «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 2018 йил 2 апрелдаги 1600-III/ҚҚ-322-III-сон Қўшма Қарори билан парламент ҳузурида «Mening fikrim» веб-портали ташкил этилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий

²⁰⁴ Конституционное право: университетский курс. Том 2. 2-е издание. Учебник. Под ред. Казанника А.И., Костюкова А.Н. –М.: Изд-во «Проспект», 2016. –С. 473

²⁰⁵ Қаранг: Мать Жасурбека Ибрагимова рассказала о последних словах своего сына. Электронный ресурс: https://uz.sputniknews.ru/tags/person_ZHasurbek_Ibragimov/https://meningfikrim.uz/uz/petitions/view/2031.

Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 2019 йил 2 февралдаги 2310-III/ҚҚ-503-III-сон Қўшма Қарори билан мазкур веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаатлар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрири тасдиқланди»²⁰⁶.

Бироқ ушбу Низомда назарда тутилган электрон жамоавий мурожаат мурожаатлар институтининг муҳим элементи бўлиб ҳисобланса-да, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаси ёки уни амалиётга татбиқ этишга тааллуқли махсус қонунда белгиланмаган.

Шу боис, янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига «Петиция (лот.petitio; инг. petition) – конституциявий ҳуқуқда фуқароларнинг маълум бир қисми томонидан ёзма шаклда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётга оид бўлган масалалар бўйича давлатнинг олий органларига бериладиган сўрови» жумласини, 5-моддаси 2-қисмига «петициялар», 28-моддаси 1 ва 2-қисмларига «петиция» сўзларини киритиш таклиф этилади.

3.2. МДХ давлатларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтига доир қонунчилик таҳлили

Мурожаатлар соҳасидаги муносабатлар мустабид тузум зулмидан озод бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларида конституциявий норма сифатида эътироф этилиб, бу ҳуқуқ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати сифатида Асосий қонунларида ўз ифодасини топди.

Хусусан, «1992 йилги Конституция ижтимоий муносабатларни тартибга солишга Ўзбекистон тарихида илк бор

²⁰⁶ Қаранг: <https://meningfikrim.uz/uz/petitions/view/2031>

инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлатга нисбатан устунлигини тан олиш нуқтаи назаридан ёндашди»²⁰⁷.

Худди шунингдек, Россия Федератив Республикаси Конституциясининг 33-моддасида «Россия Федерацияси фуқаролари шахсан, шунингдек, якка ва жамоавий тартибда давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга»²⁰⁸, деган норма белгиланган.

Бу норма «Украина Конституцияси»²⁰⁹нинг 40-моддаси, «Беларусь Конституцияси»²¹⁰нинг 40-моддаси, «Озарбайжон Конституцияси»²¹¹нинг 57-моддаси, «Арманистон Конституцияси»²¹²нинг 18-моддаси 4-қисми ва 27.1-моддаси, «Грузия Конституцияси»²¹³нинг 42-моддаси 1-банди, «Қозоғистон Конституцияси»²¹⁴нинг 33-моддаси, «Қирғизистон Конституцияси»²¹⁵нинг 41-моддаси, «Туркманистон Конституцияси»²¹⁶нинг 40-моддаси 2-қисми, «Тожикистон Конституцияси»²¹⁷нинг 31-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»²¹⁸нинг 35-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституциявий нормалар уни амалиётга жорий этиш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари орқали татбиқ

²⁰⁷ Исломов З., Аббосхўжаев С. Конституция – ҳуқуқ устунлиги асоси. –Т.: «Ўзбекистон», 2012. –Б. 210.

²⁰⁸ Қаранг: Конституция Российской Федерации (с учетом поправок, внесенных Законами Российской Федерации о поправках к Конституции Российской Федерации от 30.12.2008 N 6-ФКЗ, от 30.12.2008 N 7-ФКЗ, от 05.02.2014 N 2-ФКЗ, от 21.07.2014 N 11-ФКЗ) //www.constitutions.su.

²⁰⁹ Қаранг: Конституция Украины (С изменениями и дополнениями, внесенными Законом Украины от 8 декабря 2004 года № 2222-IV) //www.constitutions.su.

²¹⁰ Қаранг: Конституция Республики Беларусь (с изменениями и дополнениями, принятыми на республиканских референдумах 24 ноября 1996 г. и 17 октября 2004 г.) // www.constitutions.su.

²¹¹ Қаранг: Конституция Азербайджанской Республики //www.constitutions.su.

²¹² Қаранг: Конституция Республики Армения от 5 июля 1995 года (по состоянию на 27 ноября 2005 года) //www.constitutions.su.

²¹³ Қаранг: Конституция Грузии //www.constitutions.su.

²¹⁴ Қаранг: Конституция Республики Казахстан //www.constitutions.su.

²¹⁵ Қаранг: Конституция Кыргызской Республики //www.constitutions.su.

²¹⁶ Қаранг: Конституция Туркменистана //www.constitutions.su

²¹⁷ Қаранг: Конституция Республики Таджикистан (была принята 6 ноября 1994 года путем всенародного референдума. Таким же путем в неё были внесены изменения и дополнения 26 сентября 1999 и 22 июня 2003 гг.) //www.constitutions.su.

²¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

этилгандагина, ўзининг ижобий самарасини беради. Шу боис, мазкур давлатлар мурожаатлар соҳасидаги конституциявий нормаларни қўллаш мақсадида махсус қонунлар қабул қилишган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»²¹⁹, Қозоғистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»²²⁰, Беларусь Республикасининг «Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»²²¹, Россия Федератив Республикасининг «Россия Федерацияси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»²²², Украина Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»²²³, Озарбайжон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»²²⁴, Арманистон Республикасининг «Фуқароларнинг шикоятлари, ариза ва таклифларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»²²⁵, Молдова Республикасининг «Илтимосларни бериш тўғрисида»²²⁶, Туркманистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаати ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»²²⁷, Қирғизистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»²²⁸ ва

²¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

²²⁰ Қаранг: Қозоғистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Қонуни. <http://online.zakon.kz>.

²²¹ Усмонов А. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига шарҳлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Тошкент: «Адолат», 2016.

²²² Қаранг: Россия Федератив Республикасининг «Россия Федерацияси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги қонуни. <http://www.consultant.ru>.

²²³ Қаранг: Украина Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни. <http://www.omega-kherson.com.ua/index.php/zuobobrgag>.

²²⁴ Қаранг: Озарбайжон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни. <http://base.spinform.ru/show.doc>.

²²⁵ Қаранг: Арманистон Республикасининг «Фуқароларнинг шикоятлари, ариза ва таклифларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги қонуни. <http://parliament.am/legislation>

²²⁶ Қаранг: Молдова Республикасининг «Илтимосларни бериш тўғрисида» қонуни. <http://www.ombudsmanpmr.org>.

²²⁷ Қаранг: Туркманистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаати ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги қонуни. <http://miniust.gov.tm/ru/mmerkezi/doc.view.php.doc.id-541>

²²⁸ Қаранг: Қирғизистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги қонуни. <http://cbd.miniust.gov.kg/act/word/ru-ru/202100/80>

Тоҷикистон Республикасининг «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»²²⁹ги қонунлари шулар жумласидандир.

Бироқ ушбу давлатлар (Ўзбекистон, Қозоғистон ва Беларусь Республикаларидан ташқари) қонунчилигида юридик шахсларнинг муурожаатларини тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжатлари бўлмаса-да, ушбу муносабатлар уларнинг фуқароларнинг муурожаатларига оид қонунчилиги билан тартибга солинади.

Таҳлил шуни кўрсатдики, МДХ давлатларининг муурожаатлар соҳасидаги қонун ҳужжатлари мазмун жиҳатдан бир-бирига яқин бўлиб, улар ўртасида ўзаро ўхшашликлар аниқ кўринади.

Масалан, янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасида давлат органлари ва давлат муассасалари, давлат иштирокидаги ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши назарда тутилган.

Бу норма Қирғизистон Республикасининг «Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Қонунида «Давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқишни тартибга солади», деб белгиланган.

Худди шу каби бу қоида Россия Федерацияси, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Туркманистон, Украина ва Тоҷикистон Республикаларининг қонунларида ҳам ўз аксини топган.

Бу давлатлар қонунчилигида муурожаат қилиш ҳуқуқлари алоҳида норма сифатида мустақамлаб қўйилган. Масалан, янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари

²²⁹ Қаранг: Тоҷикистон Республикасининг «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонуни. <http://www.dushanbet.tj/img/zakon.doc>.

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасида жисмоний ва юридик шахсларга давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланиши қайд этилган.

Ушбу ҳуқуқ нормаси Беларусь Республикаси Қонунининг 1-моддаси, Россия Федерацияси Қонунининг 2-моддаси, Озарбайжон Республикаси Қонунининг 1-моддаси ва Туркманистон Республикаси Қонунининг 2-моддасида ҳам ўз аксини топган.

Мурожаатларни кўриб чиқиш шартлиги, мурожаатларни кўриш ва ҳал этишда масъулиятсизликка йўл қўйган тақдирда жавобгарликка тортилиши тўғрисида алоҳида нормалар барча МДХ давлатлари миллий қонунчилигида мустақамлаб қўйилган.

Мурожаатларнинг шакллари МДХ давлатларининг ушбу соҳага оид қонунчилигида турлича баён этилган. Хусусан, янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида мурожаатларнинг шакллари оғзаки, ёзма ёхуд электрон тарзда бўлиши кўрсатилган.

Шу каби Беларусь Республикасининг «Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунини 3-моддаси, Озарбайжон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси, Қирғизистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Қонунини 1-моддаси ва Россия Федерациясининг «Россия Федерацияси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Қонунини 4-моддасида мурожаатлар оғзаки, ёзма ва электрон шаклида берилиши қайд этилган.

Украина Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунини 3-моддаси, Тожикистон

Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунини 2-моддаси ва Туркменистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаати ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Қонунини 1-моддасида мурожаатларнинг оғзаки ва ёзма шаклда бўлишлиги назарда тутилган.

Арманистон Республикасининг «Фуқароларнинг шикоятлари, ариза ва таклифларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги ва Қозоғистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги қонунларида мурожаатларнинг шакллари алоҳида кўрсатилмаган.

Шунингдек, мурожаатларнинг турлари бу мамлакатлар қонунчилигида сезиларли фарқланмаган. Масалан, янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган.

Россия Федерациясининг «Россия Федерацияси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Қонунини 4-моддаси, Беларусь Республикасининг «Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунини 3-моддаси, Арманистон Республикасининг «Фуқароларнинг шикоятлари, ариза ва таклифларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Қонунини 2-моддаси, Туркменистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаати ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Қонунини 1-моддаси, Тожикистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунини 1-моддаси ва Қирғизистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Қонунини 1-моддасида мурожаатларнинг турлари ариза, шикоят ва таклифлар тарзда қайд этилган.

Мурожаатлар турлари Украина Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунини 3-моддасида ариза (илтимоснома), шикоят ва таклиф тарзида; Озарбайжон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунини 3-моддасида ариза ва шикоят ҳамда Қозоғистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Қонунини 1-моддасида ариза, шикоят, талаб, фикр ва таклифлар тарзида кўрсатилган.

Ушбу давлатларнинг мурожаатлар соҳасидаги қонунчилигида мурожаатларни бериш муддатлари турлича белгиланган. Масалан, янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида мурожаатлар бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилиши назарда тутилган.

Бу муддат Украина Республикаси қонунчилигида ҳам белгиланган, Беларусь ва Тожикистон Республикалари қонунчилигида уч йил муддат кўрсатилган бўлса, Россия, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистон Республикаларининг қонунчилигида мурожаатларни бериш муддатлари назарда тутилмаган.

Маълум бўлишича, мазкур давлатларнинг қонунчилигида мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари турлича белгиланган. Масалан, янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасида ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг

мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши белгиланган.

Худди шу каби, Россия Федерацияси, Беларусь, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари қонунларида ҳам мурожаатни кўриш муддати бир ойгача, Украина ва Туркманистон Республикалари қонунларида 45 кунгача муддат назарда тутилган.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш босқичида МДХ давлатлари қонунчилигида электрон мурожаатлар институти муҳим ўрин эгаллаган. Хусусан, янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида электрон мурожаатга тушунча берилган, 5-моддаси ва 2-бобида электрон мурожаатларни тартибга солиш ҳақида алоҳида нормалар киритилган. Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари қонунчилигида ҳам мазкур ҳуқуқий нормалар назарда тутилган.

Айрим МДХ давлатлари қонунларида фуқаролар мурожаатларига қўйилган талаблар кенг қамровли характерга эга. Масалан, «Россия Федерациясининг «Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Қонунига кўра, матнида бошқа шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳақорат қилувчи жумлалар мавжуд бўлган мурожаатлар, шунингдек тушунарсиз хуснихатда ёзилган мурожаатлар кўриб чиқилмайди ва уларга жавоб хати юборилмайди»²³⁰.

Янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ўзига хослиги шундаки, унда Халқ қабулхоналари ва

²³⁰ Жўрабоев О.А. Ички ишлар идоралари ходими – инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси. Ўзбекистон ИИБ. –Т., 2010. –Б. 72

Виртуал қабулхона каби институтларнинг ҳуқуқий асослари назарда тутилган.

Шунингдек, мазкур Қонунда «вояга етмаган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари (24¹-модда) назарда тутилиб, улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан давлат органларига, ташкилотларга ёки уларнинг мансабдор шахсларига ушбу Қонунда белгиланган тартибда мустақил равишда мурожаат беришга ҳақли. Давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг мурожаатларини кўриб чиқиш унинг қонуний вакиллари, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари иштирокида амалга оширилиши мумкин. Вояга етмаган шахслар тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли уларнинг мурожаатларини кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Мурожаатда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколатига кирмайдиган давлат органлари, ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари мурожаатни тегишли давлат органига, бошқа ташкилотга ёки мансабдор шахсга ёхуд васийлик ва ҳомийлик органига юбориши шарт»²³¹.

Мухтасар айтганда, МДХ давлатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг қонунчилик ҳолатини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, бу давлатларни ушбу соҳадаги қонунчилигининг ҳуқуқий асослари собиқ совет давлати қонунчилик тизимида шаклланган, истиқлолининг дастлабки йилларида мустабид тузум қонунчилигига биноан иш юритган ва бу борада қабул қилган махсус қонунларининг асосини совет давлати қонунчилиги ташкил этганлиги боис, улар ўртасида сезиларли фарқ кўринмайди.

²³¹ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

IV БОБ. ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖЖАТЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

4.1. Ўзбекистонда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг ҳозирги ҳолати ва муаммолари

Кейинги йилларда мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг ҳуқуқий асослари ҳамда бу тоифадаги мурожаатларни кўриб чиқадиган институционал тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш бўйича зарурий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бироқ мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини чуқур таҳлил этиб бориш, жаҳон бозори конъюктурасининг ўзгарувчан табиати, ахборот-коммуникация технология-ларини жадаллик билан ривожланиши глобаллашув жараёнини янада тезлаштирмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг барча жабҳалари қаторида: жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ва мурожаатлар билан ишлаш тартибини белгилайдиган қонунчиликни ҳамда бу ҳуқуқ кафолатини таъминлайдиган институционал тизимнинг мукамал механизмини ишлаб чиқишни ижтимоий ва объектив заруриятга айлантиради.

Шунинг учун, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4102-сон Қарори билан вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) секторлари раҳбарлари олдида янги вазифалар юклатилди.

Бунга биноан, туманлар (шаҳарлар) секторлари раҳбарлари ҳар ҳафтада камида бир маротаба, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар секторлари раҳбарлари эса ҳар ойда камида икки маротаба жойларга чиққан ҳолда жисмоний шахслар билан уларнинг ижтимоий масалалари ҳамда юридик шахсларнинг вакиллари билан тегишли фаолият соҳалари кесимида қабуллар ўтказилиши; 2019 йилнинг 1 апрелидан республика бўйича ягона электрон ахборот тизими жорий этилиб, унда уйма-уй юриш, ўтказилган суҳбатлар, келиб тушган мурожаатлар натижасида аниқланган муаммолар ва уларнинг ҳал этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; ижтимоий соҳа ва бошқа объектлардаги мавжуд ҳолатларни ўрганиш натижасида аниқланган муаммо ҳамда уларнинг ҳал этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва секторлар фаолияти юзасидан электрон статистик ҳисобот шакллари киритиб бориш йўлга қўйилган»²³².

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»²³³ги 5633-сон Фармони ва 2019 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 4197-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республи-каси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналари тўғрисидаги низомлари

²³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4102-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

²³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

тасдиқланиб, унда Халқ қабулхоналарининг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари янада мукамаллаштирилди.

Унга кўра, Халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишини, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий этилди; Халқ қабулхоналари маълум муаммо юзасидан мурожаат келиб тушишини кутиб ўтирмасдан, бевосита ўзлари аниқлаш имкониятига эга бўлади; ишчи гуруҳлар ҳудудларни маҳалла ва хонадонлар, оилалар кесимида таҳлил қилиб, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қисқа ва ўрта муддатли манзилли тадбирлар режаларини шакллантиради; ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти, мурожаатлар билан ишлаш ҳолати халқ депутатлари Кенгашлари мажлисида муҳокама қилинади; ҳар чоракда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботи эшитилади; ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига кўмаклашиш йўналишидаги ишлар Халқ қабулхоналари томонидан мувофиқлаштирилади ҳамда халқ қабулхоналари секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг уйма-уй юриш, мурожаатлар билан ишлаш, ижтимоий ва бошқа объектларда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш борасидаги фаолиятини тизимли ўрганиш, кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, шунингдек, секторлар фаолиятини баҳолашда иштирок этиши»²³⁴ назарда тутилган.

Халқ билан очик мулоқот жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг амалда синалган энг самарали усули бўлиб, 2017 йилни «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили», деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

²³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони (2017) асосида ишлаб чиқилган Давлат дастурида бу усулни босқичма-босқич амалга ошириш тадбирлари белгиланган.

Ушбу тадбирлардан келиб чиқиб, бугунги кунда Олий Мажлисдан тортиб то қуйи ташкилот мансабдор ва масъул шахсларигача жойларга ташриф буюриб, халқ билан жонли мулоқотлар ташкил этгани ҳолда, аниқланган муаммолар ва ечимини кўтаётган масалалар жойнинг ўзида қисқа муддатларда ҳал этилмоқда.

Масалан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Раҳимжон Ҳакимов «Олий Мажлиснинг ролини ошириш мақсадида Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари ҳар ойда ўн-ўн икки кун жойларга чиқиб, у ердаги ҳақиқий аҳвол билан танишиши амалиётининг жорий этилгани сайловчиларимиз, аҳолининг муаммоларини ечишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг бу борадаги таклифлари нечоғлик халқчил бўлганига биз жойларга чиқиб, уйма-уй юриб, аҳоли билан ҳамсуҳбат бўлганимизда яна бир бор амин бўлдик, амалий тажриба орттирдик. Очiq мулоқотларда одамларни қийнаётган муаммолар, сайловчиларнинг фикрлари билан танишдик, бу масалаларни жойида ечишга кўмаклашдик. Ўрганишлар натижасида бир қатор қонунларга аҳоли талаби асосида ўзгартириш, қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрланмоқда. Парламент назорати шаклларида кўпроқ фойдалана бошладик, жойлардаги маҳаллий Кенгашларнинг фаолияти ҳам сезиларли даражада фаоллашмоқда»²³⁵, дея таърифлайди.

Сўнгги йилларда Ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан ривожланиш босқичига кириши глобаллашув жараёнини янада тезлаштириш билан кифояланмасдан, бизнинг

²³⁵ Ҳакимов Р. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид //Фуқаролик жамияти, 2017. № 3. –Б. 14-17

иш юритиш йўриқларимизни, тафаккуримизни, теран фикрлашимизни, янада очикроқ айтадиган бўлсак, дунёга демократик тарзда қарашларимизни ўзгаришига туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг расмий электрон сайтлари, видеоконференцалоқа, «ишонч телефонлар», тезкор алоқа телефонлари каби электрон алоқаларнинг амалиётга жорий этилиши бу борада амалга оширилган ишларнинг самарали натижасидир.

Қоида тариқасида, тадқиқот жараёнида тарихий-ҳуқуқий жиҳатларни ўрганиш, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини қиёслаш, миллий қонунчиликни тегишли соҳасини билиш, илмий-назарий ёндашиш, институционал тузилмаларнинг фаолиятини таҳлил қилиш, статистик маълумотларни ва ҳисоботларини умумлаштириш, таклиф, тавсия ва хулосалар бериш билангина мавзуга доир кўзланган мақсадга эришиш учун етарли эмас.

Шунинг учун тадқиқот материалларини янада мукамал ва амалий бўлишлиги мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2019 йил 24 апрелдаги 19/707-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация-сининг 2019 йил 6 майдаги 07/2-1577-сон хатлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳар Миробод тумани ва Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Халқ қабулхоналарининг амалий фаолияти ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида Миробод ва Чироқчи туманлари Халқ қабулхоналарида мурожаат этувчилар ўртасида ижтимоий сўровлар олиб борилди. Бу сўровларга 170 нафар респондент (шундан 57 нафари тадбиркор) жалб этилди. Уларнинг фикри олиниб, таҳлил этилгани ҳолда умумлаштирилди.

Хусусан, Ижтимоий сўров турли йўналишдаги саволлар асосида ўтказилди. Хусусан, мурожаат қилишнинг қайси шакли сизга маъқул, деган саволга респондентларнинг 30 нафари (18 фоиз) шахсий қабулда бўлиш, 98 нафари (58 фоиз) оммавий қабул, 35 нафари (20 фоиз) электрон мурожаат ва 7 нафари (4 фоиз) видеоконференцалоқа орқали мурожаат қилиш, деб жавоб берган.

Нима сабабдан халқ қабулхонасига мурожаат қилдингиз, деган саволга респондентларнинг 19 нафари (11 фоиз) яқинларим ва танишларим тавсияси билан, 130 нафари (76 фоиз) мурожаат тўлиқ, холисона ва ўз вақтида ҳал этилиши учун, 3 нафари (2 фоиз) аввал берган мурожаатим натижасидан қоникмаганлигим учун ва 18 нафари (11 фоиз) жавоб беришга қийналаман, деб жавоб берган.

Халқ қабулхонасида қабул қилиш жадвалига риоя этадимми, деган саволга респондентларнинг 154 нафари (91 фоиз) ҳа, 5 нафари (3 фоиз) йўқ ва 11 нафари (6 фоиз) жавоб беришга қийналаман, деб жавоб берган.

Халқ қабулхонасига мурожаат қилишда муаммолар мавжудми, деган саволга респондентларнинг 4 нафари (2 фоиз) ҳа, 153 нафари (90 фоиз) йўқ ва 13 нафари (8 фоиз) жавоб беришга қийналаман, деб жавоб берган.

Халқ қабулхонасида мурожаат қилувчилар учун шарт-шароит яратилганми, деган саволга респондентларнинг 161 нафари (95 фоиз) ҳа, 3 нафари (2 фоиз) етарли эмас, 2 нафари (1 фоиз) йўқ ва 4 нафари (2 фоиз) жавоб беришга қийналаман, деб жавоб берган.

Халқ қабулхонаси фаолиятини қандай баҳоласиз, деган саволга респондентларнинг 87 нафари (51 фоиз) юқори, 55 нафари (33 фоиз) ўртача, 7 нафари (4 фоиз) салбий ва 21 нафари (12 фоиз) жавоб беришга қийналаман, деб жавоб берган.

Мурожаатингизни кўриб чиққан мутасадди ходимнинг Сизга бўлган муомаласини қандай баҳолайсиз, деган саволга респондентларнинг 100 нафари (59 фоиз) юқори, 44 нафари (26

фоиз) ўртача, 9 нафари (5 фоиз) салбий ва 17 нафари (10 фоиз) жавоб беришга қийналаман, деб жавоб берган.

Мурожаатингизга йўлланган жавоб муддати, деган саволга респондентларнинг 17 нафари (10 фоиз) беш кун муддатда, 31 нафари (18 фоиз) ўн беш кун муддатда, 69 нафари (41 фоиз) бир ой муддатда, 11 нафари (6 фоиз) бир ойдан ортиқ муддатда ва 42 нафари (25 фоиз) кўриб чиқилмоқда, деб жавоб берган.

Мурожаат натижаси бўйича фикрингиз, деган саволга респондентларнинг 142 нафари (84 фоиз) жавобдан қониқдим, 11 нафари (6 фоиз) жавобдан норозиман, 3 нафари (2 фоиз) жавобга тушунмадим ва 14 нафари (8 фоиз) жавоб беришга қийналаман, деб жавоб берган.

Неча мартаба мурожаат қилдингиз, деган саволга респондентларнинг 156 нафари (91 фоиз) бир мартаба, 11 нафари (6 фоиз) икки мартаба ва 3 нафари (2 фоиз) иккидан ортиқ, деб жавоб берган.

Мурожаатингиз натижаси бўйича чора кўрилдими, деган саволга респондентларнинг 16 нафари (10 фоиз) ҳа, 11 нафари (6 фоиз) йўқ ва 143 нафари (84 фоиз) жавоб беришга қийналаман, деб жавоб берган.

Мурожаатлар ҳал этилган орган, деган саволга респондентларнинг 51 нафари (30 фоиз) Халқ қабулхонасида, 88 нафари (52 фоиз) бошқа идораларда ва 31 нафари (18 фоиз) жавоб беришга қийналаман, деб жавоб берган.

Мурожаатларни ҳал этиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар бўйича ўзгаришларни қай даражада кўрасиз, деган саволга респондентларнинг 111 нафари (65 фоиз) сезиларли даражада ўзгарди, 47 нафари (28 фоиз) секинлик билан ўзгармоқда, 5 нафари (3 фоиз) ўзгариш йўқ ва 7 нафари (4 фоиз) жавоб беришга қийналаман, деб жавоб берган.

Халқ қабулхонаси ходимларини жойларга чиқиб аҳоли билан мулоқотда бўлишини қандай баҳолайсиз, деган саволга

респондентларнинг 164 нафари (97 фоиз) ижобий, 2 нафари (1 фоиз) салбий ва 4 нафари (2 фоиз) жавоб беришга қийналаман, деб жавоб берган.

Мурожаатларга доир қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида таклифларингиз, деган савол асосида респондентларнинг 21 нафари аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш кераклигини ва 7 нафари Халқ қабулхоналари ваколатларини кенгайтиришни тавсия этган.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий сўров натижалари бўйича Халқ қабулхоналари ўтган қисқа даврда фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини қонуний асосда ҳал қилишда муҳим роль ўйнайдиган институтга айланиб, халқ билан мулоқотга киришиш, одамларнинг ҳақли эътирозлари ва амалий таклифларини ўрганиш, таҳлил қилиш, ўринлиларини қабул қилишнинг ўзи бир мунча муаммоларни ижобий ҳал қилиш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, тадқиқот давомида Чирокчи тумани Халқ қабулхонаси ташаббуси билан тумандаги «Жар» ва «Дўстлик диёри» маҳалла фуқаролар йиғинларида мутасадди идоралар мутахассислари жалб этилган ҳолда уйма-уй кириб аҳоли билан мулоқот ўтказилди.

Бу мулоқот давомида аҳолининг ҳудуддаги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, банклар фаолияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, таклифлари эшитилди. Шунингдек, маҳаллалардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, фарзандлари олий ўқув юртида ўқиётган оилалар, имконияти чекланган кишилар, кексалар билан алоҳида суҳбат ташкил этилиб, ушбу жараён давомида аниқланган муаммо ва камчиликларнинг маълум қисмини ечими жойида ҳал қилинди, айримлари ижро учун мутасадди органларга юклатилди ва баъзилари юзасидан тавсиялар берилди, аниқроғи, қайси хонадонга кирилган бўлса, оила аъзоларининг бирор-бир

мушкулени осон қилиш, дуч келаётган муаммоларига имкон қадар ечим топиш чоралари кўрилди.

Хонадонма-хонадон кириб юриш асносида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳияти – қачонки, халқ ичига кириб борилса, улар билан дилдан суҳбатлашилса, аҳолининг турмуш тарзи, мақсад-ўйлари ҳақида тасаввурга эга бўлсагина тўлиқ намоён бўлишига ишонч ҳосил бўлди.

Мулоқот жараёнида ўзаро суҳбатга жалб этилган иштирокчиларининг 70 фоизи кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида тушунчага эга эканликларини ва давлат идоралари, айниқса, Халқ қабулхоналари, Давлат хизмат агентликлари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари ҳамда турли даражадаги мансабдор шахсларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан муносабатлари тубдан ўзгарганлигини, мурожаатни ўз вақтида қабул қилиб, сифат жиҳатдан талабга жавоб берадиган жавоб олаётганлигини, айрим муаммоларни ечими ўша вақтнинг ўзида ҳал этилаётганлигини, масъул шахслар томонидан қабул жараёнида илиқ муомалада бўлаётганлигини эътироф этишдилар.

Иштирокчиларининг 10 фоизи Конституция ва унинг асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгилаб қўйилган ёки кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларидан хабардор эмасликлари, 10 фоизи бу борада ҳаракатсизлиги, 5 фоизи (кекса, ногирон, муомала лаёқатига эга бўлмаган) ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қодир эмаслиги, 3 фоиз одамлар «ёзувчи», «иғвогар» деган ном олмаслик учун мурожаат этишга уялиши ҳақида эскича фикрдалиги, 2 фоизи пессимистик қарашда бўлиб, ислохотларнинг амалий натижаларига шубҳа билан қарашларини намоён этишдилар.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг муҳим элементларидан бири мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

масаласи бўлиб, бу «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс»²³⁶ининг 43-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекс»²³⁷ининг 144-моддасида белгиланган.

Бу ҳолатни тадқиқот жараёнида ўрганилган Қарши шаҳар маъмурий ва Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судлари архиви материалларида кўриш мумкин. Чунончи, «Қарши шаҳар маъмурий судининг 2018 йил 2 ноябрдаги қарорига кўра, Б.Э.Латипов Қашқадарё вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасининг кўп хонадонли уй-жой фондини техник ҳолатини мониторинг қилиш ва давлат хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантириш бўлими бош мутахассиси вазифасида ишлаб келиб, фуқаро А.Жўраев ва бошқаларнинг ноқонуний қурилган қурилишларга аниқлик киритиб беришни сўраб ёзган мурожаатига қонунда белгиланган муддатда жавоб бермаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддаси бўйича 184 минг 300 сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилган»²³⁸.

Худди шу каби, «Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг 2015 йил 11 августдаги ҳукмига кўра, У.У.Жовлиев Шаҳрисабз туман архитектура ва қурилиш бошқармаси бош мутахассиси вазифасида ишлаб келиб, фуқаро А.Сайфиев ва бошқаларнинг танловда ютиб олган ер участкасини ўлчаб бериш борасидаги мурожаатларини ҳал қилмасдан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зарар етказганликда, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 144-моддаси 1-қисми билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган»²³⁹. Суд органларининг мазкур қарорлари конституциявий талабнинг

²³⁶ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси //Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

²³⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси //Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

²³⁸ Қарши шаҳар маъмурий суд архиви материаллари.

²³⁹ Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман суди архиви материаллари.

амалий ифодасидир (шахсий ҳаётга тааллуқли бўлганлиги боис, ҳуқуқбузар ва жабрланувчини фамилияси ва исми ўзгартирилиб берилмоқда).

Кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш»²⁴⁰ деб номланган 43-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш»²⁴¹ деб номланган 144-моддасининг биринчи қисми диспозицияси, биринчи қисми ва иккинчи қисми санкциялари янги нормалар билан такомиллаштирилди.

Қоида тариқасида, ушбу кодексларда назарда тутилган ҳолатлар бўйича маъмурий ва жиноий жавобгарлик фақат мансабдор шахсларга нисбатан суд томонидан белгиланади.

Бироқ, бу каби ҳуқуқбузарликлар давлат органлари ва ташкилотларнинг мансабдор бўлмаган масъул шахслари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан жавобгарлик масаласи кўрилмайди дегани эмас.

Чунки, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Бош прокуратура, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»²⁴²ги 341-сон Қарорига мувофиқ қабул

²⁴⁰ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси //Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

²⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси //Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

²⁴² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

қилган буйруқлари ва қарорлари билан тасдиқланган низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлари асосида ходимларига нисбатан интизомий жавобгарлик масалаларини белгилаб қўяди.

Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги «Мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 165-сон буйруғининг 7-бандида мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийлик, холислик ҳамда важларнинг тўлиқ текширилишини таъминламаган ходимларга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилиши назарда тутилган»²⁴³.

Амалиётга назар ташласак, «2020 йил давомида Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий тузилмаларига келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқишда қонун бузилиши ҳолатига йўл қўйган 10 нафар ходимнинг «жарима» ва «ҳайфсан» интизомий жавобгарлик чоралари кўрилган»²⁴⁴.

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар кўрилган бўлса-да, амалиётда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлашга тўсқинлик қиладиган қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Булар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 43-моддасида Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги

²⁴³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги «Мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 165-сон буйруғи. <https://prokuratura.uz/#/>.

²⁴⁴ Қаранг: <https://davxizmat.uz/oz/reports/ozbekiston-respublikasi-adliya-vazirligi-huzuridagi-davlat-xizmatlari-agentligi-va-uning-hududiy-tuzilmalariga-2020-yil-davomida-kelib-tushgan-murojaatlar-t-a-h-l-i-l-i>

ишлар шу Кодекснинг 245-моддаси талаби бўйича Маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши назарда тутилган.

Бироқ ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, тўпланган ҳужжатлар судларга қайси субъектлар томонидан, қандай тартибда берилиши ва қандай ҳужжатлар тақдим этилиши тўғрисида ҳеч қандай қонун ҳужжатлари мавжуд эмас. Шу боис, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасини қўллаш амалиёти мазкур соҳа бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликларни тўлиқ қамраб олмаяпти.

Амалиётда мазкур ишлар Маъмурий ишлар бўйича судларга фақат прокуратура органлари қарорлари билан тақдим қилинаётган бўлиб, бошқа бирорта давлат органлари ёки давлат муассасаларига бу ваколат берилмаган. Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бир қанча демократик институтлар жорий этилди ва улар фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Улар томонидан МЖТКнинг 43-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, шу ҳуқуқбузарликка йўл қўйган мансабдор шахснинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тўғридан-тўғри судга ҳужжатлар тақдим этишини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас.

Бунинг учун улар аввало, ваколати доирасида ўрганиб, тўпланган ҳужжатларни прокуратура органларига тақдим этишлари, прокуратура органи лозим топган тақдирда, ҳужжатларни Маъмурий судларга юборишлари керак. Мурожаатларни кўриб чиқадиган ваколатли органлар мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаганда тўпланган ҳужжатларни прокуратура орқали эмас, тўғридан-тўғри Маъмурий судларга тақдим этиш ваколатига эга бўлиши, бу борада, содир этилган қонунбузилиш учун жавобгарликни янада мустаҳкамлашга ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлашда хизмат қиларди.

2. Амалиётда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун прокуратура

органи томонидан судга тақдим этишда прокуратура органи томонидан 8 та ҳужжат (текшириш далолатномаси, маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида қарор, судланганлиги ҳақида ИИБ ахборот марказидан талабнома, ҳуқуқбузарлик содир қилган мансабдор шахснинг яшаш ва иш жойидан маълумотнома, паспорт нусхаси, иш жойидан тавсифнома, тушунтириш хати)ни илова қилиш шартлиги, шунингдек ҳуқуқбузар шахснинг ўзини судга олиб бориши талаб этилади. Бу жараён мураккаблиги боис, қайд этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жавобгарлик масаласи амалиётда кам қўлланилмоқда. Шунинг учун Конституциявий суд томонидан юқорида келтириб ўтилган масалалар юзасидан шарҳ берилса муурожаатларга оид масалаларни ҳал этиш янада ихчамлашарди ёхуд бу борадаги амалиёт кенгроқ татбиқ этиларди.

3. Ижтимоий сўров ва тадқиқот натижалари бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар ва ечими топилмаган муаммолар мавжудлиги аниқланди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»²⁴⁵ги 5618-сон Фармонини мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтирилишини ташкил этиш юзасидан барча даражадаги давлат идоралари томонидан кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилиши тавсия этилади.

4.2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари институтининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш

²⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

Йўллари ва мурожаатлар билан ишлаш институционал тизими самарадорлигини ошириш истиқболлари

Мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги вақтда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Қоида тариқасида, давлатнинг асосий қиёфаси – бу мамлакатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда намоён бўлади. Кимнингдир ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки кадр-қимматини йўқотиш ҳеч қачон хавфсизликни мустаҳкамлашга асос бўлмайди.

Ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг амалий шаклларида бири бўлиб, бу ҳуқуқ – фуқароларнинг сиёсий фаоллигини намоён қилиш, ижтимоий, сиёсий тадбирларга беэътибор бўлмаслик, энг муҳими ўзларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан биридир. Шу билан бирга жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари жамият ҳаётидаги муҳим ва ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилиш учун зарур ахборот манбаи ҳисобланиб, давлат ҳокимиятининг аҳоли билан мулоқотини мустаҳкамлаш усули ва йўли сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларга доир қонун ҳужжатларини бажарилиши билан чегараланиб қолмасдан, балки шу соҳага оид қонунчилик лойиҳаси муҳокамасида фаол иштирок этиб, мукамал тарзда қабул қилинишига эришишдир. Бу эса, масъул давлат тузилмаларидаги муҳим ўзгаришларни назарда тутди. Зеро,

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтини демократлашуви фуқаро-давлат-жамият билан биргаликда яратилган тақдирда янада самарали бўлади.

Асосий мақсадимиз бир қонуннинг бажарилиши эмас, балки лойиҳани мукамал тарзда қабул қилиш бўлиши лозим. Бу фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирокларини назарда тутди. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти халқ билан биргаликдагина кўзланган мақсадга эришилади.

Мурожаат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш масалаларини ҳал қилишда мазкур соҳага доир миллий қонунчилигимиздаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган ҳуқуқий меъёрларга амал қилиши уларда ишлаб чиқиладиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарали ва адолатли бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, бу ҳуқуқни кафолатлашнинг мукамал ҳуқуқий асосларини қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган қисқа даврда, бу борада 10 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинганлиги ҳамда 4 та махсус институционал тузилмалар ташкил этилганлиги фикримиз далилидир.

Бу борада, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сон Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур ҳужжатнинг 6-бандида: жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва усуллари жорий этиш, мансабдор шахсларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериши тизимини амалда татбиқ этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг

мурожаатларини кўриб чиқишда бюрократик тўсиқ ва ғовлар яратилишига, аҳоли билан мулоқот жараёнини кампаниябозликка айланишига йўл қўймаслик»²⁴⁶ назарда тутилган.

Бизга маълумки, озод элу халққина мустақил давлат ташкил қилади ҳамда орзу-умидларини шу давлат орқали амалга оширишга интилади. Халқ ва давлат манфаатлари муштарак, орзу-интилишлари ҳамоҳанг бўлган тақдирдагина ҳуқуқ ва эркинликлар рўёбга чиқади. Халқнинг фикр ва таклифларини эшитиш ҳамда дарду ташвишини енгиллаштириш давлат хизматчиларининг бурчидир. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

7-моддасида назарда тутилган «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир»²⁴⁷, деган қоидага мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар Концепцияси»²⁴⁸ ҳамда янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва услубларини жорий этиш қоидалари ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжатларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтини муҳим элементларидан бири ҳисобланган «сайёр қабул қилиш» институти аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний

²⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

²⁴⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

²⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz.

манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилганлиги, мазкур тоифадаги мурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатдан янги ва самарали тизими бўлиб хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Энг эътиборли жиҳати, сайёр қабуллар орқали аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиш Президентдан бошлаб барча босқичдаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбар ҳамда масъул шахсларининг кундалик вазифасига айланганлиги, Давлат билан халқ ўртасида муҳим демократик жараёнлар бошланганидан далолат беради.

Халқ қабулхоналари томонидан мутасадди ташкилот ва идоралар раҳбарлари ҳамда мутахассисларни таклиф этган ҳолда, тизимли равишда сайёр қабул ўтказилмоқда. Ушбу қабуллар давомида фуқаролар билан учрашилиб, уларнинг турли масалалардаги мурожаатлари тингланмоқда ва бу мурожаатларнинг қонуний кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Андижон вилоятидаги Халқ қабулхонасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, судьялари, вилоят жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар раислари иштирокида ташкил этилган сайёр қабулда 100 нафардан ортиқ фуқаролар турли масалалар юзасидан мурожаат қилишди. Сайёр қабул давомида мурожаатлар юзасидан муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли мутасадди идоралар вакилларига топшириқ, мурожаат қилувчиларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилган»²⁴⁹. Халқ қабулхоналарида ўрганилган таҳлил, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот якунлари ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўтказилган ишларнинг танқидий таҳлили шуни кўрсатдики, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириб боришликни тақозо этмоқда.

Шу боис, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига доир ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган миллий

²⁴⁹ Қаранг: <http://oliysud.uz/uz/olij-sud-raisi-sajer-kabul-utkazdi-414>

қонунчилигимизга қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритиш таклиф этилади.

1. Янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 38-моддасида муурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлишлиги кўрсатилган.

Бу ҳуқуқий норма Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида назарда тутилган. Хусусан, мазкур модданинг диспозициясида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, муурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик» деб белгиланган.

Бироқ янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш (8-модда); қабул куни, соати ва жадвалини белгилаш, муурожаатларни тааллуқлилиги юзасидан қайси органга муурожаат қилиш лозимлигини тушунтириш, муурожаатчини хабар қилмасдан махсус техника воситаларини қўллаш (9-модда); муурожаатчини камситишга йўл қўймаслик (16-модда); муурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўймаслик (19-модда); муурожаатга тиркалган ҳужжатлар бошқа органга юборилганда илова қилиш (21-модда); узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддатни тиклаш (22-модда); муурожаатни белгиланган муддатда рўйхатдан ўтказиш, рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритмаслик, талаб даражасида тўлдирмаслик, оммавий қабул баённомасида кўрсатмаслик (23-

модда); мурожаат ижрочисини белгиламаслик, мурожаатларни кўриб чиқаётганда бошқа ташкилотлардан сўралган ахборотларни ўн кун ичида тақдим этмаслик (24-модда); мурожаатни асоссиз бошқа органга юбориш (25-модда); мурожаатчини эшитиш, мурожаат бўйича ўз фикрини билдириш ва қўшимча ахборот тақдим этиш имкониятини бериш (26-модда); мурожаат жавоби ваколатли шахс томонидан имзоланиши (27-модда); мурожаат кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузиш ва тасдиқлаш (29-модда); ваколатли шахс мурожаатни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, мурожаат чақириб олинганда қайтармаслик, бироқ қонун бузилиш аниқланганда бартараф этиш чораларини кўриш (30-модда); мурожаатни жавобини тушунтириш ва уни тузатиш илтимосини кўриб чиқмаслик (31-модда); мурожаатни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисида ахборот бермаслик, таништирмаслик (32-модда); қарордан рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтирмаслик, моддий зарар, маънавий зиён ва маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўрмаслик (33-модда); доимий мониторинг ва назоратни амалга оширмаслик, назоратга олинган мурожаатни назоратдан ва ижродан олмаслик (34-модда); ҳар чоракда умумлаштирмаслик ва таҳлил этмаслик, умумлаштириш ва таҳлил натижалари бўйича тузилган маълумотномаларни расмий веб-сайтларда эълон қилмаслик (35-модда) каби ҳолатлар бўйича қонун бузилиши юзасидан жавобгарлик назарда тутилмаган. Бу эса, амалиётда ечими топилмаган муаммо бўлиб турибди.

Ушбу ҳуқуқдаги бўшлиқни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддаси диспозициясини «шунингдек мурожаатларга доир Қонуннинг бошқа талабларини бузиш» деган матн билан тўлдириш таклиф этилади.

2.Юридик шахсларнинг мурожаатларида турли органлар ваколатларига тааллуқли масалалар баён этилган тақдирда, ушбу мурожаатни унда кўрсатилган ҳолатларнинг аҳамиятига қараб,

мурожаатни кўриб чиқувчи давлат органи ва ташкилоти бошқа давлат органлари ва ташкилотларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиял эшитишни ўтказиш учун мурожаат қилишга ҳақлилиги қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим.

Бу институтининг афзаллиги шундаки – бу биринчидан, мурожаатда назарда тутилган муаммолар жойида қисқа муддатда ўз ечимини топишига имкон беради, иккинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг узоқ масофаларга бориб, идорама-идора юриб сарсон бўлишининг олдини олади, учинчидан, мурожаатлар ваколатли органнинг ўзи томонидан ҳал этилиши чоралари кўрилади, тўртинчидан, мурожаат этувчи мурожаатни кўриб чиқадиган масъул шахс билан юзма-юз мулоқотда бўлади, бу эса, мурожаат мазмуни юзасидан ортиқча тушунмовчиликлар келиб чиқишини олдини олади, бешинчидан, давлат органлари фаолиятининг очиқ ва шаффофлигини таъминлайди, олтинчидан, мурожаатларни кўриб чиқадиган масъул ходим малакали бўлиши ва жорий қонунларни мукамал эгаллашини талаб этади, еттинчидан, давлат органларига мулоқот орқали жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан танишиш имконини беради, саккизинчидан, мулоқот жараёнида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида тарғибот тадбирлари амалга оширилади, тўққизинчидан, «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак», деган эзгу ғояни амалий ифодасини, энг асосийси, мурожаат қилиш тўғрисидаги конституциявий норманинг халқчиллигини таъминлайди. Шу боис, мурожаатларни коллегиял равишда эшитиш амалиётини жорий қилиш тавсия этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон Қарори билан тасдиқланган «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида Намунавий низом»нинг 17-банди

1-қисмидаги «тўхтатилади» деган сўзни янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддаси 1-қисми талабларига зид бўлганлиги сабабли «тугатилади» деган ибора билан ўзгартириш таклиф этилади.

4. Янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг 32-моддаси 1-қисмида «мурожаатни кўриб чиқишни *тугатиш* тўғрисида илтимос қилиш» жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари таркибига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон Қарори билан тасдиқланган Намунавий низомнинг 73-банди 1-қисмида бу ҳуқуқ «мурожаатларни кўриб чиқишни *тўхтатиш* тўғрисида илтимос қилиш» деб номланган. Шу боис, бу қарама-қаршиликни мантиқий мунтазамликка асослаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон Қарори билан тасдиқланган Намунавий низомнинг 73-банди 1-қисмидаги «*тўхтатилади*» деган сўзни «тугатилади» деган ибора билан ўзгартириш тавсия этилади.

5. Янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддаси 2-қисмида «Аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланади», деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон Қарори билан тасдиқланган Намунавий низомнинг 4-банди 1-қисмида «Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда ариза, таклиф ва шикоятлар шаклида берилиши мумкин», деб кўрсатилган.

Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзаро қарама-қарши бўлиб, қонунчилик техникаси талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон Қарори билан тасдиқланган

Намунавий низомнинг 4-банди 1-қисмини «Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда берилиши мумкин. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланади», деган матн билан ўзгартириш тавсия этилади.

6. Янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг 33-моддаси номи «Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органининг, ташкилотнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари» деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон Қарори билан тасдиқланган Намунавий низомнинг 10-боби номи «Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва эркинликлари» деб номланган.

Ушбу ўзаро зид бўлган нормаларни қонунга мувофиқлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон Қарори билан тасдиқланган Намунавий низомнинг 10-боби номини «Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органининг, ташкилотнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари» деб ўзгартириш тавсия этилади. Чунки, юридик шахсларнинг эркинлиги тушунчаси мантиқан тўғри келмайди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш соҳасидаги Конституция ва унинг асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжудлиги бу ҳуқуқни таъминлашга етарли эмас, уни амалга оширишни таъминлайдиган механизм бўлсагина, тўлиқ кафолатланади.

Шунинг учун жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаоллиги ошаётган жараёнда юқорида қайд этилган демократик институтларни янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Назарда тутилганлардан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш институционал тизими самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагилар тавсия этилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари жамоатчилик асосида фаолият юритаётган бўлиб, ҳудудларда вакилларга мурожаат этиш ҳамда ўша вакиллар томонидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқишда талайгина муаммолар тўғдирмоқда. Шу боис, Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолиятининг молиявий ва моддий-техник базасини кучайтириш, шунингдек уларни Олий Мажлиснинг ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини ўрганиш бўйича фаолиятидаги иштирокини таъминлаш чораларини кўриш тавсия этилади.

2. Ўзбекистон Республикасида Давлат хизматлари агентлиги институтини ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда Давлат хизмати агентликларига оид алоҳида боб киритилиб, унда ташкил этилиши асослари, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқий мақоми ва фаолиятига оид бошқа масалаларни киритиш тавсия этилади.

3. Хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижадорлигини белгиловчи омиллардан биридир. Бу борада, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Шу боис, ушбу институтлар доирасини кенгайтириб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликларининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини ташкил этиш таклиф этилади. Бу эса, ҳокимият ва масъулиятни марказий бошқарувдан маҳаллий ҳокимиятга ўтказиш жараёнини тезлаштиради, чунки марказий идора ва вазирликлар билан мулоқот қилиш кўпроқ вақт талаб этади, улар мослашувчан эмас ва маҳаллий муаммолардан йироқдир.

Бироқ инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаган мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида ечимини кўтаётган масалалар, назарий-илмий ғоялар ва тадқиқотлар, оммалаштирилиши лозим бўлган амалий тажрибалар бисёрдир. Зеро, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти кучли ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг конституциявий-ҳуқуқий асосларининг назарий-илмий жиҳатларини тадқиқ қилиш ва олинган натижалар қуйидаги илмий-назарий хулосалар қилишга, институционал асослар ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни илгари суришга имкон берди.

1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтини илмий таҳлил қилиш, мавзу доирасида илмий категорияларнинг мазмунини янада аниқлаштириш зарурати ҳамда назарий таҳлиллар натижасида қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

–**«жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи»** – жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаатларини ифода этишидир;

– **«жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институти»** –бу – қонун билан тартибга солинган, жисмоний ва юридик шахсларнинг оммавий ҳокимият органларига мурожаат этиш, кўриб чиқиш, ҳал этиш, натижаси юзасидан шикоят қилиш ва жавобгарлик масалалари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир;

–**«жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг предмети»** – давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади;

–«**жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини амалга ошириш механизми**» – қонун ҳужжатларида назарда тутилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этишга оид инстанциялар, қабул қилиш тартиби, субъектлар, кўриб чиқиш ва жавоб йўллаш вақти, шикоят қилиш ва ўрнатилган қоидаларни бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи тартиб-таомиллардир;

–«**жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари**» – бу, давлат томонидан белгиланган ҳуқуқдан келиб чиқиб, шахснинг унга яратилган ҳуқуқий шарт-шароитлардан етарлича фойдаланишидир.

2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтини қуйидаги таснифлари ажратиб кўрсатилди:

- *ифода этиш шакли бўйича* оғзаки, ёзма ва электрон;
- *мурожаат қилиш ҳуқуқи субъектининг иштироки усулига қараб* бевосита ва билвосита;
- *мурожаат қилиш ҳуқуқининг мазмуни бўйича* ариза, шикоят ва таклиф;
- *мурожаатларни бериш тартиби бўйича* якка тартибда ёки жамоа бўлиб;
- *мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қараб* ихтиёрий ёки розилигига кўра;
- *мурожаат қилиш ҳуқуқининг субъектига қараб* жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- *мурожаатлар бериладиган манзили бўйича* давлат органлари, давлат иштирокидаги ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари;
- *мурожаатлардаги ахборотнинг муҳимлилик даражасига қараб*, ҳуқуқни талаб қилиш, ҳуқуқни тиклаш ва давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш.

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг ривожланиши босқичларга таснифланган.

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг ривожланишини конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шартлари қуйидагилардан иборат: а) давлат инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаган бўлиши; б) давлат халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиши; в) жамоатчилик иштироки асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси реал амалга ошиши; д) жисмоний ва юридик шахсларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол бўлишлари даражаси; е) жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши; ё) ваколатли давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор шахслари ушбу соҳадаги функцияларига масъулият билан ёндашишлари керак.

II. Ўзбекистон Республикасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтини ривожлантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 43-моддаси диспозициясида назарда тутилган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик» деган матндан кейин «шунингдек мурожаатларга доир Қонуннинг бошқа талабларини бузиш» деган норма билан тўлдириш таклиф этилади.

2. Янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасини асосий тушунча сифатида «мурожаатни оғзаки шакли-жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш; сайёр шахсий қабул; оммавий қабул ташкил этиш; видеоконференцалоқа; ишонч телефони; тезкор алоқа телефонлари; уйма-уй юриб аҳоли билан мулоқот ўтказиш ва бошқалар», деган жумла билан тўлдириш таклиф этилади.

3. Янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддаси 1-қисми 3-бандини «мурожаатда турли органлар ваколатларига тааллуқли масалалар баён этилган тақдирда, мурожаатни коллегиял эшитиш мақсадида мутасадди органларга мурожаат этиш» деган жумла билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

4. Давлат органлари ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 43-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий ишларни судга тақдим қилиш масалалари юзасидан Конституциявий суд томонидан шарҳ берилиши мақсадга мувофиқ.

III. Ўзбекистон Республикасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадиган институционал тузилмаларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боқлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари фаолиятининг молиявий ва моддий-техник базасини кучайтириш, шунингдек уларни Олий Мажлиснинг ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини ўрганиш бўйича фаолиятидаги иштирокини таъминлаш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

2. Хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоясини кўчайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман (шаҳар)лар ҳокимликларининг «Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари»ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (Асосий қонуни). –Т.: «Ўзбекистон», 1990.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 5-сон, 140-модда.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

7. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

8. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

9. Франция Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2018.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 29 декабрдаги 1399-III/КҚ-283-III-сонли Қўшма қарори. info@norma.uz.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Мening fikrim» веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаатлар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қўшма Қарори // <http://parliament.gov.uz/uz/>.

12. СССР Олий Совети Президиумининг «Гражданларнинг таклифлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Фармони // Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг ВЕДОМОСТЛАРИ. – Москва: СССР Олий Совети нашри, 1980. № 11, 192-модда.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

23. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-китоб. –Т.: «Ўзбекистон», 2017.

24. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.

25. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. 4-китоб. –Т.: «Ўзбекистон», 2020.

26. Апон М.Е. Государственная служба в зарубежных странах // Учебное пособие. –Санкт-Петербург. 2016.

27. Арасту. Поэтика, Ахлоқи кабир, Риторика. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2012.

28. Баглай М.В. Конституциявийное право Российской Федерации. Издательство «НОРМА». –М., 2007.

29. Бахрах Д.Н., Российский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право // Учеб. для вузов. -М.:«НОРМА», 2005.

30. Бойцова В.В., Бойцова В.Е. Административная юстиция: к продолжению дискуссии о содержании и значении // Государство и право. –М., 1994, № 5.

31. Ведерникова О.Н. Административная юстиция (опыт зарубежных стран) // Судебная реформа: итоги, приоритеты, перспективы: Материалы конференции. Серия «Научные доклады». –М.: МОНФ, 1997. № 47.

32. Витрук Н.В. Обучающая теория правового положения личности. –М., 2008.

33. Верещагина Л.Н. Практика отстаивания интересов граждан через обращения в органы государственной власти как форма социального контроля: дис. ...канд. соц. наук. –М., 2011. URL:<http://dlib.rsl.ru/rs>.

34. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик //Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; профессор Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. –Т., 2009.

35. Декларация прав человека и гражданина //Международное сотрудничество в области права человека . –М., 1993. Вып. 2.

36. Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман суди архиви материаллари.

37. Жўрабоев О.А. Ички ишлар идоралари ходими – инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси. Ўзбекистон ИИВ. –Т., 2010.

38. Жўраев М., Нуруллин Р., Камолов С., Ражапова Р., Голованов А., Ражабов Қ., Маврулов А., Абдуллаев Р., Аъзамхўжаев С., Алимова Д., Каримов Н., Кошонов Б., Оқилов К., Орифхонова З., Тетенева Л., Турдиев Ш. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет муштамлақачилиги даврида. –Т.: «Шарқ», 2000.

39. Жўраев Й. Инсон манфаатлари: юридик тушунчаси ва ташкилий-ҳуқуқий қафолатлари //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2017. №1.

40. Зиёев А.Х. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). –Тошкент: «Шарқ», 2000.

41. Зиёев А.Х. Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири. –Т.: «Маънавият», 2008.

42. Изатов А.Н. «Круглый стол» // Государственная служба и государственное управления. –Уфа, 2015.

43. Исломов З., Аббосхўжаев С. Конституция – ҳуқуқ устунлиги асоси. –Т.: «Ўзбекистон», 2012.

44. Иванова Л.В. Административное обжалование нарушений прав и свобод граждан, юридических лиц и индивидуальных предпринимателей: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. –Омск, 2005.

45.Йорк Пуделька. Административно-процессуальный кодекс концепция, моделный закон и камментирование //BWV BERLINER WISSENSCHAFTS-VERLAG GmbH, –Германия, 2014.

46.Козлова Е.И. Конституция и права России //учебник. –М.: ТК Велби, «Проспект», 2006;

47.Конституция и право: университетский курс. Том 2. 2-е издание //Учебник. Авторы: Под ред. Казанника А.И., Костюкова А.Н. –М.: Издательство «Проспект», 2016.

48.Косолапов А.В. ISSN 2078-8495 //Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 5, Юриспруд. 2011. № 2 (15).

49. Калинина С.В. Административно-правовая защита права граждан Российской Федерации на обращение в органы государственной власти и органы местного самоуправления (Электронный Ресурс): дис. ...канд. соц. наук. –М., 2004. URL:<http://dlib.rsl.ru/rs>.

50.Кенжаев С. Обращения как важнейший фактор деятельности прокуроров по борьбе с нарушениями законности в сфере управления: Автореф. дис. ... д.ю.н. –М., 1998.

51.Лапина И., Соусь С. Как сделать работу с обращениями граждан более эффективной? Новые решения для государственного управления // www.biport.sympra.belarus.

52.Маев Н.А. Бухоро хонлиги очерклари. –Тошкент, 2012.

53.Малько А.В., Субочев В.В. Законные интересы как правовая категория. –СПб, –М., 2004.

54.Маматкулов А.М. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тергов органларининг вазифалари // Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент, 2010.

55.Маслау А.Г. Мотивация и личность. –М: 1999.

56.Матузов Н.И. Правовая система и личность. –Саратов. 1987.

57.Минько Н.С. Некоторые аспекты работы с обращениями граждан и юридических лиц в системе исполнительной власти

//Вестник Полоцкого государственного университета. Серия D, 2012, № 5.

58.Миракулов М. Бирорта мурожаат эътиборсиз қолмайди //Ҳуқуқ ва бурч, 2017, 9-сон.

59.Мирмуҳсин. Темур Малик. –Т.: «Шарқ», 1996.

60.Морозов Н.В. Содержание института обращения граждан РФ и его место в конституциявийно-правовой доктрине //Право и политика, 2012, № 6.

61.Мўминов А.Р., Тиллабаев М.А. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик. –Т.: «Адолат», 2013.

62.Натанзий М. «Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний». –Тошкент: «Ўзбекистон», 2011.

63. Национальные учреждения по правам человека. Серия публикаций по вопросам профессиональной подготовки. № 4. ООН. –Нью-Йорк и Женева, 1995.

64. Низомиддин Шомий.Зафарнома.–Тошкент: «Ўзбекистон», 1996 б.

65. Низомулмулк. Сиёсатнома, ёки Сияр ул-мулк. –Т.: Адолат, 1997.

66.Нифанов А.Н. Правовые формы реализации непосредственной демократии в системе местного самоуправления: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. –Ростов-на-Дону, 2003.

67.Отажонов А.А., Хўжакулов С.Б. Ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти //Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси, 2017. №1.

68.Попов И.Е. Институт права граждан на на обращения в органы власти: проблемы понятия //Вестник ЮУрГУ, 2009. № 6.

69.Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. 1-китоб. –Т.:«Ўзбекистон», 2015.

70.Раҳимов А. Фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг

аҳамияти // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. –Тошкент, 2016. № 4.

71.Раҳимов Ш. Буюк Британия фуқаролик жамиятининг демократлашувида фуқароларнинг сиёсий фаоллиги //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2018, 2-сон.

72.Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. –Т.: «Адолат», 2001.

73.Румянцева В.Г. Им В.В. институт обращения граждан в органы государственной и местной власти: понятие, сущность, содержание //История государства и права. –М: 2008. № 14.

74.Сагдуллаева Д. Аҳоли ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2017, 1-сон.

75.Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. –Т., 2006.

76.Саидов А.Х. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари. Қомусий луғат. –Т., 2006.

77.Саидов А.Х. Ҳаракатлар стратегияси: мамлакатимиз тараққиётининг беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлари белгилаб берилди //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2017. 1-сон.

78.Саидов А.Х., Бакаева Ф.Х., Арсланова К.Ш. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. –Т.: «Ўзбекистон», 2010.

79.Сафарова Ш. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2018, 2-сон.

80.Саидов И.Х. Конституциявийное право граждан на обращение и его реализация в Республике Таджикистан: дис. ...канд. юрид. наук. –Москва, 2014.

81.Сергеева Д.А. Принципы конституциявийного института обращений граждан // Социально-политические науки. –М., 2016. № 3.

82.Скрябина М.В. Реализация конституциявийного права граждан на обращения в органы публичной власти: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. –Санк-Петербург. 2007.

83. Справочник по законодательству для работников органов прокуратуры, суда и министерства внутренних дел. Том I. – Москва: «Юридическая литература», 1971.

84. Сунгуров А. Государственные институты защиты прав человека: международный опыт. // Комиссии и Уполномоченные прав человека: опыт российских регионов. Под ред. А.Ю.Сунгурова. –СПб : «Норма», 2002.

85. Таджиханов У., Х.Одилқориев Х. Конституциявий ҳуқуқ. Таъриф ва чизмалар. –Тошкент, 2002.

86. Темур тузуклари. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2011.

87.Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: международная, зарубежная и национальная практика // Отв. ред. А.Х.Саидов. –Т., «Адолат», 2008.

88.Тожихонов У., Саидов А.Х. Жаҳон Конституциялари, 1-жилд //Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги. – Тошкент: «Адолат» нашриёти, 2001.

89. Тошқулов Ж. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий фикрлари тарихидан (XVII-XIX асрлар). –Тошкент: «Ўзбекистон», 1996.

90. Усмонов А. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига шарҳлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Тошкент: «Адолат», 2016.

91. Хаманева Н.Ю. Право жалобы граждан в европейских социалистических странах. –Казань, 1984.

92. Хаманева Н.Ю. Защита прав граждан в сфере исполнительной власти. –М., Институт государства и права Российской академии наук, 1997.

93. Чечот Д.М. Административная юстиция: Теоретические проблемы. –Л.: Изд. ЛГУ, 1973.

94. Чуприс О.И., Марчук Е.А. Место институтов административных процедур и работы с обращениями граждан и юридических лиц в системе административного права Республики Беларусь. О.И.Чуприс, Е.А.Марчук // Веснік Брэсцкага ўніверсітэта. Серыя 2. Гісторыя.Экноміка. Права. 2012. №2.

95. Шарафутдинов А.О., Саттаров А.Х. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар. –Тошкент: «Адолат», 2004.

96. Шодиев Н. Фуқаролик жамиятида фуқаровий фаоллик: тарихий ва илмий хусусиятлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. –Тошкент, 2016. № 4.

97. Эммануэл М. Революция. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2019.

98. Ямаловская Н.А. О субъективных правах советских граждан и их гарантиях // Вопросы советского государственного права. –М., 1959.

99. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. Ўзбекистон ССР Юстиция министри Б.Р.Олимжоновнинг умумий таҳририда. –Тошкент: «Ўзбекистон», 1988.

100. Қарши шаҳар маъмурий суд архиви материаллари.

101. Ҳакимов Р. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид // Фуқаролик жамияти. –Тошкент, 2017. № 3.

102. Ҳусанов О.Т., Каримова О., Азизов Ҳ., Тўйчиева Ҳ., Каримов З. Инсон ҳуқуқлари. –Т., «Шарқ», 1997.

103. Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ // Дарслик. – Тошкент: «Адолат», 2013.

104. Хусанов А.Т. Деятельность исполнительных комитетов местных советов народных депутатов по рассмотрению и разрешению предложений, заявлений и жалоб граждан (по материалам Узбекской ССР): Дис. ...канд. юрид. наук. –Ташкент, 1982.

105. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг музоахаллари тўғрисида» ва «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунларига шарҳлар. –Тошкент: «Адолат», 1997.

106. Чан Минь Хьонг. Рассмотрение и разрешение предложений, заявлений и жалоб граждан в Социалистической Республике Вьетнам: Дис. ...канд. юрид. наук. –Ташкент, 1991.

107. Широбоков С.А. Конституциявийное право человека и гражданина на обращение: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук.– Екатеринбург, 1999.

108. Юсупов С.Б. Давлат органларининг юридик ва жисмоний шахс музоахаллари билан ишлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Дис. ...фал. фан. док. (PhD). –Тошкент: ТДЮУ, 2019.

109. Gallagher A., Burdekin B. The United Nations and Notional Human Rights Institutions // International human rights monitoring mechanisms//Edited by G.Alfredsson...Martinius Nijhoff Publishers.2001.

110. Арманистон Республикасининг «Фуқароларнинг шикоятлари, ариза ва таклифларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги қонуни.<http://parliament.am/legislation>.

111. Испанская Конституция одобрена генеральными кортесами на пленарных заседаниях конгресса депутатаов и сената 31 октября 1978 года // www.constitutions.su.

112. Конституция Дания (Королевства Дания от 5 июня 1953г.) // www.constitutions.su.

113. Конституция Эстонской Республики (Принята на референдуме 28 июня 1992 года) // www.constitutions.su.

114. Конституция Польши (Республики Польши) от 2 апреля 1997 г. // www.constitutions.su.

115. Конституция Швеции (Королевства Швеция от 27 февраля 1974 г.) // www.constitutions.su.

116. Конституция Республика Кипр от 16 августа 1960 г.(по состоянию на 2000 г.) // www.constitutions.su.

117. Конституция Австралии (Данная Конституция была принята в качестве официального документа к Конституциявийному акту Австралийского Союза, 63 и 64 вickt. глава 12 от 1900.) // www.constitutions.su.

118. Конституция КНР (Принята на 5-ой сессии Всекитайского собрания народных представителей пятого созыва, обнародована и официально введена в действие Всекитайским собранием народных представителей 4 декабря, 1982 года, с поправками, принятыми 12 апреля, 1988 на первой сессии Всекитайского собрания народных представителей седьмого созыва, и 29 марта, 1993 года на первой сессий Всекитайского собрания народных представителей седьмого созыва) // www.constitutions.su.

119. Конституции Италии // www.constitutions.su.

120. Конституция Японии (текст приводится по сборнику Конституции зарубежных государств: Учебное пособие/Сост. проф. В.В.Маклаков. 4-е изд., перераб. и доп. –М.: Волтерс Клувер, 2003) // www.constitutions.su.

121. Конституция Российской Федерации (с учетом поправок, внесенных Законами Российской Федерации о поправках к Конституции Российской Федерации от 30.12.2008. N 6-ФКЗ, от 30.12.2008. N 7-ФКЗ, от 05.02.2014. N 2-ФКЗ, от

21.07.2014. N 11-ФКЗ) // www.constitutions.su.

122. Конституция Украины (С изменениями и дополнениями, внесенными Законом Украины от 8 декабря 2004 года № 2222-IV) // www.constitutions.su.

123. Конституция Республики Беларусь (с изменениями и дополнениями, принятыми на республиканских референдумах 24 ноября 1996 г. и 17 октября 2004 г.) // www.constitutions.su.

124. Конституция Азербайджанской Республики // www.constitutions.su.

125. Конституция Республики Армения от 5 июля 1995 года (по состоянию на 27 ноября 2005 года) // www.constitutions.su.

126. Конституция Грузии // www.constitutions.su.

127. Конституция Республики Казахстан // www.constitutions.su.

128. Конституция Кыргызской Республики // www.constitutions.su.

129. Конституция Туркменистана // www.constitutions.su.

130. Конституция Республики Таджикистан (была принята 6 ноября 1994 года путем всенародного референдума. Таким же путем в неё были внесены изменения и дополнения 26 сентября 1999 и 22 июня 2003 гг.) // www.constitutions.su.

131. Мать Жасурбека Ибрагимова рассказала о последних словах своего сына. Электронный ресурс: https://uz.sputniknews.ru/tags/person_ZHasurbek_Ibragimov/<https://meningfikrim.uz/uz/petitions/view/2031>.

132. Молдова Республикасининг «Илтимосларни бериш тўғрисида» қонуни. <http://www.ombudsmanpmr.org>.

133. Озарбайжон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни. <http://base.spinform.ru/show.doc>.

134. Основной закон Федеративной Республики Германия от 23 мая 1949 г. (с последующими изменениями и дополнениями до 20 октября 1997 г.) // www.constitutions.su.

135. Основной закон Федеративной Республики Германия от 23 мая 1949 г. (с последующими изменениями и дополнениями до 20 октября 1997 г.) // www.constitutions.su.

136. Право на обращение в Узбекистане, России, Германии, Великобритании, Соединенных штатах Америки и Австралии: сравнительный анализ // www.uz.undp.org.

137. Россия Федератив Республикасининг «Россия Федерацияси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги қонуни. <http://www.consultant.ru>.

138. Тожикистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни. <http://www.dushanbet.tj/img/zakon.doc>.

139. Украина Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни. <http://www.omega-kherson.com.ua/index.php/zuobobrgrag>.

140. Туркманистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаати ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги қонуни. <http://miniust.gov.tm/ru/mmerkezi/doc.view.php.doc.id-541>.

141. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирининг 2019 йил 22 январдаги 7-сон буйруғи. <http://mineconomy.uz/>.

142. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги «Мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 165-сон буйруғи. <https://prokuratura.uz/#/>.

143. Қирғизистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги қонуни. <http://cbd.miniust.gov.kg/act/word/ru-ru/202100/80>.

144. Қозоғистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги қонуни. <http://online.zakon.uz>.

145. <https://meningfikrim.uz/uz/petitions/view/2031>.

146. <https://www.facebook.com/UZDBQ/>.

147. <https://davxizmat.uz/oz/reports/ozbekiston-respublikasi-adliya-vazirligi-huzuridagi-davlat-xizmatlari-agentligi-va-uning-hududiy-tuzilmalariga-2020-yil-davomida-kelib-tushgan-murojaatlart-a-h-l-i-l-i>.

148. <http://oliysud.uz/uz/olij-sud-raisi-sajer-kabul-utkazdi-414>.

149. <https://soliq.uz/press-services/news/show/nazorat-natizhasi-murozhaatlar-sonida-aks-etmoqda-19/03/2020>.

150. <https://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/8638-inson-u-u-lari-va-erkinliklari-olij-adriyat>.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ.....	5
1.1. Муурожаатлар институтининг шаклланиши, тушунчаси ва ривожланиши	5
1.2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари институтини таснифи ва ўзига хос жиҳатлари.....	21
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ.....	37
2.1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида	37
2.2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш механизми	55
2.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқадиган институционал тузилмалар	73
2.4. Миллий гвардия органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби	89
III БОБ. РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ИНСТИТУТИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	100
3.1. Ривожланган хорижий мамлакатларда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари.....	100
3.2. МДҲ давлатларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари институтига доир қонунчилик таҳлили.....	112

IV БОБ. ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖЖАТЛАРИ	
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	121
4.1. Ўзбекистонда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари институтининг ҳозирги ҳолати ва муаммолари	121
4.2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари институтининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўллари ва муурожаатлар билан ишлаш институционал тизими самарадорлигини ошириш истиқболлари	134
ХУЛОСА.....	146
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	151

Юлдашов Содиқ Оқбаевич,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК
ШАХСЛАР МУРОЖААТИ ИНСТИТУТИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ**

Монография

Муҳаррир: **Кулдашев И.Х.**
Техник муҳаррир: **Абраев А.С.**

Босишга рухсат этилди: 14.05.2022. Буюртма: № 37. Формат 60x90/16.
Times New Roman гарнитураси билан рақамли босма усулида босилди.
Ҳажми 11,3 ш.б.т., 7,1 т.-ҳ.т. Адади: 5 нусха.

Ўзбекистон Республикаси Ҷамоат хавфсизлиги университети босмаҳонаси

